**“Капиталбанк” АТБ**
**Бошқарувининг**
**25.12.2019 йилдаги 41-сонли**
**Баённомаси билан**
**ТАСДИҚЛАНГАН**

**“Капиталбанк” АТБ**
**Бошқаруви раиси**
**Ким О.Р.**

**____________________**

**“Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки**
**“Капитал24” чакана бизнес филиалида**
**Жисмоний шахсларга комплекс(мажмуавий) банк хизматлари кўрсатиш**
# ҚОИДАЛАРИ.

(янги таҳрири)
(2020 й 1 январдан кучга киради)

**Тошкент ш.**

## 1. АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР

**1.1.** “Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки “Капитал-24” чакана бизнес филиалида Жисмоний шахсларга комплекс(мажмуавий) банк хизматлари кўрсатишнинг мазкур Қоидалари (кейинги ўринларда - Қоидалар) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Қоидалар ва уларга Иловаларга мувофиқ “Капиталбанк” АТБда (кейинги ўринларда - банк) жисмоний шахсларга комплекс (мажмуавий) банк хизматалари кўрсатиш тартибини белгилайди.

Қоидаларга қўшилиш ва ўз навбатида Комплекс (мажмуавий) банк хизмати кўрсатиш шартномасини тузиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 358, 360, 367 ва 370-моддаларига мувофиқ мижознинг мазкур қоидаларга қўшилганлигини тасдиқловчи:

- Мобил банк (мазкур Қоидаларнинг 6-Иловаси) орқали Оммавий офертани акцептлаш (Қоидаларга қўшилиш) ёки
- Банк офисида Қоидаларга қўшилиш шартномасини (мазкур Қоидаларнинг 6-Иловаси) имзолаш орқали амалга оширилади

**1.2.** Мижозларни мазкур Қоидалар ва Банк Тарифлари билан таништириш мақсадида Банк уларни Банкнинг Интернетдаги www.kapital24.uz сайтида, шунингдек, Банк офисларида эълон қилади

**1.3.** Комплекс (мажмуавий) банк хизмати кўрсатиш шартномаси оммавий шартнома эканлигини ва банк ҳамда бир маротабалик хизматлар ҳақи барча Мижозлар учун (Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан Мижозларнинг алоҳида тоифасига имтиёзлар берилиши мумкинлиги назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) бир хилда ўрнатилишини инобатга олиб Қоидаларга унинг Иловалари билан бирга, Иловаларнинг миқдори ва таркибига, шунингдек, Банк маҳсулотларни тақдим қилиш шартномаси ва Банк тарифларига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 1-бандига мувофиқ фақат Банк томонидан амалга оширилиши мумкин.

**1.4.** Тарафлар банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки тўлов тизимлари Қоидалари ўзгарганлиги ва/ёки Банк томонидан янги маҳсулотлар тақдим қилиниши ва/ёки банк маҳсулотларини тақдим қилиш технологияси ва/ёки лояллик дастури шартлари ўзгарганлиги муносабати билан ва/ёки ўз хоҳишига кўра мазкур Қоидаларга, шу жумладан Қоидаларнинг Иловаларига, банк маҳсулотларини тақдим қилиш тўғрисидаги Шартномага ва банк Тарифларига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида келишиб олишган.

**1.5.** Банк Қоидаларнинг, Қоидаларга Иловаларнинг, банк маҳсулотини тақдим қилиш Шартномаларининг ва Банк Тарифларининг янги (ўзгартирилган) таҳрири тўғрисида ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш режалаштирилган санадан камида 10 (ўн) календар кун олдин қуйидаги усуллардан (банкнинг танловига кўра) бири орқали хабар бериш йўли билан уларга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритади, хабар бериш муддати 1 (бир) календар кунни ташкил этувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигининг ёки Банкнинг номи ёхуд Банкнинг/Банк офисининг юридик/почта манзили ўзгариши билан боғлиқ ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиш ҳоллари бундан мустасно:

-масофавий хизмат кўрсатиш имкониятлари орқали, шу жумладан, Мижознинг шахсий кабинетига электрон хабарнома юбориш орқали;

- Банкнинг интернетдаги www.kapital24.uz сайтига тегишли эълонни жойлаштириш орқали;

- Банк офисларининг ахборот стендларига янгиланган ҳужжатларни жойлаштириш орқали;

- Мижознинг Банкка маълум бўлган яшаш манзили ва амалдаги яшаш жойига ёзма хабарнома юбориш орқали.

**1.6.** Қоидаларнинг мазкур бандига мувофиқ киритилган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар кучга киргунга қадар Мижоздан банкка Комплекс банк хизматлари

шартномасини ва/ёки банк маҳсулотини тақдим қилиш Шартномасини бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда ариза келиб тушмаган тақдирда, бундай ҳолат Мижознинг киритилган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар билан сўзсиз ва тўлиқ розилигини англатади. Бунда комплекс банк хизматлари кўрсатиш шартномаси ва/ёки банк маҳсулотини тақдим қилиш шартномасига ўзгартириш ва/ёки қўшимча киритиш тўғрисидаги келишувнинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 366-моддасига мувофиқ ёзма шаклига риоя этилган деб ҳисобланади.

**1.7.** Комплекс (мажмуавий) банк хизмати кўрсатиш шартномасининг ва/ёки банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги Шартномасининг янги таҳрири ва/ёки ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар кучга кирганидан кейин Мижоз томонидан операциянинг амалга оширилиши Мижознинг ўзгарган ва/ёки тўлдирилган комплекс (мажмуавий) банк хизмати кўрсатиш шартномаси ва/ёки банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги Шартнома билан розилигининг қўшимча тасдиғи ҳисобланади.

**1.8.** Мазкур Қоидаларда қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

***Абонент қурилмаси*** – КБХШдоирасида алоқага киришиш учун электр алоқа (маълумотлар узатиш)тармоқларига уланувчи шахсий компьютер, смартфон, телефон ва бошқа қурилма.

***Авторизация*** – Операцияни ўтказиш учун сўровда мавжуд бўлган Операцияни ўтказишнинг қонунийлигини тасдиқловчи информацион хавфсизлик элементларини текшириш асосида Банк/ ЯОПМ томонидан Карточка ёки унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда Операция ўтказишга рухсат бериш.

***Электрон почта манзили*** – Мижоз томонидан КБХШ тузиш жараёнида Ариза-Анкетанинг “Алоқа маълумотлари” бўлимида электрон хужжатларнинг нусхаларини олиш учун кўрсатилган электрон почта манзили. Электрон почта манзилиМижоз томонидан шахсан Банк Офисига келиб Мижоз тўғрисидаги маълумотларни ўзгартириш ҳақида Банк белгилаган шаклдаги Аризани имзолаш орқали ўзгартирилиши мумкин.КБХШдоирасида бир вақтнинг ўзида Мижозда фақатгина битта электрон почта манзили бўлиши мумкин.

***Аутентификация*** – Логин, Парол ёки Текширув кодини тўғри киритиш натижасида МБХдан фойдаланиш учун ҳуқуқ лаёқатини тасдиқловчи текшириш жараёни. Аутентификациянинг ижобий натижаси барча ҳаракатлар мижоз томонидан шахсан амалга оширилаётганлигини тасдиқлайди, шунингдек, қоғоз кўринишидаги ҳужжатга ўз қўли билан қўйилган имзога тенг ҳисобланади.

***Банк*** – “Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки.

***Банк маҳсулоти*** – Мижознинг муайянэҳтиёжларини қондиришга қаратилган алоҳида банк хизмати ёки функционал жиҳатдан тартибга солинган банк хизматларитўплами ва олдиндан белгиланган хусусиятларга (белгиларга) эга ёрдамчи ҳаракатлар (масалан Карточка, муддатли омонат ва бошқа).

***Бенефициар мулкдор*** – Мижоз қабул қиладиган қарорларгатўғридан-тўғри ёки билвосита (учинчи шахслар орқали), шунингдек, Мижоз билан тузилган шартнома асосида ҳам унга сезиларли таъсир ўтказиш ҳуқуқига (имкониятига) эга жисмоний шахс, жисмоний шахсМижоз даромадининг миқдорига таъсир кўрсатиш мақсадида ўз ваколатларидан фойдаланади, битимлар (шунингдек, кредит хавфини келтириб чиқариши мумкин бўлган (кредит, кафолат бериш тўғрисида)) тузиш, шунингдек, молиявий операцияларни амалга ошириш тўғрисида Мижоз томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир қилиш имкониятига эга бўлади. Мана шундай шахс мижоз – жисмоний шахснинг бенефициар мулкдори бўлиб ҳисобланади, бошқа жисмоний шахсни бенефициар мулкдор деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

***Амалдаги қонунчилик*** – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, айнан, қонунлар, қонуности ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари ва қарорлари (фармойишлари, хатлари), ратификация қилинган халқаро шартнома ва битимлар.

***Масофавий банк хизматлари (МБХ)*** – банктомонидан ваколатли Банк ходимининг иштирокисиз МБХ хизматларидан фойдаланган ҳолдаМижозга комплекс хизмат кўрсатиш.

***Комплекс банк хизмати кўрсатиш шартномаси (КБХШ)*** – Мижоз томонидан имзоланганкомплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидаларида, шунингдек, Қоидаларнинг иловаси бўлган банк маҳсулотларини тақдим қилиш тўғрисидаги Шартномаларни тузиш Тартибида, Банк тарифларида, Ариза-Анкетаданазарда тутилган тартибда ва шартларда Мижознинг комплекс банк хизматлари кўрсатиш Қоидаларига кўшилиши орқали Мижоз ва банк ўртасида тузиладиган шартнома.

***Банк маҳсулотларини тақдим қилиш тўғрисидаги Шартнома (Шартнома)*** – КБХШ доирасида “Капитал24” чакана бизнес филиали ва мижоз ўртасида мазкур Қоидаларнинг тегишли Иловасида белгиланган тартибда имзоланадиган шартнома, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг конунчилигида ва электрон хужжат айланиши тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда битимни оддий ёзма шаклда тузиш талабига жавоб беради ва битим тузаётган шахснинг шахсан (шахсларнинг ўзаро) иштирокида амалга оширадиган битимлар билан бир хил бўлган юридик оқибатларга олиб келади. Бундай Шартномаларҳаракатларқоғоз кўринишадаги ҳужжатлар билан тасдиқланмаган деган асос билангина низоли деб топилиши мумкин эмас.

***Шахсни тасдиқловчи ҳужжат (ШТҲ)*** – Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, 16 ёшга тўлмаган фуқароларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно), хорижий фуқароларнинг паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий фуқаролар тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

***Фойдаланишмумкин бўлган Пул маблағлари*** – Мижоз мазкур пул маблағлари доирасида операциялар амалга ошира оладиган Ҳисобварақ/Картдаги пул маблағлари қолдиғи.Фойдаланиш мумкин бўлган Пул маблағлари Мижознинг Ҳисобварақдаги/Карточкадаги ўз маблағлари қолдиғига ва Карточка бўйича амалга оширилган Операцияларнинг авторизация қилинган миқдорини айирган ҳолда овердрафтнинг фойдаланилмаган чегарасига тенг бўлади.

***Қарздорлик*** – кредитнинг сўндирилмаган қисми, ҳисобланган, бироқ тўланмаган фоизлар, неустойка ва тегишли Шартнома, шунингдек, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловларниҳам ўз ичига олган,Мижоз томонидан КБХШ ва Шартнома бўйича Банкка тўланиши лозим бўлган пул маблағлари.

***Ариза*** – Банк томонидан белгиланган шаклда тузилган ва Мижоз томонидан имзоланган электрон ёки қоғоз шаклидаги ҳужжат, банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги Шартноманинг муҳим шартлари кўрсатилган ариза. Ариза банк маҳсулотини тақдим этиш тўғрисидаги Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. МБХ воситасида бериладиган ариза Мижоз томонидан Текширув коди ёрдамида имзоланиши керак. Ариза фақат КБХШга қўшилган «Капитал24» ЧБФ Мижози томонидан берилиши мумкин.

***Ариза-анкета*** – КБХШнинг ажралмас қисми ҳисобланган, Банк белгилаган шаклда ёзилган, Мижоз томонидан КБХШ тузиш мақсадида Банкка тақдим қилинган, “Капиталбанк” АТБда комплекс хизмат кўрсатиш ҳақида ариза.

***Идентификациялаш*** – жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан Банкнинг Мижоз ҳақида маълумотларни аниқлаш, хужжатларнинг асл нусхаси ва/ёки лозим даражада тасдиқланган нусхаларидан фойдаланиб, ушбу маълумотларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш бўйича чора тадбирлар мажмуи. Мижоз томонидан тақдим қилинадиган ҳужжатлар Банкка тақдим қилинган санада ҳақиқий бўлиши лозим.

***Интернет банк*** – Мижозга банкнинг ваколатли ходими иштирокисиз Интренет тармоғи воситасида Аутентификация ўтказилганидан кейин ўзининг номига очилган барча

Ҳисобварақ ва Карточкалар бўйича маълумот олиш, Ариза/Топшириқнома бериш, шу жумладан банк операцияларини ўтказиш, шунингдек, банк хизматлари тўғрисидаги ахборот маълумотларни олиш имкониятини берувчи МБХ хизмати.

***Ахборот кўринишидаги оперция*** **–** Мижоз Аутентификация қилинганидан сўнг Банк томониданМижозга Ҳисобварақлар/Карточкаларнинг ҳолати ва фойдаланилиши, Ҳисобварақлар/Карточкалар бўйича ўтказилган операциялар, шунингдек,Ҳисобварақлар/Карточкалар айланмаси ҳақидаги маълумотларни тақдим қилиш бўйичаоперация ва Молиявий операциялар ҳисобланмайдиган бошқа операциялар.

***Карточка*** – пул маблағлари билан нақд пулсиз ҳисоб китобларда восита ҳисобланадиган ҳамда махсус карта ҳисобвараґи бўйича операцияларни амалга оширишга мўлжалланган, тўлов тизимига алоқадор ҳар қандай банк карточкаси.Карточкадан фойдаланган ҳолда ҳисоб китоблар амалдаги қонунчилик, мазкур Қоидалар ва карточка тегишли бўлган тўлов тизими қоидаларига асосан амалга оширилади. Агар Қоидаларда ва Шартномада бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, Қоидалар матнида асосий Карточка ҳам, қўшимча Карточка ҳам Карточка сифатида тушунилади. Қоидаларнинг иловаларида "Карточка" атамасига алоҳида таъриф берилади.

***Мижоз*** – Банк билан КБХШ тузган, Қоидаларда белгиланган ҳолларда эса банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисида алоҳида Шартнома(лар) тузган жисмоний шахс (резидент ёки норизедент).

***Кодли сўз*** – Мижоз мижозларни қўллаб-қувватлаш хизматига телефон орқали мурожаат қилганида, Банк мижозни идентификациялаши учунМижоз томониданфойдаланиладиган сўз/жумла.

***Шахсий кабинет*** **–** Мижозга мазкур бўлимга киргандан сўнг (Аутентификация ўтказилганидан кейин) унга МБХнинг барча имкониятларига киришни таъминлайдиганМБХ хизматларининг алоҳида бўлими.

***Логин*** **–** Мижозга МБХ хизматларига киришга рухсат беришда кейинчалик Мижозни Аутентификация қилиш мақсадида бир неча бор фойдаланиладиган, Банк томонидан Мижозга бериладиган белгиларнинг ўзига хос кетма-кетлиги.

***Мобил банк*** **–** Абонент қурилмага (мобил телефон, смартфон, планшет ва бошқ.) олдиндан ўрнатилган мобил иловадан фойдаланган ҳолда Мижозга ваколатли банк ходимининг иштирокисиз, Аутентификация ўтказилганидан сўнгунинг номига очилган барча Ҳисобварақ ва Карточкалар бўйича маълумот олиш, Ариза ва/ёки Топшириқномалар бериш, шу жумладан, банк операциялари ўтказиш, банк хизматлари тўғрисида ахборот кўринишидаги маълумотларни олиш амалга ошириш имконини берувчи МБХ хизмати.

***Мобил телефон рақами*** – КБХШ тузиш пайтида Ариза-Анкетанинг ("Мобиль телефон" (тўлдириш шарт) қаторида) "Алоқа маълумотлари" бўлимида Мижоз томонидан кўрсатилган, Банк мижозларининг маълумотлар базасида рўйхатга олинган уяли алоқа рақами. Мобиль телефон рақами Мижоз томонидан Банк офисига шахсан келиб Банк белгилаган шаклдаги Мижоз тўғрисидаги маълумотларни ўзгартириш ҳақида Аризани имзолаш орқали ўзгартирилиши мумкин.КБХШ доирасида бир вақтнинг ўзида Мижозда фақатгина битта мобиль телефон рақами бўлиши мумкин.

***Операция*** – пул маблағларини Ҳисобвараққа / Ҳисобварақдан, шунингдек, Карточкалардан ёки уларнинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда ҳам кирим қилиш / ўчириш ҳамда ўтказиб беришга, нақд пул маблағлари беришгава ҳ.к.ларга олиб келувчи, Амалдаги қонунчилик, Қоидалар, Банк тарифлари (зарурат бўлса) ва Тўлов тизимлар қоидалари (зарурат бўлса) га асосан ўтказиладиган ҳар қандай операция.

***Операцион кун*** – банк иш кунининг (Банк томонидан ҳисоб-китоб операциялари амалга ошириладиган ва мижозларга хизмат кўрсатиладиган очиқ балансли иш куни) бир қисми бўлиб, банкка келиб тушган барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш учун ажратилган вақт.

***Банк офиси*** – «Капитал 24» ЧБФнинг ҳар қандай офисларидан, шунингдек, смартбанклари ва минибанкларидан бири. Банк офисларининг рўйхати Банкнинг сайти ва Банк офисларида жойлаштирилган.

***Пароль*** –Мижозни Аутентификация қилиш жараёнини албатта ўтказиш имкониятини берувчи,Мижозга берилган Логин билан боғланган рақамли ва ҳарфли белгиларнинг кетма-кетлиги.

***Тўлов тизими*** – VisaInternational ва / ёки UzcardEMV тизимларидан бири.

***Топшириқнома/Ёзма ариза*** – Топшириқнома / Аризада белгиланган сумманиҲисобварақдан/Карточкадан олувчининг Ҳисобварағига / Карточкасига ўтказиб бериш, шунингдек, бошқа Молиявий операциялар ўтказиш тўғрисидаМижознингБанкка берадиган топшириғини назарда тутувчи, МБХ воситасидаёки Банк офисида Банкка тақдим қилинадиганэлектрон ёки ёзма шаклдаги ҳужжат. МБХ воситасида бериладиган топшириқнома Мижоз томонидан Текширув коди ёрдамида имзоланиши керак.

***Комплекс банк хизмати кўрсатиш Қоидалари (Қоидалар)*** – Банк томонидан тасдиқланган ва Банк белгилаган муддатдан кучга кирадиган, иловаларини ҳам ўз ичига олувчиБанкда жисмоний шахсларга комплексбанк хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги ушбу Қоидалар.

***Текширув коди*** – Банк томонидан генерация қилинадиган ҳамда Молиявий операция ўтказишда, Ариза, Топшириқ беришда Мижоз томонидан фойдаланиладиган Мобиль телефон рақамига SMS-хабарнома кўринишида юбориладиган махсус бир марталик ўзгарувчан код. Ариза, Топшириқнома беришда текширув кодининг киритилиши Тарафлар томонидан Мижознинг ўз қўли билан қўйилган имзосига тенг деб ҳисобланади. Мижознинг текширув кодидан фойдаланган ҳолда амалга оширган барча ҳаракатлари бўйичабаҳслашилмайди ва Мижоз томонидан шахсан амалга оширилган деб тан олинади ҳамда амалдаги қонунчилик талаблари асосидаўз қўли билан қўйилган имзодан фойдаланганда олиб келадиган юридик оқибатларга тенг оқибатлар олиб келади.

***Мижознинг вакили (Вакил)*** – ваколатлари фақат нотариал тасдиқланган (ёхуд Амалдаги қонунчиликка асосан унга тенглаштирилган) ишончномага асосланган, Мижознинг номидан унинг манфаатларини кўзлаб унинг ҳисобидан ҳаракат қиладиган жисмоний шахс. Мижознинг ВакилиКБХШга асосан КБХШ шартлари бўйича Мижоз шахсан амалга ошириши шарт бўлган ҳаракатлардан ташқари бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Мижознинг Вакили унинг номиданБанк офисига ёки Банкка ҳар бир мурожаат қилганида ШТҲ ва Ишончноманинг асл нусхасини шахсан кўрсатади.

***Лояллик дастури*** – “Капиталбанк” АТБда амал қиладиган ва Лояллик дастурига қўшилган Ҳамкорлардан Мижозни товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олишга рағбатлантирадиган лояллик дастурларидан ҳар қайсиси.

***Чиқим лимити (чегараси)*** – Мижознинг аризаси, шунингдек, Шартномага асосан Ҳисобварақ/Карточка бўйича маблағлардан фойдаланишга Банк томонидан қўйиладиган чегара (бунда имконият Банкда мавжуд бўлса).

***Доимий топшириқномалар*** – даврий ижро қилинадиган, пул маблағларини ўтказишга доир топшириқномалар.

***Банкнинг сайти*** – Банкнинг Интернет тармоғида қуйидаги манзил бўйича жойлаштирилган расмий сайти: www.kapital24.uz.

***Мижозларни қўллаб-қувватлаш хизмати*** – Банк маҳсулотларидан фойдаланиш масалалалри бўйичаМижозларга ёрдам берадиган Банк бўлинмаси.Мижозларни қўллаб-қувватлаш хизматининг телефон рақами: + 998 71 200-16-16.

***Кириш Воситалари*** – Шахсий кабинетга киришда Мижозни Аутентификация қилиш учун мўлжалланган Логин ва Пароль.

***Тарафлар*** – Банк ва Мижоз биргаликда.

***Ҳисобварақ*** – Банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисидаги Шартномага асосан Амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда Банк томонидан Мижозга очиладиганбанк ҳисобварағи.

КБХШ доирасида Мижозга бир неча турдаги Ҳисобварақлар очилиши мумкин, улар Қоидалар матнида алоҳида кўрсатилганда қуйидагича бўлади:

- ***Махсус карта ҳисобварағи (МКҲ, карта ҳисобварағи)*** – Карточка ёки унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда ўказиладиган операциялар бўйича пул маблағлари ҳисобини юритиш учун мўлжалланган банк ҳисобварағи;

- ***Муддатли омонат ҳисобварағи*** – муддатли омонат ҳисобини юритиш, шунингдек, жойлаштирилган пул маблағларига ҳисобланадиган фоиз кўринишидаги даромадларни олиш учун мўлжалланган банк ҳисобварағи;

- ***Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ*** – жисмоний шахсларнинг жорий мақсадлари учун фойдаланиладиган пул маблағларининг ҳисобини юритиш учун мўлжалланган банк ҳисобварағи;

- ***Ссуда ҳисобварағи*** – Банк билан тузилган кредит шартномалари бўйича кредит мажбуриятларини бажариш учун ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланиладиган банк ҳисобварағи.

***Банк тарифлари*** – Банк томонидан Мижозга кўрсатиладиган хизматларнинг молиявий ва бошқа шартларини белгиловчи, ставкалар, воситачилик ҳақини ҳам ўз ичига олган Банк томонидан тасдиқланган ҳужжатлар. Банк тарифлари Банкнинг сайти ва/ёки Банк офисларида жойлаштирилади ҳамда КБХШнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

***Кириш воситаларининг йўқотилиши*** – Мижознинг рухсати билан ёки рухсатисиз бир ёки бир нечта Кириш Воситаларининг учинчи шахслар томонидан қўлга киритилиши.

***“Капитал 24” ЧБФ*** – “Капиталбанк” АТБ «Капитал 24» чакана бизнес филиали.

***Молиявий операция*** – Қоидаларга асосан тақдим қилинадиган Мижознинг Топшириқномаси / Аризаси асосида Аутентификация ўтказилганидан сўнг Мижознинг Ҳисобварақ / Карточкада жойлаштирилган пул маблағларини тасарруф қилиш бўйича Банк томонидан бажариладиган операция.

***SMS–банк*** – Мижоз ўз мобил телефони рақамидан Банкка хизмат тақдим қилинишини, шуниндек, Карта ҳисобварағи / Карточка бўйича маълумот тақдим қилинишини, Карточкани блоклаш / блоклашдан очишни сўраб сўровнома юборишхизмати. SMS – банкфақатгина VisaInternational Карточкалари бўйича +99871 233 33 01телефон рақами орқали амалга оширилади.

***SMS-ахборот*** – Карточкаёки унингреквизитларидан фойдаланган ҳолда Операциялалар амалга оширилганида Мижознинг мобил телефон рақамига Банк/ЯУПМдан SMS-хабарнома (SMS-билдиришнома) ёки Қоидаларга асосан бошқа турдаги SMS-хабарномаларни қабул қилиш имкониятини берувчи Банк/ЯУПМнинг Мижозга тақдим қиладиган хизмати.

**1.9.** Қўшимча атама ва таърифлар Шартномаларда белгиланган. Қоидаларда ва Қоидаларнинг Иловаларида фойдаланиладиган атама ва/ёки таърифларнинг мазмунида қарама қаршиликлар бўлганидаҚоидаларнинг Иловаларида фойдаланиладиган атама ва/ёки таърифлар устунроқ кучга эга бўлади.

**1.10**. Шартнома ва Қоидаларда белгиланмаган атама ва таърифлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ва «Капиталбанк» АТБнинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган мазмунда иборанинг матнидан келиб чиқиб, уларнинг тўғридан-тўғри маъноси ҳамда шарҳи бўйича қўлланилади.

## 2. КОМПЛЕКС БАНК ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИНИНГ ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур Қоидалар Банк томонидан Мижозга ушбу Қоидаларда ва унинг иловаларида келтириб ўтилган банк хизматлари ва маҳсулотларини Банк Офисларида ҳам МБХ орқали ҳам тақдим қилиш тартибини ҳамда умумий шартларини белгилайди: КБХШ тузишни англатадиган - Қоидаларга қўшилиш (унинг шартларини қабул қилиш), Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 360, 367, 369 моддаларига мувофиқ Ариза-Анкета (Қоидаларнинг 5-Иловаси) асосида амалга оширилади.

***КБХШнинг тўлиқ функциялари, шу жумладан, Шартномаларни тузиш/ўзгартириш/бекор қилиш имконияти фақатигина «Капитал 24» ЧБФ Мижозларига тақдим қилинади.***

Мазкур Қоидалар ва унинг Иловалари, шунингдек, Банк Тарифлари (агар Қоидаларнинг тегишли Иловасида назарда тутилгмаган бўлса) Мижоз ҳамда Банк ўртасида Комплекс банк хизмати шартномаси (КБХШ) билан биргаликда тузилган ҳисобланади.

2.2. Мижоз тегишли Ариза бериш орқали (Банк Офисида ёзма шаклда ҳам МБХ воситасида ҳам) Қоидаларнинг Иловаларида ва Банк Тарифлариларида ўрнатилган тартибда Шартнома тузиб, Банк томонидан КБХШ доирасида тақдим қилинадиган ҳар қандай банк маҳсулотидан фойдаланиши мумкин

Тузилган Шартнома КБХШнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шартноманинг кучга кириш тартиби ва санаси Қоидаларнинг тегишли Иловаси билан белгиланади. Мижоз аризасида кўрсатилган банк хизматлари бўйича тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Текширув коди ёрдамида тасдиқланган, МБХ воситасида берилган ариза Мижоз томонидан шахсан берилган деб ҳисобланадаи ва қўл билан имзо қўйилган қоғоз кўиринишдаги тегишли ҳужжатлар билан тенг деб тан олинади ҳамда Тарафлар учун шартнома бўйича худди шундай ҳужжатлар келтириб чиқарадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан бир хил бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқаради.

2.3. Агар Шартномада бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, КБХШ доирасида банк хизматлари кўрсатиш Мижознинг аризаси, Операция ўтказиш (хизмат кўрсатиш) санасида амалда бўлган Шартномалар ва Банк Тарифларига асосан амалга оширилади.

2.4. КБХШ ва Шартномалар оммавий эканлигини ҳамда банк хизматларининг нархи барча Мижозлар учун бир хилдабелгиланишини ҳисобга олиб,Қоидаларга, уларнинг Иловаларни ҳам ичига олган ҳолда, Иловаларнинг сони ва таркибига, Лояллик дастурига, Шартномалар ва Банк Тарифларига фақатгина Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 382-моддаси 1-қисмига муфовиқ ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

2.4.1. Амалдаги қонунчилик нормаларининг, Тўлов тизимлари қоидаларининг ўзгариши, Банк томонидан янги банк маҳсулотлари ва/ёки хизматлари кўрсатилиши, банк маҳсулотларини тақдим қилиш технологияларининг ўзгариши ҳамда бошқа сабаблар муносабати билан, бундай ўзгаришлар кучга киришидан 5 (беш) календарь кун олдин кечикмасданБанк Қоидаларнинг Иловаларини қўшиб ушбу Қоидаларга, шунингдек, Лояллик дастурларига, Иловаларнинг миқдори ва таркибига, шунингдек, Банк Тарифларига Мижозга янги (ўзгартирилган) таҳрирдаги хабарномани (ўзгартиришлар тўғрисидаги офертани) қуйидаги шаклларда юбориш орқалиўзгартириш ва/ёки қўшимча киритишни таклиф қилиш ҳуқуқига эга, хабарнома муддати ўзгаришлар кучга кириш санасигача бир кундан кечиктирилмайдиган янги банк маҳсулотларини ва/ёки Банк хизматларини киритиш, Банкнинг амалда бўлган хизматларини тақдим қилиш шартларини яхшилаш ёки амалдаги қонунчилик талабларини ўзгартиришбилан боғлиқ бўлган ўзгаришлар бундан мустасно:

• Мижознинг электрон почтаси манзилига электрон шаклда;

• Банк Офисларидаги маълумотлар тахтасига янгиланган ҳужжатларни жойлаштириш орқали;

• маълумотларни Банкнинг сайтида ёхуд оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш орқали;

• МБХнинг интерфейсида.

Мазкур бандга мувофиқ киритилган ўзгаришлар кучга киргунга қадар Мижоздан Банкка КБХШ ва/ёки Шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма ариза келиб тушмаган бўлса, ушбу ҳолат (ҳаракатсизлик) таклиф қилинган ўзгартиришларга Мижознинг розилигини (акцептини) билдиради,КБХШ/Шартнома/Банк Тарифлари янги таҳрирнинг амал қилиши бошланган санада Тарафларнинг келишуви бўйича ўзгартирилган ҳисобланади,агар Қоидаларнинг Иловаларида ва/ёки Банк Тарифларида бошқа ҳол назарда

тутилмаган бўлса.Бунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 366-моддасига мувофиқ Қоидаларга ва/ёки Шартномаларга ўзгартириш ва/ёки қўшимча киритиш тўғрисидаги келишувнинг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги КБХШ/Шартнома/Банк Тарифлари кучга кирганидан кейин Операцияларнинг амалга оширилиши/Аризалар берилиши Мижознинг ўзгартирилган КБХШ/Шартнома/Банк Тарифлари билан розилигининг қўшимча тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

2.4.2. Амалдаги қонунчилик талаблари, шунингдек, бошқа тадбирлар (хусусан, Банкни қайта ташкил этиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг ўзгариши, дастурий таъминотнинг алмашиши, янги платформага ўтилиши ва бошқ. натижасида) муносабати билан Шартноманинг ҳисобварақнинг банк реквизитлари қисмига ўзгартиришлар киритиш Қоидаларнинг 2.4.1-бандида кўрсатилган тартибда амалга оширилиши мумкин.

2.5. Мижоз ушбу Қоидаларга қўшилар экан, қуйидаги мақсадлар учун Банкка/Банкнинг Ҳамкорларига КБХШ, Шартномалар ва Мижоз ҳамда Банк ўртасида тузилган бошқа шартномалар, шунингдек, Банк ва бошқа шахслар, шу жумладан, Мижоз вакил, суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи бўлган суғурталовчилар билан тузилган шартномалар тузиш натижасида ойлик иш ҳақи доирасида Банк билан шартнома имзолаган Мижоз, юридик шахс/якка тартибдаги тадбиркор томонидан Банкка тақдим қилинган Мижознинг шахсий маълумотларини, шунингдек, Мижознинг ҳар қандай (шу жумладан, Мижознинг розилиги билан суратга олиш орқали олинган) фото кўринишини қайта ишлашга (қоғоз ва/ёки электрон қурилмаларда автоматик йиғиш воситаларидан фойдаланиб ва/ёки фойдаланмасдан Шахсий маълумотларни кўчириш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаш (янгилаш, ўзгартириш), олиш, фойдаланиш, топшириш (тарқатиш, шунингдек, учинчи шахсларга шахсий маълумотларни қайта ишлаш учун топшириқ беришда кириш учун рухсат бериш) эгасизлантириш, блоклаш, ўчириш, йўқ қилиш) ўз розилигини билдиради:

- Тузилиши учун, шу жумладан, фақатгина Мижоз шахсий маълумотларини автоматик қайта ишлаш йўли билан Банк томонидан ижобий ёки салбий қарор қабул қилиниши мумкин бўлган, КБХШ,КБХШ доирасида Шартномалар, таъминот ва бошқа шартномаларни тузиш имкониятининг Банк томонидан кўриб чиқилиши учун;

- Мижоз томонидан кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини, шунингдек, Мижознинг банк маҳсулотларини тақдим қилиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқишда кредитга лаёқатлилиги/ тўловга лаёқатлилигини текшириш (шахсий маълумотларни учинчи шахсларга тақдим қилишни ҳам ўз ичига оладиган) учун;

- Шартномаларни, шу жумладан, банк операцияларини амалга ошириш ҳамда барча турдаги банк хизматларини тақдим қилиш тўғрисидаги шартномаларни бажариш ва бекор қилиш, Банк ва Мижоз ўртасида тузилган таъминот тўғрисидаги ҳамда бошқа шартномаларни, шунингдек, Банк ҳамда бошқа шахслар, шу жумладан, Мижоз вакил, суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи бўлган, суғурталовчи билан бундай шартномалар бўйича Мижоз шахсий маълумотларини мазкур шахсларга тақдим қилган ҳолда тузилган шартномаларни бажариш, Шартномалар бўйича кредитор ҳуқуқларининг ҳуқуқдан (талабдан) учинчи шахс фойдасига воз кечиш орқали сотиб юборилиши муносабати билан Банк билан битимлар тузиш учун;

- Шартномалар бўйича Қарзни талаб қилиш (сўндириш, ундириш) учун;

- шахсий маълумотларни, шунингдек, электрон кўринишда ҳам ҳимоя қилиш, сақлаш ҳамда Мижознинг шахсий маълумотлари ва банк сиридан иборат ҳужжатларни амалдаги қонунчиликка асосан ташиш учун;

- шартномаларни тузиш, бажариш ҳамда бундай шартномалар бўйича Банк томонидан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳар қандай шаклдаги хулосалар ва маслаҳатлар олиш учун, бундай хулосалар ва маслаҳатлар олиш учун Банк томонидан жалб қилинадиган аудиторлар ва учинчи шахсларга Мижоз шахсий маълумотлари тақдим қилинишиҳам мумкин;

- Банк билан Мижоз ўртасида тузилган Шартномаларда, бошқа ҳужжатларда кўрсатиладиган бошқа мақсадлар учун.

Бунда Банк билан битта холдингга кирувчи шахслар/ Банкнинг афилланган шахслари, Банк билан шартномавий (ҳамкорлик) алоқаларига эга компаниялар (ҳамкор банклар, аудиторлар, суғурталовчилар, телекоммуникация тизимлари операторлари ва провайдерлари, транспорт корхоналари, темир йўл ва авиакомпаниялар, консалтинг, баҳоловчи компаниялар, супермаркетлар, ресторанлар ва бошқа хусусий ҳамда давлат ташкилотлари, муассаслар, якка тартибдаги тадбиркорлар) Банкнинг Ҳамкорлари деб тушунилади. Лояллик дастурларида иштирок қилувчи Банк ҳамкорлари тўғрисидаги тўлиқ ва долзарб маълумотлар Банкнинг сайтида мавжуд.

Шунингдек, агарда шахсий маълумотларни қайта ишлаш зарурати ушбу розиликда кўрсатилган қайта ишлов бериш мақсадлари учун келиб чиққан бўлса, Мижоз Банк ва Банк ҳамкорларига ўз шахсий маълумотларининг ва биометрик шахсий маълумотларининг ҳар қандай махсус тоифасини қайта ишлашга ҳуқуқ (розилик) беради.

Банкк тақдим қилинадиган ҳужжатларда (Аризалар, бошқа ҳужжатлар) учинчи шахслар (турмуш ўртоғи, вакили, наф олувчива/ёки бошқа шахслар) тўғрисидаги маълумотларни кўрсата туриб, Мижоз Банк томонидан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шу билан бирга, бундай шартномалар бўйича Банк ва Мижознинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини амалга ошириш, шунингдек, сақлаш мақсадида Банкка ушбу шахсларнинг Мижоз томонидан тақдим қилинган шахсий маълумотларини қайта ишлашга топшириқ беради. Бунда Мижоз ушбу шахслардан уларнинг Банкка тақдим этилган шахсий маълумотларини Мижоз (Банкка тақдим қилиш ҳам киради), Банк ва Банк Ҳамкорлари томонидан қайта ишланишига розлик олинганлигини тасдиқлайди.

2.6. Ушбу орқали Мижоз Карточка ва МБХидан фойдаланиш шартлари, улардан фойдаланиш усуллари ва жойларидаги чекловлар, улардан фойдаланишдаги юқори хавф, шу жумладан, Мижознинг ҳисобварағида жойлаштирилган пул маблағларига Мижознинг рухсатисиз учинчи шахслар томонидан фойдаланишнинг мавжуд хавфлари билан таништирилганлигини тасдиқлайди. Шу муносабат билан, Мижоз Карточканинг қадрсизланиши ва йўқолишининг, шунингдек, пул маблағларига Карточка ёки унинг реквизитлари ва/ёки МБХ ёрдамида Мижознинг рухсатисиз киришнинг олдини олиш мақсадида Чиқим лимитларини (чегарасини) ўрнатиш орқали барча эҳтиёт ва махфийлик чораларини кўриши, шунингдек, ушбу Қоидалар ва унинг иловаларига асосан Карточкадан фойдаланиш қоидалари/ тартибига риоя қилиши шарт. Мижоз унга МБХ орқали Банк томонидан юбориладиган ҳисобварақ ва/ёки Карточка тўғрисидаги маълумотлар учинчи шахсларга маълум бўлиб қолганда, бунинг учун Банк жавобгар эмаслигини тан олади.

2.7. Мижоз ушбу орқали Банкка МБХ орқали хизмат кўрсатиш доирасида мобил телефон рақамига хабарнома, шу жумладан, SMS-хабарнома хизматига уланганда Текширув коди ва билдиршнома, шунингдек, Интернетда 3D Secure(VerifiedbyVisa) технологиясидан фойдаланиб Операциялар ўтказилганида верификация коди билан SMS-хабар ҳамда КБХШ ва Шартномаларни бажариш мақсадида бошқа билдиришномалар юборишга ваколат беради ва бунга ўз розилигини билдиради.

2.8. Мижоз Пенсия фонди ва унинг бўлимларига амалдаги қонунчиликка асосан Пенсия фондининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун зарур бўлган Мижоз тўғрисидаги ва бошқа маълумотларнинг Банк томонидан тақдим қилинишига, шунингдек, Пенсия фонди ва унинг бўлимларидан Мижоз тўғрисидаги маълумотларнинг олинишига ўз розилигини билдиради.

2.9. Ушбу орқали Мижоз Конверсион операцияларни ўтказиш учун Банк томонидан ўрнатилган хорижий валюта курсининг Банк сайтида жойлаштирилиши Мижозни лозим даражада хабардор қилиш эканлигига розилигини билдиради.

2.10. Банк хавфсизликни таъминлаш ҳамда Мижозга лозим даражада хизмат кўрсатиш мақсадида уни қўшимча равишда огоҳлантирмасдан ўзининг биноларида видеокузатув, шунингдек, аудио (видео) ёзув амалга ошириш ва ўзининг қурилмаларида Мижоз ҳаракатларини, шу жумладан КБХШ доирасида Операциялар ўтказишда ва бошқа

ҳаракатларда логинлаштиришни амалга ошириш ҳуқуқига борлигига Мижоз ўз розилигини билдиради.Аудио (видео) ёзувлардан КБХШ ва/ёки Шартнома бўйича ҳамда процессуал ҳаракатларда Тарафлар ўртасидаги низони ҳал қилишда далил сифатида фойдаланилиши мумкин.

2.11. Тарафлар КБХШ ва/ёки Шартномани тузиш, ўзгартириш ва бажариш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришда Банк ваколатли шахсларининг имзосини қўйишда факсимелдан ва Мижозга тақдим қилинадиган ёки юбориладиган талабномаларни, билдиршнома ва хабарномаларни, оферталарни, акцептларни Қоидаларга, Шартномаларга асосан МБХ орқали юборганда уларни имзолашда муҳр изидан фойдаланиш мумкинлигига келишиб олдилар.

КБХШ ва/ёки Шартномаларни бажариш учун муҳр изи дейилганда нусха кўчириш воситалари орқали ва типографик усулда муҳр изини график кўринишда қўйиш тушунилади.

КБХШ воситасида шакллантирилган электрон ҳужжатлар, ушбу Қоидаларга мувофиқ Мижоз аунтентификациясининг ижобий натижаларидан сўнг қоғоздаги худди шундай ҳужжатларга тенг ҳисобланади ва Томонларда Банк ва Мижоз ўртасида тузилган КБХШ ҳамда Шартномалар бўйича шундай ҳужжатлар билан бир хил бўлган ҳуқуқларни келтириб чиқаради. Бундай ҳужжатларёзма далиллар билан бир хил кучга эга бўлган далиллар сифатида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган тартибда тақдим қилишини мумкин,бунда ушбу даллилларнинг мақбуллиги улар электрон ҳужжатлар кўринишдаёки уларнинг қоғоздаги нусхаси тақдим этилган деган асос билан тан олинмаслиги мумкин эмас.

2.12. Ушбу орқали Мижоз Банк томонидан Тўлов тизими қоидаларининг бажарилиши Мижозга Карточкадан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоблар амалга ошириш имкониятини тақдим қилиш учун зарур эканлигини тушунишини ва бунга розилигини тасдиқлайди. Мижоз ушбу Қоидаларга кўшилар экан,Тўлов тизими Қоидаларининг КБХШ ва/ёки Банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисидаги Шартномадан келиб чиққан ҳуқуқий муносабатларга қўлланиладиган таъсир кучини тан олади.Мижоз тўлов тизими Қоидалари билан КБХШ тузилгунга қадар танишганлигини ва уларга риоя қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлайди.

2.13. Мижоз Банк томонидан Ҳамкорларнинг қоидаларини бажариш Мижозга Лояллик дастурларида иштирок қилиш имкониятини тақдим қилиш учун зарур эканлигини тушунишини ва бунга розилигини тасдиқлайди. Мижоз ушбу Қоидаларга кўшилар экан, Ҳамкорлар Қоидаларининг Лояллик дастурларидан келиб чиққан ҳуқуқий муносабатларга қўлланиладиган таъсир кучини тан олади.

2.14. Мижоз томонидан КБХШ бўйича ҳуқуқларни учинчи шахсларга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

## 3. МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОРҚАЛИ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

3.1. Тарафлар КБХШни тузиб, Банк Мижозининг МБХнинг барча хизматларига-Интернет банк ёки Мобил банк хизматларига кириши мумкинлигини тан олишади.

3.2*. **МБХ воситасида кўрсатиладиган хизматлар баъзи ҳолларда МБХнинг дастурий техник имкониятларидан келиб чиққиб чегараланган миқдорда тақдим қилишини мумкин. Муайян хизматнинг ёқилганлиги (ўчирилганлиги)/қўшилганлиги тўғрисидаги хабар Шахсий кабинетда жойлаштирилади.***

3.3. Шахсий кабинетга Интернет банк/ мобил илова орқали кирилади. Мижозга Аутентификациянинг ижобий натижаси бўйича Шахсий кабинетга киришга рухсат берилади.

3.4. Мижоз МБХ хизматларига киришни ташкил қилиш учун зарур бўлган техник, дастурий ва алоқа манбааларни мустақил ва ўз ҳисобидан таъминлайди, шунингдек, ушбу манбааларни уларга рухсатсиз киришдан вазарар келтирувчи дастурий таъминотданҳимоя қилишни таъминлайди.

3.5. МБХ воситасида хизматлар тақдим қилиш амалдаги қонунчилик, Қоидалар, уларнинг Иловалари, Банк тарифлари, шунингдек, Тўлов тизими Қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

3.6. Мижоз МБХ хизматларидан шахсан ўзи фойдаланади, МБХ доирасида ҳуқуқларни Мижознинг Вакилиги ўтказишга йўл қўйилмайди.

3.7. Банк ҳоҳлаган пайтда ўз хохишига кўра ушбу Қоидаларда кўрсатилган тартибда МБХ воситасида тақдим қилинадиган хизматлар/маҳсулотлар рўйхатини ўзгартириш ҳуқуқини сақлаб қолади

3.8. Ариза, Топшириқномаларни қабул қилиш Банк томонидан кечаю-кундуз амалга оширилади.Банк томонидан Ариза, Топшириқномаларни ижро қилиш уларнинг келиб тушишига қараб навбат тартибида кейинги Операцион кундан кечиктирилмасдан амалга оширилади. Ариза, Топшириқларни ижро қилиш муддати, агар Банк ва Мижоз ўртасида тузилган шартномада бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, амалдаги қонунчилик билан белгиланади.

3.9. Банк Мижознинг МБХ воситасида шакллантириладиган Топшириқномалари суммаси ва миқдорига бир томонлама тартибда доимий ёки вақтинчалик чеклов қўйиш, шунингдек, МБХ воситасида амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқа чекловлар киритиш ҳуқуқига эга.

3.10. Банк қуйидаги ҳолларда Мижозга унинг МБХдан фойдаланиб берган Ариза, Топшириқномалари ижроси амалга оширишни рад қилиш ҳуқуқига эга:

- МБХ хизматлари дастурий таъминотида узилишлар мавжуд бўлганда, Банк томонидан дастурий таъминотдра профилактик тадбирлар амалга оширилганида, шунингдек, Банкнинг хоҳиш иродасига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолларда (форс-мажор ҳолатлари, электр энергияси ўчирилганида, телекоммуникацон узилишлар ва ҳ.қ.). ***Ушбу ҳолатда Ариза, Топшириқномалар фақатгина Банк Офисида берилиши мумкин.***
- Ариза, Топшириқномани МБХдан фойдаланган ҳолда юборганда хавфсизликни бузиш белгилари аниқланганда, шу жумладан, Банкда Ариза, Топшириқномани ижро қилиш Банк ёки Мижоз учун зарар келтириши мумкин деб ҳисоблашга асос бўлса;
- Мижознинг ҳисобварағи/КарточкасидаАризада, Топшириқномада кўрсатилган операцияларни амалга ошириш учун Операция ўтказиш санасида амалда бўлган Банк тарифларига мувофиқ Банкнинг воситачилик ҳақини қўшиб ҳисоблаганда етарли пул маблағлари мажуд бўлмаса;
- Операциянинг миқдори ўрнатилган Чиқим чегарасидан ортиқ бўлса;
- Мижоз томонидан Ариза, Топшириқномада кўрсатилган мавжуд бўлмаган/нотўғри реквизитлар аниқланганида;
- Мижознинг ушбу Қоидаларни бузганлиги тўғрисида Банк томонидан маълумот олинганида;
- Топшириқнома орқали расмийлаштирилган Операция Мижознинг тадбиркорлик фоалияти билан боғлиқ бўлса;
- амалдаги қонунчилик талабларининг Мижоз томонидан бузиш белгилари аниқланганида;
- амалдаги қонунчилик, мазкур Қоидалар, Тўлов тизими қоидалари ва Банк ҳамда Мижоз ўртасида тузилган шартномаларда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

3.11. Банкда МБХга Мижознинг номидан рухсатсиз киришга ҳаракат қилинаётган бўлиши мумкин деган етарли асослар мажуд бўлганида, Банк Мижозни огоҳлантирмасдан унинг МБХга киришини вақтинча тўхтатиб туриш ёки чеклаш ҳуқуқига эга.Тарафлардан бирининг ташаббуси билан Мижознинг МБХга киришини тўхтатиб туриш ёки чеклаш бунгача келиб чиққан ўзаро ҳисоб-китоблар ва зарарни қоплаш бўйича мажбуриятларнинг бекор бўлишига олиб келмайди.

3.12. мижоз МБХ воситасида тақдим қилинган Ариза, Топшириқномаларнинг ижро этилганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги ёзма сўров билан Банк Офисига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3.13. Аризалар, Топшириқномалар, шунингдек, мазкур Қоидаларга мувофиқ Мижозни Аутентификация қилгандан кўнг Текширув коди ёрдамида имзоланган бошқа ҳужжатларни Банкка топшириш орқали тузилган Битимлар (шартномалар) ёзма шаклда битим тузишга қўйилган талабларни қаноатлантиради ва битим тузаётган шахснинг шахсан иштирокида тузилган битимлар олиб келадиган юридик оқибатлан билан бир хил бўлган юридик оқибатларни келтириб чиқаради.Бундай ҳужжатлар, битимлар (шартномалар) ёзма далиллар билан бир хил кучга эга бўлган далиллар сифатида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган тартибда тақдим қилишини мумкин, бунда ушбу даллилларнинг мақбуллиги улар электрон ҳужжатлар кўринишда ёки уларнинг қоғоздаги нусхаси тақдим этилган деган асос билан тан олинмаслиги мумкин эмас.

3.14. Мижоз Банкнинг талаби билан Банкка ўзи берган Ариза, Топшириқларнинг қоғоздаги нусхасига имзо қўйиши шарт.

3.15. Мижоз МБХ воситасида операция амалга оширишда қўлланиладиган Мижозни идентификация ва Аутентификация қилиш усуллари етарли эканлигига ваМижознинг Ҳисобварақлари/Карточкалари бўйича Банкниг операция ўтказиш ҳуқуқини ва МБХ доирасида бошқа маълумотлар тақдим қилиш ҳуқуқини лозим даражада тасдиқлашига ўз розилигини билдиради..

3.16. Тарафлар Мижознинг текширув кодидан фойдаланишиниМижоз томонидан МБХ воситасида берилган Аризалар, Топшриқлар қонунийлигининг, ҳақиқийлигининг, ўзгармаслигининг ва муаллифи Мижоз эканлигининг тасдиғи сифатида тан оладилар ҳамда қуйидагиларга келишадилар:

- Текширув коди Ариза, Топшириқнинг Мижоз номидан тузилганлиги ва имзолаганлигини тасдиқлайди;
- Текширув коди қоғозда қўл билан қўйилган имзога тенг деб тан олинади;
- Текширув коди ёрдамида имзоланган Ариза, Топшириқлар, мазкур Қоидаларда назарда тутилган ҳамда Ариза, Топшириқларнинг барча мажбурий реквизитларини сақашни таъминловчи усулларда Банкка топширилади.

Мижоз ва Банкнинг дастурий таъминоти ишлаб турган ҳамда Мижознинг Аутентификацияси амал қилиб турган узлуксиз бир вақтнинг оралиғида Мижоз томонидан МБХ воситасида юборилган Барча Ариза, Топшириқлар Мижоз томонидан топширилган ва Банк томонидан қабул қилиб олинган ҳисобланади

3.17. Мижоз МБХдан фойдаланганида МБХга кириш учун фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни, шу жумладан, Кириш воситаларини бошқа шахсларга ошкор қилмаслиги керак.

3.18. Мижоз ёки Банк томонидан амалга ошириладиган барча ҳаракатлар/Операциялар Банкнинг ахборот тизимларида электрон ҳужжатлар ва электрон хабарномалар кўринишида қайд қилиниб борилади. Банк ва Мижоз ўртасидаМБХ орқали амалга оширилган ҳаракатлар/Операциялар билан боғлиқ бирор-бир келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, Тарафлар Банкда сақланаётган электрон ҳужжатлар ва электрон хабарномаларни далил сифатида тан оладилар.

МБХдан фойдаланиб амалга оширилган ҳаракатлар/Операциялар бўйича Банк томонидан Банк тасдиқлаган шаклда қоғозда шакллантирилган, Банкнинг ваколатли шахси томонидан имзоланган ва Банк муҳри қўйилган муайян ҳисоботларТарафлар томонидан Қоидаларда назарда тутилган Операция ва ҳаракатларнинг амалга оширилганлигига етарли далил бўлиб ҳисобланади ва ҳар қандай низоларни ҳал қилишда фойдаланилиши, шунингдек, ҳар қандай суд органларига тақдим қилиниши мумкин.

МБХ воситасида Банк ва Мижоз томонидан тузилган/юборилган/шакллантирилган электрон ҳужжатлар ва электрон хабарномалар амалдаги қонунчиликда ўрнатилган муддатларда Банкда сақланади.

3.19. МБХга рухсатсиз кириш ҳолатларида ва/ёки Кириш воситалари йўқолганида Мижоз Банк Офисига келиб ёки мижозларни кўллаб-қувватлаш Хизматига қўнғироқ қилиб, ШТҲ маълумотлари ва лозим бўлса Кодли сўзни айтиб, зудлик билан МБХга киришни блоклаши шарт. МБХ хизматларига киришни янгидан очиш учун Мижоз Банк офисига шахсан мурожаат қилиши керак.

3.20. Мижоз мобил телефон рақамининг бошқа шахслар томонидан фойдаланишига имкон бермаслик мажбуриятини олади, мобил телефон рақамидан бошқа шахлар инсофсизларча фойдалашини мумкин дея тахмин қилиш учун асослар пайдо бўлганида, Мижоз мобил телефон рақамининг йўқолганлиги/ўғирланганлиги, ўзгарганлиги ҳақида Банк офисига шахсан келиб, зудлик билан хабар бериши шарт.

Мобил телефон рақамининг ўзгарганлиги ҳақидаги ариза Банк томонидан олингунга қадар Банкка олдин тақдим қилинган мобил телефон рақамидан фойдаланиб амалга оширилган ҳаракатлар учун Мижоз жавобгар ҳисобланади.

3.21. Банк Мижоз томонидан МБХдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кириш чегараланган маълумотларга учинчи шахсларнинг рухсатсиз/ноқонуний киришини олдини олиш учун барча оқилона чораларни кўради.

3.22. Мижоз МБХ хизматларига кириш учун ишлатиладиган қурилманинг ахборот хавфсизлигини ўзи мустақил таъминлайди.

3.23. **Интернет банк ва Мобил банк хизматларини тақдим қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби.**

Интернет банк ва  Мобил банк хизмати Молиявий ва Ахборот операцияларини ўтказиш имкониятига эга бўлган барча Мижозларга, шунингдек, МКҲга эга бўлмаган Қўшимча карточка эгаларига ахборот операциялари қисми бўйича тақдим этилади.

Мижоз Интернет банк ва Мобил банк хизматларига кириш учун Кириш воситаларидан фойдаланади.

МБХ хизматларидан фойдаланганда Мижоз Банкка Ариза ва Топшириқномалар юбориш имкониятига эга бўлади.

МБХ хизматлари орқали Мижоз қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

-тегишли намунани созлаш орқали Доимий топшириқномаларни расмийлаштириш, Мижоз Доимий топшириқномани ижро қилишнинг танлаш мумкин бўлган даврийлигидан бирини  мустақил ўзи танлайди.Доимий Топшириқнома ижро қилиниши учун МижозКарточкада/Ҳисобварақда Банк Тарифларида назарда тутилган Банкнинг воситачилик ҳақини қўшиб ҳисоблаганда пул маблағларини кўчириш учун етарли бўлган пул маблағларининг бўлишини таъминлаши шарт. Доимий Топшириқномани ижро қилиш пайтида Карточкада/Ҳисобварақда Банкнинг  воситачилик ҳақини ҳисобга олган ҳолда Доимий Топшириқномани ижро қилиш  учун етарли бўлган пул маблағлари мавжуд бўлмаганида, пул маблағлари кўчириб берилмайди, бу ҳақида Банк Мижозни мобил телефон рақамига тегишли SMS-хабарнома жўнатиш ёки Шахсий кабинетида тегишли билдиришнома жойлаштириш орқали хабардор қилади;

- миллий валютадаги пул маблағларини (Ўзбекистон Республикасининг ичида) Банкда очилган ҳисобварақдан/Карточкадан, Банкда ҳам бошқа банкларда ҳам очилган Ҳисобварақ/Карточкага,шу жумладан, учинчи  шахсларнинг фойдасигаўтказиш. Хорижий валютада мижозларнинг ҳисобварағидан мижознинг номига очилган ўзининг ҳисобварағига. Халқаропул ўказмалари тизими воситасида амалга ошириладиган пул ўтказмалари;

- товарлар/ишлар/хизматлар, шу жумладан, Банк томонидан ажратилган кредитлар учун; ДЙҲХБ жарималари; солиқлар ва йиғимлар; бюджет ташкилотлари, коммунал, телекоммуникация хизмати кўрсатувчи ташкилотларнинг хизматлари учун ва бошқа тўловларни амалга ошириш;

- МБХга киритилган бошқа имкониятлар.

МБХ хизматларида Ариза, Топшириқномаларни шакллантиришда ва уларнинг қонунийлигини, ҳақиқийлигини, ўзгармаслигини ва муаллифи Мижоз эканлигини тасдиқлашда Мижоз текширув кодидан фойдаланади.

Ушбу орқали Мижоз Интернет тармоғи кириш учун хавфсиз канал эмаслигини тушунади ҳамда маълумотни Интернет тармоғи орқали юборишда унинг махфийлиги ва тўлиқлигининг эҳтимолий бузилиши хавфини ўз бўйнига олади.

3.24. **МБХ доирасида Банк томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматлар.**

3.24.1 ***SMS-банк:***

SMS-банк хизмати тегишли Ариза бериш орқали ушбу хизматга уланган барча Мижозларга кўрсатилади.

Мижоз SMS-банк воситасида мобил телефон рақамидан Банкка Ахборот операцияларини амалга оширишга сўровлар, Карточкани блоклашга сўровлар, шунингдек, SMS-банк имкониятларидан келиб чиқиб бошқа сўровлар юбориши мумкин.

SMS-банк воситасида юборилган сўровлар, улар Мижознинг мобил телефон рақамидан юборилганлиги билан тасдиқланади, бу нарса улар Мижознинг ўзи томонидан тузилганлигини тасдиқлашга имкон беради.

Жўнатилган SMS-хабарлар учун ҳисоб-китоблар SMS-хабар жўнатувчи томонидан уяли алоқа оператори билан мустақил амалга оширилади.(Банкнинг иштирокисиз).

Уяли алоқа операторининг айби билан ёки Мижоз сутка давомида хизмат доирасидан ташқарида бўлганида ёхуд телефон ўчирилган, носоз ва бошқ. ҳолатда бўлганда жавоб SMS-хабар етказиб берилмаганлиги учун Банк жавобгар ҳисобланмайди, бунда SMS-хабар Банк юборган санада Мижоз томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

SMS-банк хизматидан фойдаланганда Мижоз ўз мобил телефонида SMS функциясининг бўлишини, шунингдек, SMS хизматига уланишни, ўз уяли алоқа операторида қисқа рақамлардан фойдаланиш имкониятини мустақил таъминлайди.

Мижоз мобил телефон рақамига/рақамидан юборилган SMS-хабар бевосита Мижознинг ўзи томонидан/ўзига юборилганлигини тасдиқлайди.

3.24.2. ***SMS-ахборот:***

SMS-ахборотхизмати тегишли Ариза бериш орқали ушбу хизматга уланган барча Мижозларга кўрсатилади

SMS-ахборотхизмати доирасида Банк/ЯУПМ Мижознинг мобил телефон рақамига Карточка ва унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда ўтказилган Операциялар тўғрисида, Карточканинг амал қилиш муддати тугаганлиги тўғрисида, Мижознинг кредитлар бўйича Банк олдидаги мажбуриятлари тўғрисида SMS-хабар кўринишидаги маълумотларни ва бошқа маълумотларни юборади.

Банк SMS-ахборотхизмати доирасида юбориладиган маълумотлар рўйхатига ушбу Қоидаларда назарда тутилган тартибда ўзгартириш киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ушбу орқали Мижоз мобил телефон рақамининг ўзгарганлиги тўғрисида Банкни хабардор қилгунига қадар Мижоз томонидан Банкка олдин тақдим қилинган мобил телефон рақамига юборилган SMS-хабар бевосита Мижознинг ўзига юборилган ҳисобланади.

Банк/ЯУПМ томонидан мобил телефон рақамига SMS-хабар юборилган сана Мижоз томонидан SMS-хабарнома (SMS-билдиришнома) қабул қилинган сана ҳисобланади.

Уяли алоқа операторининг айби билан ёки Мижоз сутка давомида хизмат доирасидан ташқарида бўлганида ёхуд телефон ўчирилган, носоз ва бошқ. ҳолатда бўлганда SMS-хабар етказиб берилмаганлиги учун Банк жавобгар ҳисобланмайди, бунда SMS-хабар Банк юборган санада Мижоз томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

Мижоз Мобил телефон рақамига юборилган SMS-хабар бевосита Мижознинг ўзига юборилган деб ҳисобланишини тасдиқлайди.

## 4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. **Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

4.1.1. Мижозни, Мижоз вакилини, Бенефициар мулкдорни индентификация қилиш учун зарур бўлган, шу жумладан, Мижоз томонидан тузиладиган битимларнинг асоси ва мақсадини тушунтирадиган маълумотлар ҳамда ҳужжатларни сўраш, қасддан ишончсиз ҳужжатлар тақдим қилинганида ёки Банк томонидан сўралаётган ҳужжатлар тақдим қилинмаганида амалдаги қонунчиликка асосан Мижозга Шартнома тузишни, Операциялар амалга оширишни, шунингдек, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа хизматлар кўрсатишни рад қилиш.

4.1.2. Мижоз, Мижоз вакили, Бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги маълумотларни янгилаш мақсадида амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бир йилда камида бир маротаба, шунингдек, бошқа ҳолларда, бироқ уч йила камида бир маротаба ва Мижоз маълумотларида ўзгаришлар мажвуд бўлганида, шунингдек, олдин олинган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва аниқлигига шубҳа туғилганида ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олиш.

4.1.3. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ идентификация ўтказишда ва маълумотларни янгилашда Банк Мижоздан, унинг Вакилидан шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни, шунингдек, Мижоз томонидан тузиладиган битимларнинг ёки Мижознинг Ҳисобварақ ва/ёки Карточкаси бўйича амалга ошириладиган, шунингдек, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган операцияларининг иқтисодий моҳиятини, асосини ва мақсадини тушунтирадиган ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилишҳамда Мижоздан ва унинг Вакилидан олиш ҳуқуқига эга.

4.1.4. Мижоз Вакилининг фармойишини ижро қилишни бошлашдан олдин Банк томонидан ўрнатилган ички ҳужжатлар ҳамда жараёнларга мувофиқ Мижоз Вакилининг ваколатларини текширишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек, бу нарса амалдаги қонунчилик, банк ҳисобварағи (омонат) Шартномаси, Тўлов тизимлари Қоидаларига зид ёки таъқиқланган бўлса, шунингдек, Банкнинг ички ҳужжатлари ва жараёнларига зид бўлса,Мижоз Вакилининг Аризаси ва Топшириқномасини ижрога қабул қилмаслик.

4.1.5. Мижоз ва/ёки учинчи шахслар томонидан тўлов реквизитларини кўрсатишда хатоликлар аниқланганганда ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатларида ўрнатилган тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича талаблар Мижоз томонидан бузилганида, Мижознинг фармойишларини бир томонлама ижро қилмаслик.

4.1.6. Мазкур Шартнома жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш(ювиш), терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш учун операциялар амалга ошириш мақсадида тузилаётганлиги ҳақида шубҳа мавжуд бўлса Амалдаги қонунчилик талабларигамувофиқ Шартнома тузишни бир томонлама рад қилиш.

4.1.7. Банк ходимларида Операция жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш), терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида амалга оширилаётганлигига шубҳа пайдо бўлса, Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Мижознинг Операция (жисмоний шахснинг ҳисобварағига келган пул маблағларини кирим қилиш бўйича операция бундан мустасно) ўтказиш тўғрисидаги Топшириқномасини ижро қилишни бир томонлама рад қилиш.

4.1.8. Қонунчилиги ушбу мамлакат солиқ тўловчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида очиладиган ҳисобварақларнинг мавжудлигини ва улар бўйича операциялар амалга оширишни назорат қилиш мақсадида кредит ташкилотларидан (молия институтларидан) махсус битим тузишни талаб қиладиган чет давлат фуқароси -жисмоний шахс билан, шунингдек, Мижоз томонидан унинг чет эл фуқаролигини ва/ёки хорижий давлатларга солиқ тўлаш бўйича мажбуриятларини тасдиқлайдиган ёхуд инкор қиладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим қилиш рад қилинганида банк ҳисобварағи (омонат) шартномасини (тўлиқ ёки қисман) тузишни Бир томонлама рад қилиш.

4.1.9. Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, шу жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш), терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш соҳасида бир томонлама тартибда Мижознинг муайян Операцияларини (жисмоний шахснинг ҳисобварағига келган пул маблағларини кирим қилиш бўйича операция бундан мустасно) тўхтатиб туриш ёки Мижознинг Ҳисобварағи/Карточкасидаги пул маблағларини блоклаш (музлатиш).

4.1.10. ШТҲнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг Мижоз томонидан янги ШТҲ тақдим қилинмаганида, кейинги куни МБХга киришни бир томонлама блоклаш.

4.1.11. МБХ воситасида шубҳали ва/ёки гумонли Операциялар ўтказилишининг хавфини камайтириш мақсдадида бир томонлама:

- МБХ хизматларидан фойдаланиб Мижоз томонидан амалга оширилган шубҳали операциялар аниқланганда, Мижознинг ўтказилган операцияларнинг қонунийлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бергунига қадар Мижозга МБХ воситасида хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриш ёки рад қилиш;

- МБХ хизматларидан фойдаланиб шубҳали операция ўтказилганлиги ҳақида гумон пайдо бўлганида Мижозни унинг манзили бўйича, шу жумладан операцияни бевосита Мижоз томонидан амалга оширилганлиги жараёнини ўрганиш мақсдада ўрганиш;

- Ундан фойдаланган ҳолда шубҳали операциялар амалга оширилган МБХ воситасида хизматлар тақдим қилишни уч кунга ёки амалдаги қонунчиликда ўрнатилган бошқа муддатларга тўхтатиб туриш

- МБХдан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш), терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида фойдаланганлик тўғрисида асосланган шубҳалар мавжуд бўлганда, КБХШни тўлиқ ёки қисман бажаришдан бир томонлама тартибда бош тортиш.

4.1.12. Қуйидаги ҳолларда амалдаги қонунчиликда ва мазкур Қоидаларда назарда тутилган муддатлардаКБХШни тўлиқ ёки қисман бажаришдан бир томонлама тартибда бош тортиш:

- МБХдан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш), терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида фойдаланганлик тўғрисида асосланган шубҳалар мавжуд бўлганда;

-АҚШнинг солиқ резиденти бўлган Мижоз унинг хорижий солиқ тўловчи сифатида идентификация қилиш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим қилмаганида ва/ёки IRS (АҚШ солиқ органи)га маълумот берилишига розилик (розилик тақдим қилишни рад қилиш) тақдим қилмаганида.

4.1.13. Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Мижознинг ҳисобварақаларидан пул маблағларини ўчириш.

4.1.14. Ҳисобварақдан пенсия маблағларини кирим қилиш учун фойдаланилганида тегишли пул маблағларини тўлаган Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ёки унинг ҳудудий бўлимлари талаби бўйича Мижознинг қўшимча розилигисиз юқоридаги органларга бундай Ҳисобварақ ва уларнинг эгалари тўғрисида маълумотларни, шунингдек, тегишли тўловларни тўлашни тўхтатишга олиб келувчи ҳолатларни аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларни бериш.

4.1.15. Шартномани тузиш ва бажариш мақсадида Мижознинг/Кафилнинг кредит тарихига оид кредит бюросида сақланадиган маълумотларни олиш, шунингдек, кредит ажратиш билан ва Мижоз/Кафил томонидан кредитни қайтариш бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ маълумотларни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда кредит бюросига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига тақдим қилиш.

4.1.16. Қуйидаги ҳолларда Мижознинг Ҳисобварағига келган пул маблағларини «Аниқлаш жараёнидаги трансакициялар» ҳисобварағига кирим қилиш:

- Операциянинг савдо тусига эга эмаслигини тасдиқлаш мақсадида;

- тўлов ҳужжатида тўлов мақсадлари (тафсилотлари) тўғрисида маълумотларнинг бўлмаслиги;

- тўлов ҳужжатида хатоларнинг мавжудлиги, шу жумладан, ҳисобварақ рақами, Мижознинг Ф.И.Ш.

- амалдаги қонунчиликда ва КБХШда кўрсатилган бошқа ҳолларда;

Операциянинг қонунийлигини, шунингдек, тўлов ҳужжатининг зарур реквизитларини аниқлаш мақсадида Банк Мижоздан тегишли ҳужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Пул маблағларини Мижознинг ҳисобварағига кирим қилиш учун мавжуд бўлмаса, улар (пул маблағлари) юборувчига қайтарилиши мумкин.

4.1.17. Талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли омонатларда (20206, 20406, 20606, 22616, 22618,22617 ҳисобварақларда) сақланаётган пул маблағларини кредит бўйича таъминот сифатида гаровга олиш.

4.1.18. Чет давлат фуқароси – жисмоний шахс томонидан чет эл фуқаролигини ва/ёки хорижий давлатларга солиқ тўлаш бўйича мажбуриятларини тасдиқлайдиган ёхуд инкор қиладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим қилиш рад қилинганида у билан КБХШ ва Шартномалар тузишни рад қилиш ёхуд КБХШни бажаришни бир томонлама рад қилиш (тўлиқ ёки қисман).

4.1.19. Шартномаларни тузиш ва бажариш мақсадида Мижознинг Аризада ёки бошқа ҳужжатларда акс этган розилиги мавжуд бўлган тақдирда Мижознинг/Кафилнинг кредит тарихига тааллуқли кредит бюросида сақланадиган маълумотларни олиш, шунингдек, кредит ажратиш билан ва Мижоз/Кафил томонидан кредитни қайтариш бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ маълумотларни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда кредит бюросига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига тақдим қилиш.

4.2. Банкнинг мажбуриятлари:

4.2.1. Пул маблағларини улар келиб тушган куннинг кейинги Операцион кунидан кечиктирмасдан Мижознинг ҳисобварақ(лар)ига кирим қилиш, Мижознинг ҳисобварақ(лар)идан пул маблағларини кўчириш ва/ёки бериш тўғрисидаги фармойилшарини бажариш, шунингдек, Ҳисобварақ(лар) орқали амалдаги қонунчилигида назарда тутилган тартибда бошқа Операцияларни ўтказиш.

4.2.2. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Операциялар, Ҳисобварақлар, омонатлар ва Мижозлар ҳақида маълумотларни сир сақлаш.Банк учинчи шахсларга Операциялар, Ҳисобварақ(лар), Мижознинг омонатлари ва Мижоз томонидан олинган кредитлар ҳамда унинг сўндирилиши ҳақида фақатгина амалдаги қонунчиликда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда кўчирма ва маълумот тақдим қилади.

4.2.3. Мижознинг талаби бўйича Ҳисобварақлар ва Карточкалардаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида кўчирмалар ҳамда Банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисиаги Шартномаларда назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим қилади.

4.2.4. Электрон ҳужжатларнинг архивини юритади, қоғоздаги худди шундай ҳужжатларни сақлаш учун ўрнатилган муддат давомида уларни сақлайди.

4.2.5.МижозгаКарточка ёки унинг реквизитларидан ва/ёки МБХдан фойдаланиб амалга оширилган ҳар битта Операция бўйича Операция амалга оширилгандан кейин уч кун ичида Шахсий кабинетга жойлаштирилганКарточка ва/ёки Ҳисобварақ бўйича кўчирма шаклида маълумот беради. Бунда Мижозга Қоидаларга мувофиқ МБХ хизматларига киришга рухсат берилганда ва Карточка/Ҳисобрақам бўйича кўчирмани шакллаштириш имконияти берилганда БанкнингКарточка ёки унинг реквизитларидан ва/ёки МБХдан фойдаланиб амалга оширилган Операция бўйича маълумот бериш мажбурияти бажарилган ҳисобланади.

4.2.6. Мижозга Қоидаларга мувофиқ хизмат кўрсатиш ҳамда амалдаги қонунчиликда ва Мижоз ҳамда Банк ўртасида тузилган Шартномаларда белгиланган тартибда Мижознинг Топшириқномаларини ижро қилиш.

4.2.7. Мижознинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ солинадиган даромади пайдо бўлганида, жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ ҳисоблаш, ушлаш ва тўлаш, шунингдек, солиқ даврининг (календар йили) охирида ўзи рўйхатдан ўтган солиқ органига

жисмоний шахсларнинг даромади тўғрисидаги маълумотларни амалдаги қонунчиликка асосан тақдим қилиш бўйича солиқ агенти вазифасини бажариш.

4.3. **Мижознинг қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

4.3.1. Шахсан ёки Шартнома шартларида Мижоз томонидан ҳаракатлар шахсан амалга оширилиши кўрсатилган ҳоллардан ташқари, шунингдек, агар ушбу ҳолат амалдаги қонунчилик, ички ҳужжатлар ва Банк жараёнларига зид бўлмаса, Вакилорқали (МБХ воситасида амалга ошириладиган ҳаракатлар бундан мустасно) ҳаракат қилиш. Мижоз Вакилида ваколатларнинг мавжудлиги Мижознинг Вакил ваколатларини бекор қилиш тўғрисидаги ёзма аризаси Банкка тақдим қилингунга қадар тақдим этилган, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ушбу ваколатларни тасдиқлайдиган хужжатлардан келиб чиқиб Банк томонидан аниқланади. Бунда Мижоз Вакилининг ваколатлари бекор бўлганлиги ҳақида ўз вақтида хабар берилмаган ҳолларда, Банк Мижоз Вакили томонидан амалга оширилган операциялар учун жавоб бермайди.

4.3.2. Хизмат кўрсатишга оид масалалар бўйича Банк Офисига ва/ёки мижозларни қўллаб-қувватлаш Хизматига мурожаат қилиш.

4.3.3. Сўровга асосан ҳисобварақ бўйича амалга оширилган Операциялар бўйича кўчирмаларни олиш. Амалдаги қонунчилик, шунингдек, Ҳисобварақ бўйича Операция Карточка ва унинг реквизитларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган бўлса,Карточка тегишли бўлган Тўлов тизими қоидаларига асосан Ҳисобварақ бўйича Операцияларга тегишли бўлган эътирозларни ёзма шаклда билдириш.

4.3.4. Банк МБХ воситасида берилган ижро қилинган Топшириқномалар тўғрисида муҳим ва тўғри маълумотлар олиш.

4.3.5. Муддатли омонатлар ёки жамғарма омонатла ҳисобварақларида сақланаётган пул маблағларини кредит бўйича таъминот сифатида гаровга қўйиш.

4.3.6. Банк томонидан Қоидаларга, Қоидаларнинг Иловаларига, Банк Тарифларига киритилган ўзгартиришларга, бошқа ўзгартиришларга, шу жумладан, Тўлов тизими қоидаларига рози бўлмаганда, Банк маҳсулотидан фойдаланишни рад этиш тўғрисида Банк белгилаган шаклдаги тегишли аризани Банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда Банкка тақдим қилиш орқали Банк маҳсулотидан фойдаланишдан воз кечиш ва тегишли Шартномани бекор қилиш.

4.3.7. Банк Офисларида банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақида олдиндан маслаҳат олиш.

4.4. **Мижознинг мажбуриятлари:**

4.4.1. Шартномаларга асосан очиладиган Ҳисобварак/Карточкалардан қуйидаги масқадларда учун Операциялар (шу жумладан, Банк томонидан ҳалқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишни назарда тутувчи) ўтказишда фойдаланмаслик:

- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган;

- Банкнинг ва/ёки Мижознинг зарар кўришига, шу жумладан, Мижозга (унинг пул маблағларига) нисбатан хорижий давлатнинг қонунчилиги, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, суд қарорлари ва хорижий давлатнинг бошқа ваколатли органлари қарорлари билан ўрнатилган чекловлар муносабати билан Мижозга (унинг пул маблағлариги) ва/ёки Банкка нисбатан хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ва/ёки хорижий давлатларнинг молия ташкилотлари томонидан санкиялар қўллаш каби бошқа салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган;

- Амалдаги қонунчиликка зид бўлган.

4.4.2. Шартнома тузишдан олдин тақдим қилиш пайтида Мижоз, Мижознинг вакили ва Бенефициар мулкдорлар тўғрисида тўғри ва ҳақиқий бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни амалдаги қонунчиликка, Қоидаларга ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилиш.

Мижоз томонидан тавдим қилинадиган ҳужжатлар уларни тақдим қилиш санасида ҳақиқий бўлиши лозим. Тўлиқ ёки бир қисми чет тилида тузилган Банкка тақдим қилинадиган ҳужжатлар, ўзбек ёки русс тилига таржима қилинган, амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқланган таржимаси билан бирга тақдим қилиниши керак,

амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ҳужжатнинг таржимаси талаб қилинмайдиган ҳоллар бундан мустасно. Банк талабига биноан мижоз томонидан банкка тақдим қилинган хорижий расмий ҳужжатлар Банк томонидан фақатгина легализация (консуллик легализацияси) ёки имзо қўйган шахс имзосининг ҳамда тегишли мухр ва штампларнинг ҳақиқийлигини ва сифатини тасдиқлаш учун апостиль қўйилган ҳолда қабул қилинади.

4.4.3. Мижоз, Мижознинг Вакили, Бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларнинг ўзгарганлиги ҳақида (ШТҲ маълумотлари, унинг алмашганлиги, шунингдек, яшаш жойини рўйхатга олиш тўғрсидага маълумотлар, телефон рақамлари, шу жумладан мобил телефон рақамлари, факс, электрон (почта) манзили ва бошқа маълумотлар ўзгарган тақдирда) Банкни хабардор қилиш ва ушбу ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўзгаришлар киритилган санадан бошлаб 3 (уч) календар кун ичида Банк Офисига тақдим қилиш.

Тегишли олдинги хабарнома олинган ёки Мижоз, Мижознинг Вакили, Бенефициар мулкдори дастлабки идентификация (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ) қилинган пайтдан бошлаб 12 (ўн икки) ой мобайнида Банк томонидан Мижоздан анкета (шахсий) маълумотларнинг ўзгарганлиги тўғрисида хабарнома олинмаган бўлса, Банк Мижоз томонидан олдин тақдим қилинган маълумотни тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Мижоз томонидан тақдим қилинган маълумотлар ва алоқа ахоборотининг ўзгарганлиги тўғрисида хабарни ўз вақтида олинмаганлиги натижасида келиб чиққан оқибатлар учун Банк жавобгар бўлмайди.

Мижоз томонидан олдин тақдим қилинган анкета (шахсий) маълумотларни ўзгартириш учун Мижоз шахсан тегишли ариза билан Банк Офисига мурожаат қилиши шарт.

4.4.4. Мижознинг Вакилига берилган ишончноманинг муддатидан олдин бекор қилинганлиги ҳақида Банкни ўз вақтида хабардор қилиш.

4.4.5. Наф олувчи фойдасига Операция ўтказишдан олдин ҳужжатларни, шу жумладан, агентлик, топшириқ, воситачилик, ишончли бошқарув ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни, шунингдек, Наф олувчи бўйича идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар/ҳужжатларни Банкнинг талаби билан ва/ёки амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда тақдим қилиш.

4.4.6. Даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ Мижоз юқори мансабдор шахс ёки унинг Вакили, ишончли шахси, турмуш ўртоғи ёки яқин қариндоши (насл насаб шажараси бўйича тўғри туташган (ота-она ва фарзандлар, боболар, бувилар ва невaралар, туғишган ва ўгай (умумий ота ёки онаси бўлган) ака-ука ва опа-сингиллар) бўлса, Банкни хабардор қилиш.

4.4.7. 4.4.7. Мижоз АҚШ фуқаролигини олса ёки олдин АҚШ фуқароси бўлса, АҚШда доимий бориш учун рухсатномага (доимий истиқомат қилувчи карточкаси (I-551-шакл (GreenCard)) эга бўлса, жорий календар йилни ҳамда олдинги кетма-кет икки йилни ҳисобга олган ҳолда жорий календар йилда 31 кундан кам бўлмаган ва 3 йил мобайнида 183 кундан кам бўлмаган муддатда АҚШ ҳудудида бўлган бўлса, АҚШ фуқаросининг ижтимоий суғурта рақамига (SocialSecurityNumber) ёки АҚШ солиқ тўловчисининг шахсий индентификация рақамига (IndividualTaxpayerIdentificationNumber) эга бўлса Банкни хабардор қилиш.

4.4.8. Қоидалар, амалдаги Банк тарифлари ва комплекс банк хизмати кўрсатиш Шартномасига алоқадор бошқа ҳужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек, янги Банк хизматлари/маҳсулотлари ҳақида ўз вақтида маълумот олиш мақсадида доимий равишда, бироқ, 2 (икки) календар кунда камида бир маротаба ҳар қандай мақбул усулларда Банкнинг таркибий бўлимларига мурожаат қилиш ва/ёки Банк сайтининг тегишли бўлимларига кириб туриш.

4.4.9. Банк томонидан мазкур Қоидаларга мувофиқ сўралган маълумот ва ҳужжатларни Банк талаби олинган куннинг эртасидан 2 (икки) календар кун мобайнида тақдим қилиш.

Банк кўрсатилган маълумотларни текшириш ва аниқлаш мақсадида расмий манбаалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

4.4.10. КБХШ ва Шартномаларни тузиш ҳамда бажариш учун Банкка тақдим қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавоб бериш.

4.4.11. Банк тарифлари ва Шартномаларга асосан воситачилик ҳақи ва/ёки Банк фойдасига тўланадиган бошқа тўловларни тўлашга етарли бўлган пул маблағларининг Ҳисобварақда мавжуд бўлишини таъминлаш орқали тегишли Шартномалар ва Банк тарифлари шартларига мувофиқ КБХШ ва/ёки Шартномаларда кўрсатилган воситачилик ва бошқа тўловларни Банкка тўлаш.

4.4.12. МБХдан фойдаланганда мазкур Қоидалар ва Банк тарифлари ҳамда МБХ доирасида Тарафларнинг муносабатларини тартибга солувчи бошқа ҳужжатларнинг қоидаларига риоя қилиш.

4.4.13. Мижоз вакилининг номига расмийлаштирилган ишончноманинг амал қилиш муддати тугаганида Банк офисига тегишли ёзма ариза тақдим қилиш орқали дарҳол Банкни хабардор қилиш. Мижоз томонидан Юқорида кўрсатилган ишончноманинг амал қилиш муддати тугаганлиги тўғрисида Банкни огоҳлантирмаслик/ ўз вақтида огоҳлантирмаслик натижасида келиб чиққан зарар ва бошқа салбий оқибатларнинг хавфи бўйича жавобгарлик Мижозга юклатилади.

4.4.14. Банкка КБХШ ва Шартномаларни бажармаслик ва лозим даражада бажармаслик оқибатида келиб чиққан зарарларни тўлаб бериш

4.4.15. Қоидаларнинг 2.4.2-бандига асосан Ҳисобварақ рақами ўзгарганда барча топшириқномалар, олдин берилган акцептга топшириқномалар ҳам, эски Ҳисобварақ рақамлари кўрсатилган ишончнома билан расмийлаштирилган Ҳисобварақни тасарруф қилишга ваколатлар ҳам ўз кучида қолишини ва Мижоз рақами ўзгарган Ҳисобварақка кейинчалик хизмат кўрсатишда Банкка ушбу топшириқномалардан фойдаланишга топшириқ беришини Тасдиқлаш.

4.4.16.Мижозга нисбатан банкротлик тамойиллари қўлланилаётганлиги тўғрисида ўз вақтида Банкни ёзма равишда хабардор қилиш, шунингдек, Банкни хабардор қилмаслик/ўз вақтида хабардор қилмаслик натижасида келиб чиққан барча салбий оқибатлар хавфини ўз зиммасига олиш.

4.4.17. Қоидалар ва/ёки Тарифлар ва/ёки КБХШга алоқадор бошқа ҳужжатларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек, янги Банк хизматлари ҳақида ўз вақтида маълумот олиш мақсадида доимий равишда (2 (икки) календар кунда камида бир маротаба) ҳар қандай мақбул усулларда шахсан ёки ишончли ў\шахслар орқали Банкнинг таркибий бўлимларига мурожаат қилиш ва/ёки Банк сайтининг тегишли бўлимларига кириб туриш. Мижознинг Қоидалар ва/ёки Тарифлар ва/ёки КБХШга алоқадор бошқа ҳужжатларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар билан ўз вақтида танишмаганлиги Банк томонидан уларни қўлламаслик учун асос бўлмайди.

4.4.18. КБХШ ва Шартномаларни тузиш ҳамда бажариш учун Банкка тақдим қилинадиган Ариза(лар) ва бошқа ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавоб бериш.

4.4.19. Банк тарифлари ва Шартномаларга асосан воситачилик ҳақи ва/ёки Банк фойдасига тўланадиган бошқа тўловларни тўлашга етарли бўлган пул маблағларининг Ҳисобварақда мавжуд бўлишини таъминлаш орқали тегишли Шартномалар ва Банк тарифлари шартларига мувофиқ КБХШ ва/ёки Шартномаларда кўрсатилган воситачилик ва бошқа тўловларни Банкка тўлаш.

4.4.20. Мижознинг Ф.И.Ш., манзили ва/ёки паспорт маълумотлари ўзгарганда 5 (беш) календар кун ичида ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхасини Банк офисига тақдим қилиш.

4.4.21. Карточкага(дан) хато ўтказилган/ўчирилган пул маблағи аниқланганда, бу ҳақида дарҳол Банкка маълум қилиш.

4.4.22. Банкнинг талаби биланМижоз томонидан Банкка тақдим қилинган Топшириқномаларнинг қоғоз нусхасини имзолаш.

4.4.23. Мазкур Қоидалар ва Банк ҳамда Мижоз ўртасида тузилган Шартнома шартларига асосан бошқа мажбуриятларни бажариш.

4.5. Банк ва Мижоз мазкур Қоидаларда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ташқари тегишли Шартномалар билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тарафлар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун амалдаги қонунчилик, мазкур Қоидалар ва тузилган Шартномаларга асосан жавобгар бўлади. Мижоз томонидан Қоидаларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида Банкка етказилган зарар Мижоз томонидан қоплаб берилади.

5.2. Мижознинг КБХШ доирасида очил(ади)ган Ҳисобварақларида жойлаштирилган пул маблағлари Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларининг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари” тўғрисидаги Қонунда белгиланган тартибда, миқдорда ва шартларда ҳимояланиши кафолатланади.

5.3. Банк Карточка/Ҳисобварақ ёки унинг реквизитларидан ва/ёки МБХдан фойдаланиб амалга оширилган Операциялар ҳақида Мазкур Қоидаларнинг 3,4-бўлимларига асосан Мижозга маълум қилиш бўйича мажбуриятини бажарган, Мижоз эса Карточканинг йўқоганлиги ва/ёки ундан Мижознинг розилигисиз фойдаланилганлиги ва/ёки МБХга рухсатсиз кирилганлиги ҳақида Қоидаларнинг 3-бўлимида ўрнатилган тартибда ва муддатларда Банкни хабардор қилмаган бўлса, Банк Мижознинг розилигисиз Карточка/Ҳисобварақ ёки унинг реквизитларидан ва/ёки МБХдан фойдаланиб Операциялар амалга оширилганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди,

5.4. Карточканинг йўқолганлиги ва/ёки ундан Мижознинг розилигисиз фойдаланилганлиги ва/ёки МБХга рухсатсиз кирилганлиги, Кириш воситаларининг йўқоганлиги ҳақида Банкка хабар берилгунга қадар Ҳисобварақ ва Карточка бўйича амалга оширилган барча Операциялар, шунингдек, МБХ воситасида бажарилган бошқа ҳаракатлар бўйича Мижоз жавобгар бўлади.

5.5. Банк қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлмайди:

- унинг назоратида бўлмаган ва почта ишидаги, Интернетдаги, алоқа тизимларидаги ҳамда бошқа ташқи ташкилотлар ва тармоқлар ишидаги носозликлар билан боғлиқ бўлган ва уларнинг оқибатида Банк хабарномалари Мижоз томонидан ўз вақтида олинмаган ҳамда умуман олинмаган ҳолатлар учун;
- Мижознинг абонент қурилмаси зарар келтирувчи вируслар билан зарарланиши оқибатидава унинг ишлашидаги носозликларучун;
- Банкнинг КБХШ тақдим қилиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришини имконсиз қилиб қўядиган Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигидаги ўзгаришлар оқибатида;
- Мижоз вакилининг ваколатларини бекор қилиш тўғрисидаги Мижознинг аризаси Банкка келиб тушганига қадар Мижоз вакилининг амалга оширган ҳаракатлари учун;

5.6. Банк КБХШ бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, шу жумладан, Мижознинг Аризалари, Топшириқномаларини бажармаганлик/ўз вақтида бажармаганлик учун ҳам жавобгар бўлмайди, агар:

- ижро учинчи тарафнинг муайян ҳаракатларига боғлиқ бўлиб, уни бажармаслик ёхуд ўз вақтида бажармаслик учинчи тарафнинг зарур ҳаракатларни амалга ошира олмаслиги ёки амалга оширишни рад қилиши билан боғлиқ бўлса, учинчи тараф ушбу ҳаракатларни ўрнатилган тартибни бузган ҳолда амалга оширса ёки Банк учун амалга ошира олинмайдиган бўлса;

- ижро қилмаслик енгиб бўлмайдиган куч, яъни шартнома тузилганидан кейин келиб чиққан фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар натижасида келиб чиққан бўлса;

- бажармаслик/вақтида бажармаслик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, унинг бўлимлари, корреспондент банклар ёки учинчи шахсларнинг хорижий мамлакатлар қонунчилиги, халқаро ҳуқуқий хужжатлар, суд қарорлари ва бошқа ваколатли органларнинг қарорлари билан Мижозга (унинг пул маблағларига) ўрнатилган чекловлар билан боғлиқ ҳаракати/ ҳаракатсизлигининг натижаси бўлса,

- ижро қисмаслик учинчи шахслар томонидан таъминланадиган, узатиладиган, эксплуатация қилинадиган ва/ёки хизмат кўрсатиладиган қуилма, электр энергиясини узатиш тармоғи ва/ёки алоқа линияси ва тармоқлари ишининг бузилиши билан боғлиқ авариялар, носозликлар ва хизмат кўрсатишдаги узилишларнинг натижаси ҳисобланса;

- банклараро электрон тўловлар тизимида келиб чиқиши мумкин бўлган носозликларда;

- тўлов ҳужжатларини расмийлаштиришда Мижоз томонидан қўл қўйилган камчиликлар натижасида;

- пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклар музлатилган ҳолларда, шунингдек, ҳисобварақда мавжуд бўлган пул маблағларига таъқиқ солинганида ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақ бўйича операциялар тўхтатилганида;

5.7. Мижоз мазкур Қоидаларда назарда тутилган мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгар бўлади ва бунинг натижасида келиб чиққан барча салбий оқибатларни ўз зиммасига олади, шунингдек, ўзи томондан юқорида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик оқибатида келиб чиққан барча зарарларни Банкка қоплаб беради.

5.8. Банк МБХ доирасида тақдим қилинадиган маълумотларга учинчи шахсларнинг эҳтимолий рухсатсиз кириши учун, шунингдек, МБХ востасида юбориладиган юқорида кўрсатилган маълумотларнинг эҳтимолий бузиб кўрсатилганлиги учун жавобгар бўлмайди.

5.9. Мижоз Аризалар, Топшириқномаларнинг тўғри тузилганлиги учун жавобгар ҳисобланади.Мижознинг хато тузилган Аризалари, Топшириқномаларини ижро қилиш натижасида Мижоз кўрган зарар учун Банк жавобгар ҳисобланмайди.

5.10. Мижоз унга тегишли бўлмаган қурилмаларда МБХ хизматларига кирилганлиги учун, маълумотлар махфийлиги ва бутлигининг эҳтимолий бузилишлари билан боғлиқ хавф учун, шунингдек, учинчи шахсларнинг эҳтимолий ноқонуний ҳарактлари учун жавобгар бўлади.

5.11. Тарафлар томонидан КБХШни бажариш билан боғлиқ низоли ҳолат келиб чиққан тақдирда, Тарафлар низоли ҳолатни музокара йўли билан ҳал этишга қаратилган барча чораларни кўрадилар.

КБХШ бўйича хизмат кўрсатиш доирасида Банкнинг ҳарактларидан норози бўлганда, шу жумладан, Банк томонидан МБХ доирасида Ариза, Топшириқнома бўйича ўтказилган Операцияларга Мижоз томонидан эътироз билдирилганида, у Банк Офисига ёзма ариза билан мурожаат қилиши керак.

5.12. Банк Мижоз вакилининг ваколатлари бекор қилинганлиги тўғрисидаги Мижознинг ёзма аризаси Банкка келиб тушганига қадар Мижоз вакилининг амалга оширган ҳаракатлари учун Мижоз олдида жавобгар бўлмайди.

5.13. Агар Мижознинг ҳамкори ёки пул маблағларини олувчи шахс террористик ҳаракатлар ёки оммавий қирғин қуролларини тарқатишда қатнашадиган ёки гумонланадиган шахслар рўйхатида ва/ёки санкциялар рўйхатида бўлса, мижоз жавобгаликка (шу жумладан молиявий жавобгарликка ҳам) тортилади.

## 6. КОМПЛЕКС БАНК ХИЗМАТИ ШАРТНОМАСИНИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. КБХШ Мижоз Қоидаларга кўшилган санадан бошлаб кучга киради ва агар тегишли Шартномада бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, чекланмаган муддатга амал қилади.

6.2. КБХШ Мижознинг Банк Офисига бевосита бериладиган ёзма аризаси асосида бекор қилинади.Банк маҳсулотларини тақдим қилиш тўғрисидаги аниқ Шартномаларда бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, КБХШни бекор қилиш КБХШ доирасида тузилган барча шартномаларнинг амал қилишини тўхташига ва тегишли Ҳисобварақалар(Карточкалар)нинг ёпилишига олиб келади, бунда Мижоз барча тузилган Шартномалар бўйича КБХШ бекор қилингунга қадар келиб чиққан ўз мажбуриятларини бажариши шарт.

6.3. КБХШ доирасида тузилган банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисидаги алоҳида Шартноманинг бекор қилиниши КБХШни бекор қилинишига олиб келмайди. КБХШ доирасида тузилган алоҳида Шартномани бекор қилиш тартиби мазкур Қоидалар ва тегишли Шартномада белгиланган.

6.4. Ҳисобварақ(лар)/Карточка(лар)ни ёпиш ҳамда қолдиқ пул маблағларини Мижозга қайтариш амалдаги қонунчиликда ва Қоидаларнинг Иловаларида кўрсатилган ҳамда Тўлов тизими Қоидаларида (зарурат бўлганда) кўрсатилган шартларда тузилган банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисидаги Шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

6.5. Банк ушбу Қоидаларда назарда тутилган ҳолларда Мижознинг манзилига ёзма хабарнома юбориш орқали КБХШни тўлиқ ёки қисман бажаришдан бир томонлама воз кечиш ҳуқуқига эга.Бунда КБХШ Банк томонидан почта хизмати орқали хабарнома юборилган санадан бошлаб учинчи кунда бекор қилинган ҳисобланади.

## 7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар, ер силкиниши, ёнғин, иш ташлаш ва бошқа вазиятлар (тарафлардан бирининг айби билан келиб чиқмаган, бироқ улар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир ўтказадиган техниканинг ишдан чиқиши, дастурий таъминотдаги, электр таъминотидаги ва маълумотлар узатиш тизимидаги узилишлар), оммавий тартибсизликлар, давлат бошқарув ва назорат органларининг ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг чекловчи-таъқиқловчи чоралари/ҳужжатлари, коммунал авариялар ванатижаси КБХШ ёки банк маҳсулотларини тақдим қилиш тўғрисида тузилган ҳар қандай Шартомаларни бажариш имкониятини чеклайдиган ёки уларни бажаришга йўл қўймайдиган Тарафлар таъсир кўрсата олмайдиган ҳамда уларнинг келиб чиққанлиги учун жавобгар бўлмайдиган бошқа ҳодисалар каби енгиб бўлмайдиган куч натижасидаКБХШ бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгар бўлмайди, Тарафларнинг мажбуриятларини бажариш муддати КБХШ ёки банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисидаги тегишли Шартномани бажарилишига таъсир қилувчи юқоридаги вазиятларнинг амал қилиш муддати тугаган муддатгача кўчирилади. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари келиб чиққанида Мижоз бу ҳақида, шу жумладан, КБХШ ва унинг доирасида тузилган банк маҳсулотларини тақдим қилиш тўғрисидаги Шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш имконияти мавжуд эмаслиги ҳақида Банкни 3 (уч) календар кун мобайнида ёзма шаклда, Банк эса ҳар қандай мақбул усулда (Банк сайтида, Банк офисларида, SMS-хабарнома ва бошқ.) хабардор қилиши шарт.

7.2. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари бунга ваколатли бўлган органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда тасдиқланганида форс-мажор бўлиб ҳисобланади.

## 8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1.КБХШ ва/ёки унинг доирасида алоҳида тузилган Шартнома шартлари ва ушбу шартларнинг Тарафлар томонидан бажарилиши бўйича келишмовчилик ва низоларкелиб

чиққан тақдирда, Тарафлар низоли ҳолатни музокара йўли билан ҳал этишга қаратилган барча чораларни кўрадилар.

Мижоз КБХШ бўйича хизмат кўрсатиш доирасида Банкнинг ҳарактларидан норози бўлганда, у Банк Офисига ёзма ариза билан мурожаат қилиши керак.

Шартномани бажармаслик оқибатида Тарафлар ўртасида КБХШдан, шунингдек, банк маҳсулотларини тақдим қилиш тўғрисидаги Шартномалардан ва улардан келиб чиқувчи мажбуриятлардан, шу жумладан, уларни бажариш, ўзгартириш киритиш, бекор қилишдан келиб чиқадиган барча низолар Банк жойлашган жойдаги фуқаролик судида ёки Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат Палатаси ҳузуридаги ҳакамлик судида (кейинги ўринларда “Ҳакамлик суди”) Ҳакамлик суди Регламенти, Ҳакамлик суди тўғрисидаги, Ҳакамлик судида тарафларнинг йиғими, харажатлари ва чиқими тўғрисидаги Низомларга ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан ягона ҳакамлик суди судьяси томонидан кўриб чиқилади.У ёки бу судга мурожаат қилишни танлаш ҳуқуқи даъвогарда қолади.

8.2. Қоидаларда назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигига амал қиладилар.

8.3. Қоидаларга ва/ёки Қоидаларнинг Иловаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, улар мазкур Қоидаларнинг 2.4-банди талабларига мувофиқ амалга оширилган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

## 9. БАНКНИНГ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Капиталбанк” Акциядорлик тижорат банки номидан
“Капитал-24” чакана бизнес филиали
Манзил (жойлашган жойи): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси, 7А-уй.
Маълумот учун телефонлар+99871 200-16-16
Банкнинг Интернет тармоғидаги расмий сайти: www.kapital24.uz

## 10. КОМПЛЕКС ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҚОИДАЛАРИГА ИЛОВАЛАР

10.1. Қуйидаги иловалар мазкур Қоидаларнинг ажралмас қисми ҳисобланади:

***1-Илова*** - «*Жисмоний шахснинг сўмдаги UZCARD EMV пластик карточкасига хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш Тартиби”*

***2-Илова***– “*Жисмоний шахснинг халқаро пластик карточкасига хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш Тартиби”*

***3-Илова***– “*Жисмоний шахсга талаб қилиб олингунча омонат (ҳисобварақ) очиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш Тартиби”*

***4-Илова***– “*Жисмоний шахсга муддатли омонат очиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш Тартиби”*

***5-Илова***– *“Капиталбанк” АТБ “Капитал24” чакана бизнес филиали томонидан жисмоний шахсларга комплекс банк хизматлари кўрсатиш учун АРИЗА-АНКЕТА”*

***6-Илова***– «Ҳисобварақ очиш учун ариза»

**Киритилди:**
Бошқарув раиси ўринбосари-
“Капитал-24” ЧБФ Бошқарувчиси Акрамов Ш.С.

**Келишилди:**
Бошқарув раиси ўринбосари Наджимитдинов Э.Р.

Бошқарув раиси ўринбосари Рахматов Б.С.

| | |
|---|---|
| Бошқарув раиси ўринбосари | Нурутдинова М.Д. |
| Бош бухгалтер | Скуйбида Е.Е. |
| Пластик карточкалар Департаменти директори | Рыксиев С.М. |
| Чакана бизнес Департаменти Директори | Пулатов О.О. |
| Ахборот технологиялари Департаменти директори | Эмирсалиев Т.Ш. |
| Кредитлаш Департаменти директори | Яхёев А.А. |
| Кредит операцияларини мониторинг Қилиш Департаменти директори | Турсунов А.А. |
| Юридик департаменти Директори в.б. | Бердимуратова Г.Б. |
| Хатарларни бошқариш Департаменти Директори | Юсуфзода Ш.Н. |
| Пул муомаласи Департаменти Директори | Ширмухамедов Б.Б. |
| Ички назорат Департаменти Директориё | Хасанов К.А. |
| Ички аудит Департаменти Директори | Аллаерова Д.Н. |

**“Капиталбанк” АТБда жисмоний шахсларга комплекс банк хизмати кўрсатиш Қоидаларига**
**1-ИЛОВА**

# ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ СЎМДАГИ UZCARD EMV ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИНИ ЧИҚАРИШ ВА УНГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМАТУЗИШ ВА БАЖАРИШ ТАРТИБИ

## 1. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР

1.1. Ушбу Тартибнинг мақсадлари учун қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

***Карточкани фаоллаштириш*** –Карточкани чиқариш/қайта чиқариш пайтидаКарточкадан фойдаланиб Операция амалга оширишга қўйилган техник чекловнинг Банк/ЯУПМтомонидан бекор қилиш жараёни.

***Банкомат***– Мижозларга ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи дастурий-техник мажмуа, ички банк ва банклараро тўлов тизимлари касса операцияларининг таркибий қисми ҳисобланади. Банкоматлар Эквайернинг/Банкнинг хизмат кўрсатиш тармоқлари орқали автоматик равишда нақд пул маблағлари бериш, Мижозга Карта ҳисобварағининг ҳолати бўйича маълумот тақдим қилиш, тегишли операцияларни тасдиқловчи маълумотларни бериш, шунингдек, бошқа операцияларни, жумладан, товар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишга (дастурий-техник имкониятларидан келиб чиққан ҳолда) мўлжалланган.

***Карточка бўйича операция амалга оширилган сана***– Мижоз томонидан Карточкадан фойдаланган ҳолда товар/хизматлар учун тўлов қилиш, ва/ёки нақд пул маблағлари олиш/киритиш бўйича Операциялар амалга ошириш санаси, Карта ҳисобварағидан/га пул маблағларини ўчириш/кирим қилиш санаси билан мос келмаслиги мумкин.

***Карта ҳисобварағидан/га пул маблағларини ўчириш/кирим қилиш санаси*** – Мижоз томонидан Карточкадан фойдаланган ҳолда Операция амалга оширилганлигини тасдиқловчи ёки Карта ҳисобварағидан/га олдин ўтказилган пул маблағларини ўчириш/кирим қилишни бекор қилувчи Топшириқнома Банкка келиб тушган Операцион куннинг эртасидан кечиктирмасдан амалга ошириладиган Карта ҳисобварағи бўйича пул маблағларини ўчириш/кирим қилиш санаси, операция амалга оширилган сана билан мос келмаслиги мумкин.

***Карточканинг сақловчиси (Сақловчи)*** – Банк томонидан амалдаги қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки норматив ҳужжатлари, мазкур Қоидаларга асосан номига Карточка чиқарилган жисмоний шахс (резидент, норезидент).

***Иш ҳақи Мижози*** – Банк билан иш ҳақи лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида Шартнома имзолаган юридик шахснинг/ якка тартибдаги тадбиркорнинг ходими ҳисобланган Мижоз.

***Иш ҳақи лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида Шартнома*** – Банкнинг Иш ҳақи Мижозлари Ҳисобварағига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, шунингдек, пенсияларни кўчириб бериш тўғрисида Банк/ Банк филиали ва юридик шахс/якка тартибдаги тадбиркор ўртасидаги келишув.

***Карточка*** –Комплекс банк хизмати Қоидаларига, ушбу Тартибга, Банк Тарифларига ва амалдаги қонунчиликка асосанСақловчигаКарточкадаги фойдаланиш мумкин бўлган маблағлар чегарасида Операциялар амалга ошириш имкниятини берувчи Банк карточкаси (сўмдаги UZCARD EMV пластик карточкаси).

***Карта ҳисобварағи*** –ундаги пул маблағларидан Карточка воситасида фойдаланиш мумкин бўлганбанк ҳисобварағи.

***Кодли сўз*** – Мижоз мижозларни қўллаб-қувватлаш хизматига телефон орқали мурожаат қилганида Банк Мижозни идентификациялаш учун Банк томонидан фойдаланиладиган Мижоз томонидан Ариза-анкетада кўрсатиладиган сўз/жумла.

***Операциялар бўйича чегара*** – Карточкадан ва/ёки МБХдан фойдаланиб амалга ошириладиган Операциялар (Топшириқномалар)ни ўтказишгаБанк томонидан ўрнатилган чеклов.

***Асосий карточка*** – Шартнома доирасидаКарта ҳисобварағига унинг эгаси номига биринчи бўлиб чиқарилган Карточка, шунингдек, олдин чиқарилган Асосий Карточка ўз кучини йўқотганида, унинг ўрнига чиқарилган/қайта чиқарилган Карточка.

***Қўшимча карточка*** – очиш учун Асосий Карточка эгасининг ёзма аризаси талаб қилинадиган Асосий Карточкага (Асосий Карточканинг карта ҳисобварағига) Қўшимча карточка.

***ПИН-код*** – Карта ҳисобварағида ҳисобдатурган пул маблағларини тасарруф қилиш ҳуқукини тасдиқловчи, топшириқнинг банк карточкаси сақловчиси томонидан берилганлигини тасдиқловчи, шунингдек, Карточкада сақланадиган маълумотларга учинчи шахсларнинг киришини чекловчи Карточканинг шахсий индентификацион рақами. Пин-код махфий маълумот ҳисобланади ва сир сақланиши лозим.

***Савдо (хизмат кўрсатиш) корхонаси*** – Карточкани товарлар ва хизматлар учун тўлов сифатида қабул қиладиган ҳар қандай юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.

***Карточкани амал қилишини тўхтатиб туриш*** – мазкур Тартибда назарда тутилган асосларга кўра Карта ҳисобвараги бўйича Операцияларни вақтинча тўхтатиб туриш.

***Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш Терминали*** - мажмуанинг вазифа ва имкониятларига қараб накд пул маблағларидан ҳам, банк карточкаларидан ҳам фойдаланган ҳолда хизматлар, ишлар, товарлар, кредитларни сўндириш ва ҳ.к. бўйича тўловларни қабул қилиш учун мўлжалланган Банкнинг дастурий-аппарат мажмуаси.

***Трансакция*** – товарлар ва хизматларга тўлов қилиш мақсадида Карточка ёрдамида амалга ошириладиган ҳар қандай тўлов, шунингдек, банк кассалари ёки банкоматлардан нақд пул маблағлари олиш операцияси.

***Reversal*** – коммуникацион хатоликларда (алоқадаги узилишлар) ёки Мижоз томонидан товарлар (хизматлар)ни сотиб олиш рад қилинганида Карточка бўйича терминалдаги трансакцияни бекор қилиш.

1.2. Мазкур Тартибда фойдаланиладиган бошқа атама ва таърифлар Комплекс хизмат кўрсатиш Қоидаларидаги мазмун билан бир хил маънога эга.

## 2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ ВА КАРТОЧКАНИ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур Тартиб жисмоний шахснинг сўмдаги UZCARD EMV пластик карточкасига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги Шартномани (кейинги ўринларда - Шартнома) тузиш ва бажариш жараёнини тартибга солади.

2.2. Мижоз Шартнома имзолаш учун Банк белгилаган шакл бўйича тўлдирилган Аризани (Ушбу Тартибнинг 2-Иловаси) ҳамда амалдаги қонунчилик ва Банк томонидан ўрнатилган тартибга асосан Шартнома тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни МБХ воситасида ёки Банк Офисига тақдим этади.Мижознинг Аризаси Банк томонидан акцептланганидан сўнг Шартнома тузилган ҳисобланади. Банк Аризани Карта ҳисобвараги очиш орқали акцептлайди. Бундай ҳолда Шартнома Мижознинг номига Карта ҳисобвараги очилган санада тузилган ҳисобланади;

Мижоз томонидан тўлдирилган ва имзоланган Ариза Банк томонидан акцептланган тақдирда Шартноманинг ажралмас қисмига айланади ва Шартноманинг Қоидаларда, мазкур Тартибда баён этилган умумий шартларига Мижознинг тўлиқ ва сўссиз розилигини тасдиқлайди, шунингдек, Ариза бериш жараёнида Мижознинг Банк Тарифлари билан танишганлигини ва уларга рози эканлигини тасдиқлайди.

Шартнома аралаш шартнома ҳисобланади ва банк ҳисобварағи ҳамда банк карточкаларини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг элементларини ўз ичига олади.

Банк белгиси қўйилган Ариза нусхаси Мижозгаунинг сўрови бўйича Банк Офисида берилади.

2.3. Қоидалар, мазкур Тартиб, Банк Тарифлари, Банк томонидан акцептланган Ариза Шартномани ташкил қилувчи ҳужжатлар ҳисобланади.

2.4. Карточка Банкнинг мулки ҳисобланади ва Карточканинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг кейинги кун ёки Шартнома бекор қилинганда, шунингдек, мазкур Тартибда назарда тутилган бошқа ҳолларда Банкка қайтарилади.Карточка Мижоздан Карточкани олиш учун Ариза Банкка келиб тушгандан ва Карточка чиқариш учун Банк Тарифларига мувофиқ воситачилик ҳақи Банкка тўлангандан сўнг 3 (уч) иш куни мобайнида Банк томонидан чиқарилади.

2.5. Чиқарилган/қайта чиқарилган Карточка Сақловчига фаол бўлмаган ҳолатда топширилади.Карточкани фаоллаштиришPOS – терминал ёки ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминали орқали (унда бундай имконият мавжуд бўлса)ПИН-код ўрнатиш йўли билан Мижоз томонидан мустақил амалга оширилади.

2.6. Карточка шахсий тўлов воситаси ҳисобланади, Карточканинг номига Карточка чиқарилган қонуний Сақловчиси – шахсга тегишлилиги унинг Карточкадаги исми, шарифи ва/ёки имзо намунаси (Карточкада шундай қатор бўлганда), шунингдек, ПИН-код билан аниқланади

2.7. Карточкадан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Банк Мижознинг номига Карта ҳисобварағи очади, Аризага мувофиқ, шунингдек, мазкур Тартибда ўрнатилган тартиб ва муддатларда Карточка(лар)ни чиқаради ҳамда беради.

2.8. Карта ҳисобварағи ва Карточка(лар)га (шу жумладан Қўшимча карточкаларга ҳам) хизмат кўрсатиш мазкур Тартиб ва Банк Тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

2.9. Карточкадан фақатгина Мижознинг ўзи ёки Карта ҳисобварағида ҳисобда турган пул маблағларини тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолда Карточкадан фойдаланиш бўйича жавобгарлик Карточка Сақловчисининг зиммасида бўлади.

## 3. КАРТОЧКАДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

3.1. Шартномага асосан чиқариладиган Карточкадан товар ва хизматлар учун тўловни амалга ошириш, банк кассалари ва банкоматлардан нақд пул олиш, пул маблағларини кўчириб бериш, шунингдек, унинг рақами ва хавфсизликнинг бошқа белгиларидан фойдаланиб Интернет орқали тўловлар қилиш учун фойдаланилади.

3.2. Карточканинг ПИН-коди Карточка Сақловчиси томонидан муайян тўлов тизими Карточкасининг ПИН-кодини ўзгартириш функцияси эга бўлган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминаллари/POS – терминаллар орқали ўзгартирилиши мумкин. Банк техник имкониятлар мавжуд бўлгандагина ПИН-кодни ўзгартириш имкониятини тақдим қилади. Янги ПИН-код ўрнатаётганда бир хил ёки кетма-кет келадиган рақамлардан иборат бўлган комбинациядан фойдаланиш тавсия этилмайди. Сақловчи ПИН-кодни чегараланмаган миқдорда алмаштириши мумкин.

У йўқотиб қўйилганда ПИН-код қайта тикланмайди, бундай ҳолларда Банк Офисига мурожаат қилиш лозим.

3.3. Карточканинг ишлашини таъминлаш учун Сақловчи мазкур Тартибнинг иловасида баён этилган Карточкани сақлаш ва ундан фойдаланиш шартларига риоя қилиши ҳамда қуйидагиларга йўл қўймаслиги керак:

- магнит майдонларининг Карточкага таъсир кўрсатишига. Қуйидагилар магнит майдонларининг манбааси бўлиши мумкин: металл нарсалар (тангалар, магнитли ёпқичлар, линейкалар ва бошқ.); уяли алоқа телефонларининг баъзи моделлари; видео-аудио қурилмалар; қўлда фойдаланиладиган металлодетектор ва бошқ.

- Карточканингмеханик шикастланишига;
- Карточканинг ифлосланишига;
- юқори ҳароратнинг, шунингдек, карточканинг пластик қатламини ва/ёки чипини бузадиган тажовузкор муҳитнингКарточкага таъсир кўрсатишига.

3.4. Сақловчи Карточкадан унинг амал қилиш муддати тугагунча фойдаланиши мумкин.Карточканинг амал қилиш муддати унинг юза қисмида кўрсатилган ва ойнинг иккита рақами ҳамда йилнинг охирги иккита рақамлари билан белгиланган.Карточка унда кўрсатилганойнинг ва йилнингохирги кунигача амал қилади.

3.5. Карточканинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг у янги муддатга қайта чиқарилиши (амал қилиш муддати ўтган Карточка ўрнига чиқрилиши) мумкин.Карточкани/Қўшимча карточкани қайта чиқариш учун Мижоз, агар, банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисидаги Шартномада бошқа ҳол назарда тутилмаган юўлса, Карточка амал қилиш муддатининг охирги ойи мобайнида ёки унинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг МБХ воситасида/Банк Офисига Карточкани қайта чиқариш учун Ариза билан мурожаат қилиши керак.

3.6. Карточка тегишли Тўлов тизимлари ва карточкалар турларининг логотипига эга савдо (хизмат кўрсатиш) Корхоналарида Операция ўтказиш учун мўлажалланган.Карточкадан бирор-бир ноқонуний мақсадларда, шу жумладан, амалдаги қонунчилик билан таъқиқланган товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун фойдаланиш мумкин эмас.

3.7. ПИН-код 3 (уч) маротаба нотўғри терилган тақдирда Карточка автматик равишда блокланади.Карточкани блоклашдан очиш учун Сақловчи Банк Офисига мурожаат қилиши лозим.

3.8. Харид амалга оширилганида ёки нақд пул олинганда Сақловчи ПИН-кодни киритиши ва зарур бўлса Карточка бўйича Операциянинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи чекни имзолаши керак.ПИН-кодни киритишда ёки чекни имзолаш чоғида Сақловчи кўрсатилган сумманинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши ва Операция суммаси кўрсатилмаган чекка имзо қўймаслиги керак. Хариддан/хизматдан воз кечилганида Операциянинг бекор қилинганлигига (Reversal) ишонч ҳосил қилиш керак

3.9. Карточка бўйича Операция амалга оширилганида савдо (хизмат кўрсатиш) Корхонасининг ходими,агар, тўлов тизими Қоидалари ва амалдаги қонунчиликда бошқа ҳол белгиланмаган бўлса,Сақловчидан ёки Карточканинг бошқа фойдаланувчисидан шахсни тасдиқловчи ҳужжатни ва ПИН-кодни сўраш ҳуқуқига эга эмас. Банккассасидан нақд пул олиш фақатгина шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширилади, амалдаги қонунчилик ва/ёки тўлов тизими Қоидалари билан назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

3.10. Хариддан/хизматдан воз кечилганида товар/хизматнинг қиймати Банк ва/ёки Тўлов тизими томонидан ўнатилган тартибда Мижознинг Карточкасига қайтариб берилади.СақловчиКарточка бўйича сотиб олинган ҳамда сотувчига қайтарилган товар қийматини нақд пулда қоплаб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

3.11. Мижоз Карта ҳисобварағидан ўчирилган пул маблағларининг миқдорига рози бўлмаганда, бу ҳақида Банк Офисига ёзма ариза билан мурожаат қилиб хабар бериши керак.Карточка бўйича амалга оширилган Операция суммасининг тўғри ҳисобдан чиқарилганлигини назорат қилиш учун Мижоз Банк Офисига келганида, МБХ воситасида Карта ҳисобварағи/Карточка бўйича кўчирмаларни олиши керак. Кўчирмада кўрсатилган Операциялар (суммалар) ва ҳақиқатда ўтказилган (тўлов амалга оширилган) Операциялар ўртасида тафовут аниқланганида, аниқланган тафовутларнинг моҳияти ҳақида Мижоз Банкни ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда хабардор қилиши керак.

Мижознинг Карта ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилган суммалар билан норозилиги ҳақидаги мурожаати Банк томонидан Тўлов тизими қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилади.

3.12. Карточкадан фойдаланган ҳолда Операция Банк ва/ёки Мижоз томонидан ўрнатилган чегара доирасида амалга оширилади. Карточкадан фойдаланган ҳолда Операция бажариш Авторизация ўтказиб ҳам Тўлов тизимлари Қоидалари ва/ёки амалдаги

Қонунчиликда белгиланган ҳолларда Авторизация ўтказмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

3.13. Карточка бўйича Операция ўтказилаётганида ПИН-кодни тўғри киритиш, Текширув кодидан, Карточканинг тўғри реквизитларидан фойдаланиш Операция шахсан Карточка Сақловчиси томонидан амалга оширилаётганлигининг сўссиз тасдиғи ва кейинчалик Карточка ҳисобваараги/Карточкада Операция суммасини ечиб олиш орқали мазкур Операцияни Авторизациядан ўтказиш (Авторизация жараёни тўлов тизим Қоидалари билан белгиланган бўлса) учун асос бўлиб ҳисобланади, ушбу ҳолатда бундай Операция ўтказилаётганлиги учун Мижоз жавобгар ҳисобланади.

3.14. Карточка реквизитларидан (Карточка рақами, унинг амал қилиш муддати, Карточканинг магнит чизиғида ва микропроцессорида (чипида) жойлаштирилган маълумотлар (агар у бўлса), улардан фойдаланганда Карточка бўйича Операцияларни бажаришга имкон берувчи бошқа маълумотлар) фойдаланган ҳолда ўтказилган Операциялар Карточкалардан фойдаланиб амалга оширилган Операциялар деб ҳисобланади.Карточкадан фойдаланиб амалга оширилган Операцияларга тааллуқли бўлган Шартномаларнинг барча қоидалари, шу жумладан Банк Тарифлари Карточка реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган Операцияларга нисбатан ҳам қўлланилади.

3.15. Карточкадан рухсатсиз фойдаланиш натижасида Карта ҳисобварағидан пул маблағларини йўқолиб қолишининг олдини олиш мақсадида Мижоз мумкин бўлган барча чораларни кўриши керак, хусусан:

- Карточка/карта ҳисобварағи бўйича барча ҳаракатлар тўғрисида SMS-хабар воситасида тезкор маълумот олиш мақсадида «SMS-ахборот» хизматига уланиш;
- ПИН-код ва/ ёки Карточкани бошқа шахсларга бермаслик;
- ПИН-кодни Карточкага ёзиб қўймаслик;
- ПИН-кодни Карточка билан бир жойда сақламаслик;
- Карточка реквизитларини ва Операция ўтказиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни айтмаслик, Карточкага хизмат кўрсатиш бўйича Банкка мурожаат қилиш ҳоллари бундан мустасно;
- Карточка ва унинг реквизитларидан бошқа шахслар фойдалана олмаслигини таъминлаш, Карточкани ўзида ёки бошқалар билмайдиган жойда сақлаш;
- Карточканинг сақлаш жойида мавжудлигини мунтазам текшириш, айниқса, узоқ муддат бўлмасликдан (меҳнат таътили, хизмат сафари) сўнг;
- товарлар (хизматлар) учун тўлов қилганда бир вақтнинг ўзида бир нечта Карточкани кўрсатмаслик;
- электрон почта орқали юборилган хабарларга, шахсий ва Карточка ҳақидаги маълумотлар сўралган SMS-хабарларга жавоб бермаслик. Кодли маълумотни, паспорт рақамини, Карточка рақамини ва унинг ПИН-кодини, Карточка бўйича охирги Операциялар ҳақидаги маълумотларни ёки бошқа махфий маълумотларни сўраётган ҳар қандай компания ёки шахсларга шубҳали муносабатда бўлиш;
- Интернет тармоғи орқали Операция ўтказишда фойдаланиладиган компьютер/уяли телефон/бошқа қурилмани тармоқ ҳужумларидан, зарар етказадиган дастурларни ўрнатишдан ва шахсий маълумотларни ўғирлашдан ҳимоя қилувчи дастурий таъминот ўрнатиш ва уни мунтазам янгилаш;

3.16. Тарафлар Банк Мижозни Карточка ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган Операция ҳақида тегишли билдишномани Интернет банк, Мобил банкда жойлаштириш орқали хабардор қилиши тўғрисида келишдилар. Карточка ёки унинг реквизитларидан ва/ёки МБХдан фойдаланиб амалга оширилган Операция ҳақидаги Банк билдиришномасини, Карточка ва Карта ҳисобварағи бўйича кўчирмани олиш учун Мижоз ҳар куни Интернет банк/Мобил банкка мурожаат қилиши керак. Кўчирмада кўрсатилган Операциялар (суммалар) билан амалда бажарилган (тўлов қилинган) Операциялар ўртасида тафовутлар аниқланганида Мижоз мазкур Қоидаларнинг шартларига мувофиқ бу ҳақида дарҳол Банкка билдириши керак.

Тўлов тизимининг Процессинг маркази Мижозни, агар, SMS-ахборот хизмати уланган бўлса, у орқали Карточка ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган Операция ҳақида қўшимча равишда хабардор қилади.

3.17. Мижоз Карта ҳисобварағидаги пул маблағларини амалдаги қонунчилик, Қоидалар, мазкур Тартиб, Банк Тарифлари ва Банкниг ички ҳужжатлари ҳамда жараёнларига асосан Операция амалга ошириш орқали тасарруф қилади.

3.18. Слип (чек)/ электрон чек ёки амалдаги қонунчилик талабларига жавоб берадиган бошқа ҳужжат ва/ёки Карта ҳисобвараған бўйича Операциялар ҳақида кўчирма Операция амалга оширилганлигининг тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

3.19. Карточка ёки унинг реквизитларидан фойдаланиш Амалдаги қонунчилик, Қоидалар, мазкур Тартиб ҳамда Карточка мансуб бўлган Тўлов тизими Қоидалари билан тартибга солинади.

3.20. Банк Карточкада Банк Тарифларига асосан Банкка тўланиши лозим бўлган воситачилик ҳақини тўлаш учун етарли пул маблағлари бўлсагина Шартномага мувофиқ хизматларни кўрсатади. Бунда Карта ҳисобварағи очиш ва Карточка чиқариш Банк Тарифларида кўрсатилган миқдордаги воситачилик ҳақи тўлангандан кейин амалга оширилади.

3.21. Мижоз ўзининг Банк олдидаги мажбуриятларини бажариш мақсадида амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида қўшимча топшириқларсиз Банкка ушбу Шартнома доирасида очилган Карта ҳисобварағидан Карточка ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган Операциялар суммасини ва Банк Тарифларида ўрнатилган воситачилик ҳақини, шунингдек, Мижознинг Банк олдидаги бошқа шартномалар бўйича қарздорлигини қўшган ҳолда ушбу Шартномага асосан Мижознинг Банк олдида мавжуд қарздорлиги миқдоридагипул маблағларини ечиб олиш ҳуқуқини беради ҳамда розилигини билдиради (олдиндан берилган акцепт), бунда Банкнинг Карта ҳисобварағидан пул маблағларини ечиб олиш ҳақидаги талабини қисман ижро қилишга йўл қўйилади.

Мазкур Шартномага асосан очиган Карта ҳисобварағига Банк томонидан пул маблағлағи хато кирим қилинганида, Мижоз Банкка қўшимча топшириқларсиз Карта ҳисобварағидан хато кирим қилинган пул маблағлари миқдоридаги пулларни ечиб олиш олиш ҳуқуқини беради ва розилигини билдиради (олдиндан берилган акцепт).Ушбу ҳолатларда Карточка ҳисоварағидан пул маблағларини қисман ечиб олишга йўл қўйилмайди.

3.22. Мижоз Тўлов тизими қоидаларига ва Банк ички ҳужжатларига асосан Карточкани мажбурий қайтариб бериши шарти билан МБХ орқали ёки Банк Офисида Ариза (Мазкур Тартибнинг 4-Иловаси) бериш орқалиКарта ҳисобварағини ва Карточкани ёпиш ҳуқига эга. Бунда Мижоз Карточка Банкка қайтарилганидан ёки Банк Тарифларига асосан Карточканинг йўқолганлиги/ яроқсиз ҳолга келганлиги учун воситачилик ҳақини тўлагандан кейин (Карточкани қайтаришнинг имконияти бўлмаса)Карта ҳисобварағидаги пул маблағлари қолдиғини ўзининг Банкдаги талаб қилиб олингунча омонат ҳисобварағига ва/ёки бошқа Карта ҳисобварағига ва/ёки Банк кассаси орқали нақд пул кўринишида олиши мумкин.

## 4. МИЖОЗНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. ***Мижознинг мажбуриятлари:***

4.1.1. Карточка чиқариш учун банк воситачилик ҳақини Ариза берилган куни ва Карта ҳисобварағи очиш ҳамда Карточкани чиқаришдан олдин Банк Тарифларига асосан тўлаб бериш;

4.1.2. Операция бажарилган пайтда амалда бўлган Банк тарифларига асосан Банк хизматларига ҳақ тўлаш;

4.1.3. Карточкадан Шартномага асосан фойдаланиш мумкин бўлган пул маблағлари чегарасида, Карточканинг юзида кўрсатилган амал қилиш муддати мобайнида фойдаланиш;

4.1.4. Карточкадан амалдаги қонунчилик билан сотиш таъқиқланган товар ва хизматлар учун тўлов қилишда фойдаланмаслик;

4.1.5. Қўшимча Карточкаларни ҳам хисобга олган ҳолдаКарточкадан фойдаланиб нотўғри бажарилган ваҚоидалар, Тўлов тизими қоидалари ёки ушбу Шартномани лозим даражада бажармасдан амалга оширилган барча Операциялар бўйича жавобгар бўлиш. Карта ҳисобварағига қўшимча Карточка чиқарилганида ёки Карточка учинчи шахсларга берилганида учинчи шахслар томонидан Карточкадан фойдаланиб амалга оширилган барча ҳаракатлар учун жавобгар бўлиш;

4.1.6. Карточка Иш ҳақи лойиҳаси доирасида расмийлаштирилган бўлса, Мижоз иш берувчи-юридик шахс ва/ёки якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларини тўхтатганида ва/ёки Иш ҳақи Шартномаси бекор қилинганида меҳнат муносабатлари тўхтаган ва Иш ҳақи Шартномаси бекор қилинган санадан бошлаб 5 (беш) календар кун ичида Карточкани Қўшимча Карточкалар билан бирга Банкка қайтариш ёки Банкнинг амалдаги Тарифларига асосан янги Карточка очиш орқали жисмоний шахслар учун Карточкага хизмат кўрсатиш ва Карта ҳисобварағини юритиш шартларига (Иш ҳақи шартномаси бўлмаган) ўтиш;

4.1.7. Мижоз Карточкани янги муддатга қайта чиқаришни рад қилганида, Карточканинг амал қилиш муддати тугаган куннинг кейинги куниданкечиктирмасдан Банкка МБХ орқали ёки Бан Офисига Карта ҳисобварағи ва Карточкани ёпиш тўғрисида Ариза бериш, бу ҳолат Шартноманинг бекор бўлишиги олиб келади.Бундай ҳолда Мижоз Карточкани Банк Офисига қайтариши ёки Карточканинг йўқолганлиги/ яроқсиз ҳолга келганлиги учун Банк Тарифларига асосан воситачилик ҳақи тўлаши лозим. (Карточкани қайтаришнинг имкони бўлмаганда).

4.1.8. Яшаш жойининг, паспорт маълумотларининг ёки телефон рақамларининг ўзгарганлиги ҳақида бундан ўзгаришлар содир бўлган кундан бошлаб 5 банк куни ичида Банкка маълум қилиш.

4.1.9. Шартноманинг барча шартларини, шу жумладан, мазкур Қоидаларнинг Иловасида баён қилинган Карточкани сақлаш ва унан фойдаланиш шартларини бажариши.

4.1.10. Тўлов тизими билан ўрнатилган банк пластик карточкаларидан фойдаланиш қоидалари ва тартибига риоя қилиш.

4.1.11. Карточка йўқолганида уни МБХ воситасида (техник имконият мавжуд бўлса) ёки Мижозларни қўллаб-кувватлаш хизматига телефон орқали ШТХ ва Кодли сўзни маълум қилиб, блоклаш.

4.1.12. Банкнинг биринчи талаби билан Банкка Карточка(лар)ни, Қўшимча карточка(лар)ни тақдим қилиш.

4.1.13. Банк Тарифларига, Шартнома доирасида фойдаланиладиган йўриқнома ва бошқа хужжатларга киритилган ўзгартиришлар ҳақида янги маълумотларни олиш мақсадида Банкнинг Интернет тармоғидаги сайтларини мунтазам равишда кузатиб бориш

4.1.14. Карточкадан Карта ҳисобварағидаги қолдиқ пул маблағлари, овердрафт чегарасида ва Карточканинг амал қилиш муддати мобайнида фойдаланиш

4.1.15. Карточкани сақлашда эҳтиёткорлик кўрсатиш, шунингдек, ПИН-кдни сир сақлаш ва ошкор қилмаслик, Карта ҳисобварағида ҳисоби юритиладиган пул маблағларини тасарруф қилиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бериш ҳоллари бундан мустасно. (Амалдаги қонунчилик, Тўлов тизими Қоидаларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса).

4.1.16. Сақловчи томонидан Шартномани бузиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш, шунингдек, Шартнома, Қоидаларнинг шартларига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиққан Банкнинг зарарларини қоплаб бериш.

4.2. ***Мижознинг ҳуқуқлари:***

4.2.1. Банк томонидан Операциялар бўйича ўрнатилган чегара миқдорини ҳисобга олиб, Карта ҳисобварағидаги пул маблағларининг қолдиғи ва Аризада кўрсатилган Харажатлар чегарасида Карточка бўйича Операциялар амалга ошириш.

4.2.2. Карта ҳисобварағидаги қолдиқни Банк кассасига нақд пул топшириш орқали, шунингдек, амалдаги қонунчиликка асосан нақд пулсиз шаклда тўлдириш.

4.2.3. Карточкадаги мавжуд пул маблағлари чегарасида Пул маблағларини кўчириш учун Ариза бериш.

4.2.4. Амалдаги Банк Тарифларига асосан ва Банк ички ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзининг номига Карта ҳисобварағига Қўшимча Карточка расмийлаштириш.

4.2.5. Ўз Карта ҳисобварағига чиқарилган Карточка бўйича Харажат чегарасини белгилаш, бунда, Мижознинг Аризасига асосан ўрнатилган Харажатлар чегарасининг миқдори Банк Тарифларига асосан Банк томонидан ўрнатилган чекловдан кўп бўлса, Операциялар (Топшириқномалар) Банк Тарифлари билан ўрнатилган Операциялар бўйича чегара миқдорига асосан амалга оширилади.

4.2.6. Ҳақиқийлигига шубҳа бўлган ва ўзи амалга оширмаган Трансакцияларга нисбатан Банкка эътироз йўллаш, Мижоз томонидан товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун Интернет орқали амалга оширилган Трансакциялар бундан мустасно.Эътироз Банкка Мижоз шубҳаларининг сабабини кўрсатган ҳолда ва уларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қоғоз нусхасини илова қилиб юборилади.

4.2.7. МБХ воситасида ёки Банк Офисига ШТҲни кўрсатган ҳолда мурожаат қилиб, Карта ҳисобварағи/Карточка бўйича кўчирма олиш.

4.2.8. Мазкур Тартибга мувофиқ Карточканинг амал қилишини тўхтатиш ёки Карта ҳисобварағи ва Карточкани, шу жумладан Қўшимча Карточкани ёпиш.

4.2.9. Карточкадан фойдаланиш Қоидалари ва ундан фойдаланиб бажарилган операциялар бўйича Карточка сақловчисининг ва эмитентининг жавобгарлик чегараси тўғрисида тўлиқ маълумот олиш.

4.2.10. Банкда барча амалга оширилган Операциялар бўйича маълумот олиш.

4.2.11. Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

## 5. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. ***Банкнинг мажбуриятлари:***

5.1.1. Мижоз аризасини кўриб чиқиш натижалари бўйича ижобий қарор қабул қилинганда ҳамда Мижоз томонидан Банкка Карта ҳисобвараға ва Карточка очиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилганида Мижозга Карта ҳисобвараға очиш ва Карточка чиқариш, амалдаги Қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатлари, Комплекс банк хизмати кўрсатиш Шартномаси ва мазкур Тартибга асосан уларга хизмат кўрсатиш.

5.1.2. Мижознинг Карта ҳисобварағини Мижознинг савдо (хизмат кўрсатиш) корхоналарида, Банкоматларда, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш Терминалларида, Банк Офисида Карточкадан фойдаланиб амалга оширган Трансакциялар суммасига, шунингдек, Карточканинг реквизитларидан фойдаланиб, Интернет орқали амалга оширган Трансакциялар суммасига дебетлаш.

5.1.3. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ижобий Қарор қабул қилинганида Карточкани етказиб бериш муддатини ҳисобламаганда (Банкда етказиб бериш хизмати мавжуд бўлган ҳолларда) Ариза берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк иш кунида Мижозга Карточка чиқариш/қайта чиқариш.

5.1.4. Нақд пулсиз шаклда келган пул маблағларини, шу жумладан, қайтарилган тўловлар ва Reversal (трансакцияни бекор қилиш) миқдорида амалдаги Банк Тарифларига асосан Мижознинг Карта ҳисобварағига кирим қилиш;

5.1.5. Мижоздан Карточка йўқолганлиги ва Қоидаларнинг талабига асосан ундан ноқонуний фодаланганлик тўғрисида хабарнома олинганида дарҳол Карточкани блоклаш;

5.1.6. Тегишли Аризага асосан Мижозга «SMS-ахборот» хизматини кўрсатиш.

5.1.7. Карточкадан фойдаланиб бажарилган Операциялар бўйича ҳисоб-китобларнинг амалга оширилишини ва тўғрилигини таъминлаш.

5.2. ***Банкнинг ҳуқуқлари:***

5.2.1. Мижоз томонидан ушбу Тартиб ва/ёки Қоидаларнинг шартлари бажарилмаганлиги сабабли, шунингдек, амалдаги қонунчилик талабларининг ҳамда Шартнома ёки КБХШ доирасида Мижоз ва Банк ўртасида тузилган бошқа Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Карточка (лар)нинг, Қўшимча Карточкаларнинг ҳам амал қилишини тўхтатиб туриш.

5.2.2. Фирибгарлик таҳдиди ёки Банк ва Мижоз манфаатлари учун бошқа хавф келиб чиққанда, шунингдек, амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳолларда Карта ҳисобварағи ва/ёки Карточка бўйича Операциялар ўтказишни бир томонлама блоклаш ёки чеклаш.

5.2.3. Қуйидаги ҳолларда, қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарни Шахсий кабинетда жойлаштириш орқали Карточкадан фойдаланиб операция амалга оширишни вақтинча тўхтатиб туриш, шунингдек Карточкани олиш:

Карточка ва унинг реквизитларидан ноқонуний фойдаланганлик тўғрисида аниқ гувоғлик берувчи ҳолатларнинг мавжудлиги;

ваколати бўлмаган шахснинг Банк пластик карточкасидан фойдаланиши;

мазкур Тартиб ва амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда.

5.2.4. Карточка чиқарилган/қайта чиқарилган санадан бошлаб 1 (бир) йил мобайнида Мижоз томонидан олинмаган Карточкани воситачилик ҳақини қайтармасдан ёпиш (Карта ҳисобварағини ёпиш билан). Банкнинг Карта ҳисобварағини ва Карточкани ёпишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириши мақсадда Мижоз ушбу банд Мижознинг Карта ҳисобварағини ва Карточкани ёпиш учун берилган Аризаси эканлигини тасдиқлайди.

5.2.5. Аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш ва ушбу маълумотлар нотўғри бўлса, Мижозга сабабини тушунтирмасдан Карточка чиқариш ва Карта ҳисобварағи очишни рад қилиш.

5.2.6. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Мижоздан уни идентификация қилишга имкон берувчи ва Карта ҳисобварағи бўйича амалга ошириладиган Операцияларнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш.

Банк томонидан қуйидагилар аниқланган кунда Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бир томонлама тўлиқ ёки қисман воз кечиш:

- Карточкадан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида фойдаланилганлиги ҳақида асосланган шубҳалар;
- шубҳали (гумонли) операциялар такроран ўтказилганлиги в Карточкадан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга ошириладиган операциялар учун фойдаланилганлиги ҳақида асосланган шубҳалар;

5.2.7. Мижознинг Банк олдидаги қуйидаги Битимлардан келиб чиқувчи мажбуриятларини бажариши мақсадида Карта ҳисобварағидан Мижознинг қўшимча топшириғисиз (олдиндан берилган акцепт) акцептсиз тартибда пул маблағларини ўчириш

- Банк Тарифларида ўрнатилган воситачилик ҳақини қўшиб ҳисоблаганда мазкур Тартибга асосан тузилган шартномалар
- асосий қарз, фоиз, пенялар, жарималар, товон ва кредит шартномаларида назарда тутилган бошқа тўловларни қўшиб ҳисоблаганда Банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартномалари;
- Мижоз кафил сифатида қатнашадиган Банк билан тузилган кафиллик шартномалари;
- Банк ва Мижоз ўртасида тузилган бошқа шартномалар.

5.2.8. Мижоз томонидан Шартнома шартлари бузилганда ва Карточкадан фойдаланиш натижасида Банк асоссиз молиявий хавф остига қўйилганида Банк томонидан тасдиқланган жарима санкцияларини қўллаш ҳамда Карточканинг амал қилишини тўхтатиб туриш.

5.2.9. Карта ҳисобварағида етарли маблағлар бўлмаганда савдо (хизмат кўрсатиш) Корхонасига Авторизация жараёнини ўтказишни рад қилиш;

5.2.10. Мижозга Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ хизматлар кўрсатилганида Банк Тарифларида бўлмаган, бироқ, Тўлов тизимида назарда тутилган , Банк томонидан амалга оширилган воситачилик ҳақи харажатларини Мижознинг ҳисобварағидан ундириш;

5.2.11. Қоидаларда назарда тутилган тартибда Шартномага ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритишни таклиф қилиш.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Банк ўзининг назоратидан ташқарида бўлган форс-мажор ҳолатлари учун ҳамда ташқи ҳисоб-китоб тизимларидаги, Тўлов тизимларидаги, маълумотларни қайта ишлаш ва юборишдаги носозликлар учун, шунингдек, Карточка учинчи шахс томонидан тўлов учун қабул қилинмаганида жавобгар бўлмайди.

6.2. Банк Карточкадан фойдаланиб амалга оширилган Операциялар учун бошқа кредит ташкилотлари, молия муассасалари, Тўлов тизимлари ва ҳисоб-китобларнинг бошқа иштирокчилари томонидан ундириладиган воситачилик ҳақи ва қўшимча тўловлар учун жавобгар бўлмайди.

6.3. Банк Мижоз уни Карточка бўйича Операцияларни амалга оширишни тўхтатиб туриш (блоклаш) ва Карточканинг йўқолганлиги тўғрисида хабардор қилгунига қадар Карточка бўйича, шу жумладан, Карточка реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган Операциялар учун жавобгар бўлмайди.Банк Тўлов тизими талабларига асосан Карточкадан ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб бажарилган тўловларни амалга оширишга мажбур ва Мижознинг Карта ҳисобварағини Мижоз томонидан Карточка бўйича Операцияларни амалга оширишни тўхтатиб туриш (блоклаш) ва Карточканинг йўқолганлиги тўғрисида ариза берилгунга қадар амалга оширилган Операция миқдорига тенг суммани дебетлаш ҳуқуқига эга.

6.4. Банк қуйидаги ҳолларда Мижоз олдида жавобгар бўлмайди:

- Карточка Сақловчиси Қоидаларда, Шартномада, Банк Тарифлари ва амалдаги қонунчиликда кўрсатилган қоидалар ҳамда жараёнларни бузган бўлса;
- Карточка Сақловчиси томонидан ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар қилинса;
- банк пластик карточкаси ва (ёки) ПИН-коднинг йўқолиши Мижознинг айби ва эҳтиётсизлиги сабаби содир бўлса;

6.5. Банк қуйидагилар учун жавоб берамайди:

- Трансакция Карточканинг реквизитларини кўрсатган ҳолда Интернет орқали ўтказилган бўлса, Мижознинг молиявий йўқотишлари учун;
- Банкнинг назоратидан ташқарида бўлган ҳолатлар сабабли ўз мажбуриятларини бажара олмаса;
- Савдо (хизмат кўрсатиш) корхоналарининг товар/иш/хизматларни сотиш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун;
- Трансакцияда қатнашувчи учинчи шахсларнинг қурилмасидаги ва алоқа каналларидаги носозликлар учун;
- Шартнома шартларига мос келмайдиган ёки зид бўлган Трансакция бўйича пул маблағларини ундириш ёхуд ушбу Тартибнинг 5.2.6 б.да кўрсатилган сабаблар бўйича;

6.6. Мижоз қуйидагилар учун жавоб беради:

- Шартнома шартларини бузганлик учун;
- Карточканинг бутлиги ва сақланиши учун, шунингдек, Мижоз ва Карточка реквизитларидан хабардор бўлган учинчи шахслар томонидан Карточка ёрдамида амалга оширилган Трансакциялар учун;
- ПИН-код ва Карточка реквизитларини бошқа шахсларга берганлиги учун;

- ПИН-код учинчи шахсларга ошкор бўлганлиги ҳақида Банк ёзма равишда хабардор қилингунга қадар бажарилган ҳар қандай трансакциялар учун;

- Карточка Мижоз томонидан йўқотилган ҳолларда Банк хабардор қилингунга қадар Карточкадан фойдаланиб ўтказилган барча Трансакциялар бўйича;

- Карточка реквизитларидан фойдаланиб Интернет орқали ўтказилган барча Трансакциялар учун;

- Банкка тақдим қилинадиган барча маълумотларнинг тўғрилиги учун.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур Тартибга асосан Шартнома тузилган санадан кучга киради ва муддатсиз ҳисобланади.

7.2. Шартнома Мижознинг Аризасига (Ушбу Тартибнинг 4-Иловаси) кўра муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Мижоз Шартнома бўйича чиқарилган, амал қилиб турган барча Карточкаларни Ариза берилган кунида қайтариб бериши шарт.Қарта ҳисобварағидан Пул маблағлари қолдиғини қайтариш амалдаги қонунчилик талабларига, Тўлов тизими ва мазкур Тартиб қоидаларига асосан амалга оширилади.

7.3. Шартнома фақатгина қуйидаги шартлар асосида бекор қилишини мумкин:

- Мазкур Тартибга асосан барча Карточкаларни Банкка қайтариб берилган бўлиши шарти билан Мижознинг ёзма аризасига асосан;

- Мижоз Шартнома бўйича барча мажбуриятларни бажарганда;

- Мижознинг Банк олдида қарздорлиги бўлмаса.

7.4. Карточка чиқарилган/қайта чиқарилган санадан бошлаб 1 (бир) йил мобайнида Мижоз томонидан олинмаган бўлса ва Шартнома доирасида чиқарилган бошқа амал қилиб турган Карточкалар мавжуд эмаслиги шарти билан Шартноманинг амал қилиш муддати тугаган (бекор қилинган) ҳисобланади. Мижоз ушбу банд Мижознинг Карта ҳисобварағини ва Карточкани ёпиш учун берилган Аризаси эканлигини тасдиқлайди.

7.5. Шартнома тугатилганда (бекор қилинганда), Шартнома бекор қилингунга қадар Мижоз томонидан Банк Тарифларига асосан тўланган Карточка ва у бўйича операциялар билан боғлиқ барча воситачилик ҳақлари Мижозга қайтариб берилмайди.

7.6. Шартномани тугатиш (бекор қилиш) Тарафларнинг Шартнома бўйича мажбуриятларининг тугатилишига олиб келади ҳамда Карта ҳисобварағини ёпиш учун асос ҳисобланади

## 8. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1. Шартномадан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликлар Қоидаларда назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

8.2. Мазкур Тартибнинг шартлари билан белгиланмаган қолган барча ҳолатлар бўйича Тарафлар амалдаги қонунчилик, Қоидалар ва Банк Тарифларига амал қиладилар.

8.3. Шартномага киритиладиган барча ўзгариш ва қўшимчалар, агар улар Қоидаларнинг талабларига асосан амалга оширилган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

## 9. МАЗКУР ТАРТИБНИНГ ИЛОВАЛАРИ

9.1. Қуйидаги иловалар мазкур Тартибнинг ажралмас қисми ҳисобланади *(мурожаатлар қилиш шакли (электрон ёки ёзма) ва шартларига қараб аризалар шакли иловадагилардан фарқ қилиши мумкин):*

***1-Илова*** *– “Карточкани сақлаш ва ундан фойдаланиш шартлари”*

***2-Илова*** *– “Миллий валютадаги UZCARDEMV пластик карточкасини чиқаришга ариза”*

***3-Илова*** *– “Миллий валютадаги UZCARDEMV пластик карточкасини қайта чиқаришга ариза”*

***4-Илова*** *– “Миллий валютадаги UZCARDEMV пластик карточкасини ёпишга ариза”*

*Жисмоний шахснинг сўмдаги UZCARD EMV пластик карточкасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш тартибига*
1-ИЛОВА

## КАРТОЧКАНИ САҚЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ

**Карточканинг ПИН-кодини ўрнатиш/қайта ўрнатиш ва сақлаш**
ПИН-код энг кўпи билан 4 та рақамдан иборат бўлиши мумкин.
Карточкани шахсан ўз қўлингизга олганингизда, қуйидаги қоидаларга риоя қилиб махфий равишда унга ўзингизнинг ПИН-кодингизни ўрнатинг:

✓ ПИН-кодни ўрнатишда такрорланадиган рақамлардан, машҳур саналар ва Сиз ҳақингизда барчага маълум маълумотлардан (масадан: туғилган йилингиз, автомашинангиз, телефонингиз рақами ва бошқ) фойдаланмаслик лозим.

✓ ПИН-кодни ёзиб қўйманг, эсингизда сақланг.

✓ Карточкангизнинг ПИН-кодини бошқа шахсларга айтманг. Ҳеч кимнинг, Банк ва савдо (хизмат кўрсатиш) Корхонаси ходимларининг ҳам Карточкангиз ПИН-кодини ошкор қилишни талаб қилишга ҳуқуқи йўқ. Карточкангизнинг ПИН-коди Сиз томонингиздан бошқа шахсга ошкор қилинганида Карточкангиз бўйича амалга оширилган Трансакция бўйича барча жавобгарлик Сизнинг зиммангизга юклатилади, чунки, Сиз учун Карточка чиқарган Банк билан тузилган шартномага асосан фақатгина Сиз Карточканинг қонуний Сақловчиси бўлиб ҳисобланасиз.

✓ ПИН-кодингиз Сизнинг хоҳишингиздан ташқари бошқа шасхларга ошкор этилганлигини аниқлаганингизда ПИН-кодни махфий равишда ўзгартириш лозим.

✓ ПИН-кодни ўзгартирганда, олдин Карточканинг амалдаги ПИН-кодини киритиб, POS-терминал ёки ўз-ўзига хизмат кўрсатиш Терминалининг (шундай имкониятлари мавжуд бўлса) кўрсатмаларига амал қилиб, кейин янгисини қайта ўрнатиш лозим.

✓ ПИН-кодни мунтазам равишда бир ойда камида бир маротаба алмаштириб туринг. Карточкангизга иш ҳақи ўтказиладиган бўлса,Карта ҳисобварағига навбатдаги иш ҳақи ўтказилишидан 1-2 кун олдин ПИН-кодни олдиндан алмаштиришга ҳаракат қилинг. Бунда ҳолатда Карточка йўқолган тақдирда ҳам Карта ҳисобварағига ўткаўилган маблағларнинг хавфсизлиги ошади.

✓ Уч маротаба кетма-кет нотўғри терилган ПИН-код Карточкани блоклаб қўйишини эсда тутинг. Шунинг учун ПИН-код тераётган вақтда клавиатуранинг тегишли тугмасини ҳар босганингизда терминал дисплейида ёки POS – терминал ёхуд ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминалининг экранида ўзига хос услубдаги “юлдузча” акс этишини диққат билан кузатинг. Бу нарса POS – терминал ёхуд ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминалининг клавиатурасига киритилган ПИН-коднинг барча рақамлари қурилма томонидан қайта ишлаш учун қабул қилинганини билдиради. Акс ҳолда, кливиатура тугмаси етарли босилмаганлиги ёки тугманинг носозлиги туфайли Сиз ПИН-кодни хато теришингиз ва Карточкани блоклаб қўйишингиз мумкин.

✓ Агар Сиз ПИН-кодни икки марта нотўғри киритиб, учинчи марта тўғри киритган бўлсангиз, ПИН-кодни киритишга уриниш яна қайтиб уч мартага тикланади.

✓ Фақатгина Карточкани Сизга чиқарган Банк Офисидагина Карточкани блокдан чиқариш мумкин. Бунда Карточка ПИН-кодни уч маротаба нотўғри териш натижасида билан блокланган бўлса, Карточкани Мижозларни қўллаб-қувватлар марказига тел қилиб операторга ШТҲ маълумотларини ва Кодлисўзни маълум қилиб блокдан чиқариш мумкин.

✓ Карточкани Банк Офисида блоқдан чиқариш учун олдингизда ШТҲ, шунингдек, Карточкадан фойдаланишга тегишли тарзда расмийлаштирилган Ишончнома бўлиши керак (агарда Сиз Карточкани қонуний Сақловчисининг ишонли вакили бўлсангиз).

✓ Банк Офисида Карточкангизни текширишади ва блокдан чиқаришади.Блоқдан чиқариш жараёнида Карточканинг янги ПИН-кодини махфий равишда шахсан ўрнатишингиз лозим бўлади.

**Карточкани сақлаш ва бошқа шахсларга бериш**

Карточка нақд пулсиз ҳисоб-китоблар воситаси бўлиб ҳисобланади, маблағларингизнинг бутлигини ва хавфсизлигини таъминлайди, товар ва хизматларни сотиб олишингизда қўшимча қулайликлар тақдим қилади.Бироқ, Сиз томонингиздан бир қатор хавфсизлик чораларига риоя қилинмаган тақдирда, Карточканинг афзалликлари аҳамиятсиз бўлиб қолади.

Шунинг учун Сиз қуйидаги қоидаларни доим эсдатутишингиз ва бажаришингиз лозим:

1. Карточкани ҳамёнингиз ва нақд пуллар билан бир жойда, шунингдек, кийимингизнинг Карточкага тасодифан зарар етказиш эҳтимоли юқори бўлган жойларида (масалан: шимларнинг орқа чўнтаги, калитлар ва бошқа нарсалар билан сақлаш ва бошқ) сақламанг.
2. Агар Сиз бегона шахснинг Карточка билан амалга оширадиган ҳаракатларини кейинчалик назорат қила олмасангиз, Карточкани ҳатто қисқа муддатга ҳам уларга берманг. Карточканинг мавжудлигини мунтазам текшириб туринг.
3. Карточкангизнинг юзасига туширилган рақамини, шунингдек, Карточкани чиқарган банк муассасаси кодини ёзиб қўйинг ва сақланг.
4. Агар Сиз Карточкангизни бошқа шахснинг фойдаланишига ишонч билдирмоқчи бўлсангиз, бу нарсани тегишли тарзда расмийлаштириш ва ишончли вакил мазкур Шартлардаги тавсиялар билан танишганлигига ва уларни ўзлаштирганлигига ҳамда уларга қатъий риоя қилишига ишонч ҳосил қилиш лозим.
5. Савдо (хизмат кўрсатиш) корхонаси ходимларининг ва Банк ишчиларининг Карточкангиз билан қилаётган ҳаракатини ҳар доим кузатиб туринг ва Карточкани ҳеч қачон Банкоматда/ ўз-ўзига хизмат кўрсатиш Терминалида ёки савдо терминалида қолдирманг.
6. Карточканинг чипига турли хил нурланишларнинг таъсир қилишидан, унга нам ва агрессиф кимёвий моддалар тегишидан сақланинг, Карточкадан бошқа мақсадларда фойдаланманг – бу унинг бузилишига олиб келади.

**Карточка йўқолганида/бузилганида ҳамда олдин йўқолган Карточка топилганида амалга ошириладиган ҳаракатлар**

Сиз ёки Сизнинг ишончли ваклингиз Карточкани йўқотганларингизда Сизлар Қоидаларга мувофиқ бу ҳақда дарҳол Банкка хабар беришларингиз лозим

Йўқотилган Карточкангиз бўйича Трансакциялар амалга оширилганида, ушбу Трансакцияларнинг суммалари Банк томонидан қайтарилмаслигини эсда тутинг. Шунинг учун, Карточкадан маблағлар йўқолиши хавфини камайтириш мақсадида ўз ПИН-кодингизни бегона шахсларга айтманг.

Олдин йўқолган ва Сиз унинг йўқолганлиги ҳамда уни блоклаш ҳақида Банкка ариза берилган Карточкани топиб олганингизда,ҳеч қачон ушбуКарточкадан нақд пулсиз тўлов воситаси сифатида фойдаланишга ҳаракат қилманг, Карточкангиз аллақачон блокланган ва Банкомат/ўз-ўзига хизмат кўрсатиш Терминали томонидан қайтариб берилмаслиги мумкин.

Биринчи навбатда Сиз Мижозларни қўллаб-қувватлаш хизматига телефон қилиб олдин йўқотилган, блокланган Карточкангизни топиб олганлигингизни маълум қилишингиз керак. Шундан сўнг Банк ходими Сизга кейинги йўриқномаларни тушунтиради.

Топиб олинган Карточкадан терминал/Банкомат/ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминалида фойдаланишга ҳаракат қилинганида, у блокланган бўлса, Сиз Карточкани блокдан чиқариш учун уни Банк Офисига кўрсатишингиз керак. Олдингизда ШТҲ, шунингдек,тегишли тарзда расмийлаштирилган Карточкадан фойдаланишга ишончнома бўлиши керак (агар Сиз ишончли вакил бўлсангиз)

Банк қуйидаги ҳолларда Карточкангиз бўйича ўтган Трансакциялар бўйича маблағларини қоплаб бермаслигини эсингизда сақланг:

- Трансакциялар Карточка блокланган вақтгача амалга оширилган бўлса.
- Трансакция процессинг марказига келиб тушмаган бўлса.

**Карточкадан фойдаланиш вақтида содир бўлган носозлик ҳолатидаги ҳарактлар**

Карточка ва у ишлатиладиган ускуна инфраструктураси, юқори технологияли замонавий дастурий-техник қурилмалар бўлгани билан, улар ҳам турли хусусиятдаги носозликларга дуч келиши мумкинлигини доим эсингизда сақлашингиз лозим. Қуйида Карточкадан фойдаланганда дуч келиш мумкин бўлган кенг тарқалган носозликлар ва фавқулодда ҳолатларнинг рўйхати берилган:

1. **Банкоматда Карточканинг Карта ҳисобварағидан маблағлар ечиб олинган, бироқ, нақд пул берилмаган**

Бундай ҳолатда Сиз Банкомат томонидан Операция чекининг чиқарилишини кутишингиз лозим. Шундан сўнг худди шу Банкоматда Карточка бўйича пул маблағлари берилмаган Операция тарихини чиқариб олинг. Кейин ушбу Банкоматга хизмат кўрсатувчи Банк муассасасига мурожаат қилинг(алоқа телефони рақами Банкомат чекида кўрсатилган бўлиши керак), Карточкангиздан маблағлар ечилиб Банкомат томонидан берилмаганлик ҳолати бўйича белгиланган намунадаги ариза топширинг ҳамда чекнинг ва Операция чекининг нусхасини илова қилинг. Олдингизда Карточка, ШТҲ, шунингдек, Карточкадан фойдаланиш учун нотариал тасдиқланган ишончнома бўлиши керак.(агар Сиз Мижознинг ишончли вакили/вакили бўлсангиз). Банкоматдаги вазият дастлабки текширувдан ўказилганидан сўнг эҳтимол Сизга Карточка чиқарган банк муассасига қўшимча мурожаат қилишингизга тўғри келиши мумкин.

2. **Банкоматда Карточканинг Карта ҳисобварағидан маблағлар ечиб олинмаган, бироқ, нақд пул берилган**

Бундай ҳолатда Сиз Банкомат томонидан Операция чекининг чиқарилишини кутишингиз лозим. Шундан сўнг худди шу Банкоматда Карточка бўйича пул маблағлари ечилмаган, бироқ, Банкомат томонидан пул берилган Операция тарихини чиқариб олинг.Кейин ушбу Банкоматга хизмат кўрсатувчи Банк муассасасига мурожаат қилинг(алоқа телефони рақами Банкомат чекида кўрсатилган бўлиши керак), Карточкангиздан маблағлар ечилмасдан Банкомат томонидан берилганлик ҳолати бўйича белгиланган намунадаги ариза топширинг ҳамда чекнинг ва Операция чекининг нусхасини илова қилинг ва Банкоматдан олинган нақд пул маблағини Банк кассасига кирим қилинг.Олдингизда Карточка, ШТҲ, шунингдек, Карточкадан фойдаланиш учун нотариал тасдиқланган ишончнома бўлиши керак.(агар Сиз Мижознинг ишончли вакили/вакили бўлсангиз).

**Юқорида кўрсатилган ва бошқа носозликларнинг олдини олиш учун Сиз қуйидагиларни назорат қилишингиз керак:**

- Савдо (хизмат кўрсатиш) Корхонаси ходими Карточкангиз билан Операция амалга оширишдан олдин савдо терминалининг бузилмаганлигига, унга чек қоғози қўйилганлигига ва босмага тайёрлигига (терминал тўлиқ функцияли бўлса) ҳамда автоном қувват бериш элементлари – батарейка/аккумляторлар ўрнатилганлигига (терминал кўчма бўлса) ишонч ҳосил қилганлигини.
- Савдо (хизмат кўрсатиш) Корхонаси ходими Карточкангиз билан Терминал орқали Операция амалга ошириш чоғидаТрансакция тугатилмагунча ва Операция чеки чиқмагунича Карточкангизни терминалнинг картридеридан олмаслигини ва терминални электр тармоғидан узиб қўймаслигини (терминал тўлиқ функцияли бўлса)ҳамда терминалдан қувват бериш элементлари – батарейка/аккумляторларни олмаслигини(терминал кўчма бўлса).
- Савдо (хизмат кўрсатиш) Корхонаси ходими Терминалдан Операция чеки чиқиш пайтида терминалнинг тегишли тугмасини босиш орқали қоғозни прогонқилишни амалга оширмаслигини ва терминалдан чиқаётган Операция чекини қўл билан мажбурий тортмаслигини.
- Операция чекининг қуйидагиларни албатта кўрсатган ҳолда тушунарли чиққанлигини: Операциянинг санаси/вақти, Карточка рақами, Авторизация қоди, Операция муваффақиятли/муваффақиятсиз амалга оширилиганлиги ва Трансакциянинг бошқа реквизитлари. Чекнинг Сизга тақдим этилган нухсаси мазкур талабларга жавоб бермаса, касссирдан чекни такроран чиқаришини сўранг.

**Изоҳ:**

- Ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда Операция чекини Карточкангиз билан биргаликда Карточка бўйича Операция амалга оширган Банкомат/ ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминали ёки терминал олдида қолдириб кетманг.
- Банкомат Карточкангизни олиб қўйган бўлса, Сиз мазкур Банкоматга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига (алоқа телефони рақами Банкомат чекида кўрсатилган бўлиши керак) мурожаат қилишингиз керак.Олдингизда Карточка, ШТҲ, шунингдек, Карточкадан фойдаланиш учун нотариал тасдиқланган ишончнома бўлиши керак.(агар Сиз Мижознинг ишончли вакили/вакили бўлсангиз).

Банкомат/Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш Терминали/терминал Карточкангиз билан бирор-бир Операция жуда узоқ муддат амалга оширса (Банкомат/Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш Терминали Сизга "қотиб қолган"дек туюлиши мумкин) Операциянинг бажарилишини кутишга ва Карточкани қайтиб олишга ҳаракат қилинг.

*Жисмоний шахснинг сўмдаги UZCARD EMV пластик карточкасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш тартибига*
2-ИЛОВА

**Тасдиқлайман**
________________
________________
**«Капиталбанк»АТБ**
________________

Дан ________________________________________
(Ф.И.Ш. жисмоний шахснинг)

**Миллий валютадаги UZCARDEMV пластик карточкасини чиқаришга**
**АРИЗА**

UZCARDEMVпластик карточкасини беришингизни сўрайман

Сўмдаги карточка: ________________

Исм ва фамилия паспортда кўрсатилганидек лотин ҳарфлари билан (Сизнинг фамилиянгиз карточкада шундай кўринишда бўлади):

ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Туғилган сана: ________________ Фуқаролик: ________________
Фуқаролигингизни кўрсатинг

Рўйхатда турган жой бўйича манзили: ________________
Рўйхатда турган жойингизнинг манзилини Паспортда кўрсатилганидек тўлиқ кўрсатинг

Телефон: ________________ e-mail: ________________
Уй телефонини кўрсатинг
Электронпочта манзилини кўрсатинг

ПАСПОРТ МАЪЛУМОТЛАРИ

**Паспортнинг серияси ва рақами, ким томонидан ва қачон берилган** ________________

ИШ МАЪЛУМОТЛАРИ

Иш жойи: ________________
Илтимос, ўзингиз ишлайдиган корхона номини босма ҳарфлар билан кўрсатинг

Ташкилот манзили: ________________
ўзингиз ишлайдиган корхона юридик манзилини кўрсатинг

Лавозими: ________________ Хизмат телефони: ________________
Лавозимингизни кўрсатинг
Алоқа телефонини кўрсатинг

**НАЗОРАТ СЎЗИ:**
Карточкангизга хизмат кўрсатиш масалалари бўйича телефон сўзлашувларида Банк ишчилари Сизни идентификация қила оладиган назорат сўзини кўрсатинг ________________

**НАЗОРАТ МАЪЛУМОТЛАРИ**
Ушбу Аризада кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаймиз.
Банк:

- Ушбу Аризада кўрсатилган маълумотларни текширишга ҳуқуқи борлигига
- Банкнинг реклама-маълумотларини жўнатиш учун ушбу Аризада кўрсатилган маълумотлардан фойдаланиши мумкинлигига
- Сабабини тушунтирмасдан пластик карточка чиқаришни рад қилиш ҳуқуқи мавжудлигига

розилигмизни билдирамиз.
**“Капиталбанк” АТБнинг Тарифлари ва UZCARDEMV карточкаларидан фойдаланиш Қоидалари билан танишдим ҳамда уларни бажариш мажбуриятини оламан**

| **Карточка эгасининг имзоси** | ✓ | **Сана** | |
|---|---|---|---|

- - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - -

БАНКНИНГ ХИЗМАТ БЕЛГИЛАРИ

Банк муассасаси коди:

| **Хизмат ҳаракати/қарори/белгилари** | **Ходимнинг Ф.И.Ш.** | **Имзо** |
|---|---|---|
| Аризани қабул қилди | | ✎ |
| Келишилди | | ✎ |

*Жисмоний шахснинг сўмдаги UZCARD EMV пластик карточкасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш тартибига*
3-ИЛОВА

**Тасдиқлайман**

__________ __________

**«Капиталбанк» АТБ**

____________________

Дан ____________________________________________
(жисмоний шахснинг Ф.И.Ш.)

**Карточка рақами:**

| 8 | 6 | 0 | 0 | | | | | * | * | * | * | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

**Миллий валютадаги UZCARDEMV пластик карточкасини қайта чиқаришга**
**АРИЗА**

**ПАСПОРТ МАЪЛУМОТЛАРИ**

Паспорт серияси: ________ (Серия) Паспорт рақами: ________________ (Паспорт рақами) Берилган санаси: ____ (кун) ____ (ой) ____ (йил)

Паспорт ким томонидан берилган: ______________________________
(Паспорт ким томонидан берилганлигини кўрсатинг)

Алоқа телефони: ______________________
(Уй телефони рақамини кўрсатинг) (Мобиль телфон рақамини кўрсатинг)

Рўйхатда турган жой бўйича манзили:
(Рўйхатда турган жойингизнинг манзилини Паспортда кўрсатилганидек тўлиқ кўрсатинг)

**Қуйида кўрсатилган сабабларгакўра менинг номимга пластик карточкани қайта чиқаришингизни сўрайман:**

☐ Карточканинг амал қилиш муддати тугаганлиги

☐ Техник носозлик: ______________________________

☐ Бошқа сабаб: ______________________________

**НАЗОРАТ МАЪЛУМОТЛАРИ**

Ушбу Аризада кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаймиз.
Банк:

- Ушбу Аризада кўрсатилган маълумотларни текширишга ҳуқуқи борлигига
- Банкнинг реклама-маълумотларини жўнатиш учун ушбу Аризада кўрсатилган маълумотлардан фойдаланиши мумкинлигига
- Сабабини тушунтирмасдан пластик карточка чиқаришни рад қилиш ҳуқуқи мавжудлигига
- розилигмизни билдирамиз.

**“Капиталбанк” АТБнинг Тарифлари ва UZCARDEMV карточкаларидан фойдаланиш Қоидалари ҳамда карточкани алмаштириш тартиби билан танишдим ҳамда уларни бажариш мажбуриятини оламан**

| **Карточка эгасининг имзоси** | ✓ | **Сана** | |
|---|---|---|---|

**БАНКНИНГ ХИЗМАТ БЕЛГИЛАРИ**

| **Хизмат ҳаракати/қарори/белгилари** | **Ходимнинг Ф.И.О.** | **Имзо** |
|---|---|---|
| Аризани қабул қилди | | ✎ |
| Келишилди | | ✎ |

**Карточка рақами:**

| 8 | 6 | 0 | 0 | | | | | x | x | x | x | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

*Жисмоний шахснинг сўмдаги UZCARD EMV пластик карточкасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш тартибига*
4-ИЛОВА

**Тасдиқлайман**
______________ ______
**«Капиталбанк» АТБ**
___________

______________________

______________________________________________________________
(Жисмоний шахснинг Ф.И.Ш.)
Дан

**Карточка рақами:** | 8 | 6 | 0 | 0 | | | | | | * | * | * | * | | | | |

**Миллий валютадаги UZCARDEMV пластик карточкасини ёпишга**
**АРИЗА**

**Карта ҳисобварағи рақами:** | 2 | 2 | 6 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | |

**“Капиталбанк”АТБнинг сўмдаги пластик карточкасига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишингизни ва юқорида рақамлари кўрсатилган Карта ҳисобварағини, шунингдек, сўмдаги пластик карточкани ёпишингизни сўрайман.Карта ҳисобварағида мажвуд маблағларни қуйидагича қайтариб беришингизни сўрайман:**

☐ Банк кассаси орқали нақд пул шаклида

☐ ҳисобвараққа | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | кўчириб бериш орқали

Банк номи: _______ КАПИТАЛБАНК АТБ _____________________________ банк МФОси: ______________________

**Карта ҳисобварағи ва сўмдаги пластик карточкани ёпиш шартлари билан танишдим ва Банкка Тарифларда ўрнатилган тўловларни тўлаб бериш мажбуриятини оламан. Юқорида кўрсатилган пластик карточка ёрдамида мен томонимдан олдин амалга оширилган Трансакциялар ва Reversal операцияларнинг кечикиши натижасида Карточка бўйича қарздорлик келиб чиққанида зарур бўлган миқдордаи маблағнитўлаб бериш мажбуриятини оламан.**

Карта ҳисобварағини ва пластик карточкани ёпиш сабаблари:______________________________________________
______________________________________________________________

Алоқа телефони: ______________________________________________________
(Укажите домашний телефон) (Укажите мобильный телефон)

☐ Карточка қайтарилди

☐ Карточка йўқотилган

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Карточка эгасининг имзоси** | ✓ | **Аризанинг Банкка топширилган санаси ва вақти** | |

- - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - - -

**БАНКНИНГ ХИЗМАТ МАЪЛУМОТЛАРИ**

| **Хизматҳаракати/қарори/белгилари** | **Ходимнинг Ф.И.Ш.** | **Имзо** |
|---|---|---|
| Аризани қабул қилди | | ✎ |
| Келишилди | | ✎ |
| Ҳисобварақ ёпилди | | ✎ |

**“Капиталбанк” АТБда жисмоний шахсларга комплекс банк хизмати кўрсатиш Қоидаларига**
**2-ИЛОВА**

# ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ ХАЛҚАРО ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИНИ ЧИҚАРИШ ВА УНГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМАТУЗИШ ВА БАЖАРИШ ТАРТИБИ

## 1. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР

1.1. Ушбу Тартибнинг мақсадлари учун қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

***Карточкани фаоллаштириш*** –Карточкани чиқариш/қайта чиқариш пайтидаКарточкадан фойдаланиб Операция амалга оширишга қўйилган техник чекловнинг Банк томонидан бекор қилиш жараёни.

***Банкомат***– Мижозларга ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи дастурий-техник мажмуа, ички банк ва банклараро тўлов тизимлари касса операцияларининг таркибий қисми ҳисобланади. Банкоматлар Эквайернинг/Банкнинг хизмат кўрсатиш тармоқлари орқали автоматик равишда нақд пул маблағлари бериш, Мижозга Карта ҳисобварағининг ҳолати бўйича маълумот тақдим қилиш, тегишли операцияларни тасдиқловчи маълумотларни бериш, шунингдек, бошқа операцияларни, жумладан, товар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишга (дастурий-техник имкониятларидан келиб чиққан ҳолда) мўлжалланган.

***Карточка бўйича операция амалга оширилган сана***– Мижоз томонидан Карточкадан фойдаланган ҳолда товар/хизматлар учун тўлов қилиш, ва/ёки нақд пул маблағлари олиш/киритиш бўйича Операциялар амалга ошириш санаси, Карта ҳисобварағидан/га пул маблағларини ўчириш/кирим қилиш санаси билан мос келмаслиги мумкин.

***Карта ҳисобварағидан/га пул маблағларини ўчириш/кирим қилиш санаси*** **–** Мижоз томонидан Карточкадан фойдаланган ҳолда Операция амалга оширилганлигини тасдиқловчи ёки Карта ҳисобварағидан/га олдин ўтказилган пул маблағларини ўчириш/кирим қилишни бекор қилувчи Топшириқнома Банкка келиб тушган Операцион куннинг эртасидан кечиктирмасдан амалга ошириладиган, Карта ҳисобвараҒи бўйича пул маблағларини ўчириш/кирим қилиш санаси, операция амалга оширилган сана билан мос келмаслиги мумкин.

***Карточканинг сақловчиси (Сақловчи)*** **–** Банк томонидан амалдаги қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки норматив ҳужжатлари, мазкур Қоидаларга асосан номига Карточка чиқарилган жисмоний шахс (резидент, норезидент).

***Карточка*** **–**Комплекс банк хизмати Қоидаларига, ушбу Тартибга, Банк Тарифларига ва амалдаги қонунчиликка асосанСақловчига Карточкадаги фойдаланиш мумкин бўлган маблағлар чегарасида Операциялар амалга ошириш имкниятини берувчи Банк карточкаси (сўмдаги UZCARD EMV пластик карточкаси);

***Карта ҳисобвараҒи*** **–**ундаги пул маблағларидан Карточка воситасида фойдаланиш мумкин бўлганбанк ҳисобвараҒи;

***Кодли сўз*** – Мижоз мижозларни қўллаб-қувватлаш хизматига телефон орқали мурожаат қилганида Банк Мижозни идентификациялаш учун Банк томонидан фойдаланиладиган Мижоз томонидан Ариза-анкетада кўрсатиладиган сўз/жумла.

***Операциялар бўйича чегара*** **–** Карточкадан ва/ёки МБХдан фойдаланиб амалга ошриладиган Операциялар (Топшириқномалар)ни ўтказишгаБанк томонидан ўрнатилган чеклов.

***Миллий валюта*** –сўм.

***Асосий карточка*** – Шартнома доирасидаКарта ҳисобварағига унинг эгаси номига биринчи бўлиб чиқарилган Карточка, шунингдек, олдин чиқарилган Асосий Карточка ўз кучини йўқотганида, унинг ўрнига чиқарилган/қайта чиқарилган Карточка.

***Қўшимча карточка*** – очиш учун Асосий Карточка эгасининг ёзма аризаси талаб қилинадиган Асосий Карточкага (Асосий Карточканинг карта ҳисобварағига) Қўшимча карточка.

***ПИН-код*** – Карта ҳисобварағида ҳисобда турган пул маблағларини тасарруф қилиш ҳуқукини тасдиқловчи, топшириқнинг банк карточкаси сақловчиси томонидан берилганлигини тасдиқловчи, шунингдек, Карточкада сақланадиган маълумотларга учинчи шахсларнинг киришини чекловчи Карточканинг шахсий индентификацион рақами. Пин-код махфий маълумот ҳисобланади ва сир сақланиши лозим.

***ПК*** – Ўзбекистон Республикасининг тижорат банки томонидан чиқарилган, Ўзбекистон Тўлов тизимига алоқдар қарашли пластик карточка.

***Савдо (хизмат кўрсатиш) корхонаси*** – Карточкани товарлар ва хизматлар учун тўлов сифатида қабул қиладиган ҳар қандай юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.

***Карточкани амал қилишини тўхтатиб туриш*** – мазкур Тартибда назарда тутилган асосларга кўра Карта ҳисобвараҒи бўйича Операцияларни вақтинча тўхтатиб туриш.

***Суғурта депозити***–Рухсатсиз амалга оширилган овердрафтни ва Шартномалар ҳамда Банк тарифларида назарда тутилган воситачилик ҳақларини сўндириш учун Банк томонидан фойдаланилагидан, Карточка бўйича фойдаланиш мумкин бўлмаган, Мижоз томонидан Карта ҳисобварағида жойлаштирилган пул маблағлари.

***Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш Терминали*** - мажмуанинг вазифа ва имкониятларига қараб нақд пул маблағларидан ҳам, банк карточкаларидан ҳам фойдаланган ҳолда хизматлар, ишлар, товарлар, кредитларни сўндириш ва ҳ.к. бўйича тўловларни қабул қилиш учун мўлжалланган Банкнинг дастурий-аппарат мажмуаси.

***Трансакция*** – товарлар ва хизматларга тўлов қилиш мақсадида Карточка ёрдамида амалга ошириладиган ҳар қандай тўлов, шунингдек, банк кассалари ёки банкоматлардан нақд пул маблағлари олиш операцияси.

***Reversal*** – коммуникацион хатоликларда (алоқадаги узилишлар) ёки Мижоз томонидан товарлар (хизматлар)ни сотиб олиш рад қилинганида Карточка бўйича терминалдаги трансакцияни бекор қилиш.

1.2. Мазкур Тартибда фойдаланиладиган бошқа атама ва таърифлар Комплекс хизмат кўрсатиш Қоидаларидаги мазмун билан бир хил маънога эга.

**1.**

## 2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ ВА КАРТОЧКАНИ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур Тартиб жисмоний шахснинг халқаро пластик карточкасига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги Шартномани (кейинги ўринларда - Шартнома) тузиш ва бажариш жараёнини тартибга солади.

2.2. Мижоз Шартнома имзолаш учун Банк белгилаган шакл бўйича тўлдирилган Visa халқаро пластик карточкасини чиқариш Аризани (Ушбу Тартибнинг 3-Иловаси) ҳамда амалдаги қонунчилик ва Банк томонидан ўрнатилган тартибга асосан Шартнома тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни МБХ воситасида ёки Банк Офисига тақдим этади.Мижознинг Аризаси Банк томонидан акцептланганидан сўнг Шартнома тузилган ҳисобланади.Банк Аризани Карта ҳисобварағи очиш орқали акцептлайди. Бундай ҳолда Шартнома Мижознинг номига Карта ҳисобварағи очилган санада тузилган ҳисобланади;

Мижоз томонидан тўлдирилган ва имзоланган Ариза Банк томонидан акцептланган тақдирда Шартноманинг ажралмас қисмига айланади ва Шартноманинг Қоидаларда, мазкур Тартибда баён этилган умумий шартларига Мижознинг тўлиқ ва сўссиз розилигини тасдиқлайди, шунингдек, Ариза бериш жараёнида Мижознинг Банк Тарифлари билан танишганлигини ва уларга рози эканлигини тасдиқлайди.

Шартнома аралаш шартнома ҳисобланади ва банк ҳисобварағи ҳамда банк карточкаларини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг элементларини ўз ичига олади.

Банк белгиси қўйилган Ариза нусхаси Мижозга унинг сўрови бўйича Банк Офисида берилади.

2.3. Қоидалар, мазкур Тартиб, Банк Тарифлари, Банк томонидан акцептланган Ариза Шартномани ташкил қилувчи ҳужжатлар ҳисобланади.

2.4. Карточка Банкнинг мулки ҳисобланади ва Карточканинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки Шартнома бекор қилинганда Банкка қайтарилади. КарточкаКарточкани олиш учун Банкка Мижоздан Ариза келиб тушгандан, Мижоз томонидан суғурта депозитини шакллантириш, шунингдек,Банк Тарифларига мувофиқ воситачилик ҳақини Банкка тўлаш учун етарли пул маблағлари Карта ҳисобварағида шакллантирилганидан сўнг 3 (уч) иш куни мобайнида Банк томонидан чиқарилади.

2.5.Карточка ва тўртталик ПИН-кодли муҳрланган ПИН-конверт (ПИН-код ПИН-конвертнинг ичига киритилган бўлса) шартнома шартлари билан бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, Сақловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида Банк томониданКарточка Сақловчисига ёки белгиланган тартибда расмийлаштиришлган ишончнома бўйича Вакилига топширилади,

2.6. ПИН-конверт олинганидан сўнг, Карточка Сақловичиси унинг муҳрланганлигига ва бундан олдин очилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.ПИН-конверт очилганидан кейин ПИН-кодни эсда тутиш ва сир сақлаш лозим.

2.7. Карточка олинаётганда Карточка Сақловчиси Карточканинг орқа томонидаги “Имзолар намунаси” қаторида имзо қўйиши шарт.

2.8. Чиқарилган/қайта чиқарилган Карточка Сақловчига фаол бўлмаган ҳолатда топширилади. Карточкани фаоллаштириш Банкомат/POS – терминал ёки Мобил банк ва Интернет банк хизмати орқали ёхуд Мижозларни қўллаб-қувватлаш Хизматига телефон қилиб Банкка мурожаат қилиш ёки Банк Офисида ПИН-код ўрнатиш йўли билан Мижоз томонидан мустақил амалга оширилади;

2.9. Карточка шахсий тўлов воситаси ҳисобланади, Карточканинг номига Карточка чиқарилган қонуний Сақловчиси – шахсга тегишлилиги унинг Карточкадаги исми, шарифи ва/ёки имзо намунаси, шунингдек, ПИН-код билан аниқланади

2.10. Карточкадан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Банк Мижознинг номига Карта ҳисобварағи очади, Аризага мувофиқ, шунингдек, мазкур Тартибда ўрнатилган тартиб ва муддатларда Карточка(лар)ни чиқаради ҳамда беради.

2.11. Карта ҳисобварағи ва Карточка(лар)га (шу жумладан Қўшимча карточкаларга ҳам) хизмат кўрсатиш мазкур Тартиб ва Банк Тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

2.12. Карточкадан фақатгина унинг юза қисмида номи кўрсатилган Мижознинг ўзи ёки номига қўшимча карточка очилган қўшимча карточка Сақловчиси фойдаланиши мумкин.Карточка ёки унинг реквизитларини бошқа шахсга фойдаланиш учун бериш мумкин эмас. (Тўлов тизими Қоидалари билан бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса). Бундай ҳолда Карточкадан фойдаланиш бўйича жавобгарлик Карточка Сақловчисининг зиммасида бўлади.

Номига Карта ҳисобварағи очилган Мижоз номидан Қўшимча карточка Сақловчисининг Операциялар ўтказиш ҳуқуқи Карта ҳисобварағи эгасининг ва Қўшимча карточка Сақловчисининг Қўшимча карточка Сақловчиси маълумотлари кўрсатилган тегишли аризани Банк Офисида имзолаш ва топшириш орқали тасдиқланади

2.13. Бошқа жисмоний шахсга Карточка чиқарилганда Мижоз Қўшимча карточка Сақловчиларни Қоидаларнинг, ушбу Тартибнинг талаблари ва Банк тарифлари билан таништириши, шунингдек, уларни бажарилишини таъминлаши шарт.Карточкадан фойдаланишга ва Операциялар амалга оширишга нисбатан ушбу Тартиб ва Банк тарифлари билан ўрнатилган барча талаблар Қўшимча карточка Сақловчисига нисбатан ҳам қўлланилади.Қўшимча карточка Сақловчиси Карта ҳисобварағининг эгаси бўлмаса, Карта ҳисобварағининг эгаси бўлган Мижоз ўз номидан Карта ҳисобварағи бўйича Банк ва Карта

ҳисобвараҒи эгаси томонидан ўрнатилган чекловларни инобатга олган ҳолда ушбу Қўшимча карточкадан фойдаланиб, Операциялар амалга оширишга, ушбу Қўшимча карточка бўйича амалга оширилган Операцилар бўйича маълумот олишга ҳуқуқ берилган шахс ҳисобланади.

## 3. КАРТОЧКАДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

3.1. Шартномага асосан чиқариладиган Карточкадан товар ва хизматлар учун тўловни амалга ошириш, банк кассалари ва банкоматлардан нақд пул олиш, шунингдек, унинг реквизитларидан фойдаланиб, Интернет орқали тўловлар қилиш учун фойдаланилади.

3.2. Карточканинг ПИН-коди Карточка Сақловчиси томонидан муайян тўлов тизими Карточкасининг ПИН-кодини ўзгартириш функцияси эга бўлган Банкомат/POS – терминаллар ва Мобил банк ёки Интернет банк хизмати орқали ўзгартирилиши мумкин. Банк техник имкониятлар мавжуд бўлгандагина ПИН-кодни ўзгартириш имкониятини тақдим қилади.Янги ПИН-код ўрнатаётганда бир хил ёки кетма-кет келадиган рақамлардан иборат бўлган комбинациядан фойдаланиш тавсия этилмайди. Сақловчи ПИН-кодни чегараланмаган миқдорда алмаштириши мумкин.

У йўқотиб қўйилганда ПИН-код қайта тикланмайди, бундай ҳолларда Банк Офисига мурожаат қилиш лозим. Бунда ҳолатда Карточка қайта чиқарилади.

3.3. Карточканинг ишлашини таъминлаш учун Сақловчи мазкур Тартибнинг иловасида баён этилган Карточкани сақлаш ва ундан фойдаланиш шартларига риоя қилиши ҳамда қуйидагиларга йўл қўймаслиги керак:

- магнит майдонларининг Карточкага таъсир кўрсатишига.Қуйидагилар магнит майдонларининг манбааси бўлиши мумкин: металл нарсалар (тангалар, магнитли ёпқичлар, линейкалар ва бошқ.); уяли алоқа телефонларининг баъзи моделлари; видео-аудио қурилмалар; қўлда фойдаланиладиган металлодетектор ва бошқ.

- Карточканинг механик шикастланишига;

-Карточканинг ифлосланишига;

- юқори ҳароратнинг, шунингдек, карточканинг пластик қатламини ва/ёки чипини бузадиган тажовузкор муҳитнинг Карточкага таъсир кўрсатишига.

3.4. Сақловчи Карточкадан унинг амал қилиш муддати тугагунча фойдаланиши мумкин.Карточканинг амал қилиш муддати унинг юза қисмида кўрсатилган ва ойнинг иккита рақами ҳамда йилнинг охирги иккита рақамлари билан белгиланган. Карточка унда кўрсатилган ойнинг ва йилнинг охирги кунигача амал қилади.

3.5. Карточканинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг у янги муддатга қайта чиқарилиши (амал қилиш муддати ўтган Карточка ўрнига чиқрилиши) мумкин. Карточкани/Қўшимча карточкани қайта чиқариш учун Мижоз, агар, банк маҳсулотини тақдим қилиш тўғрисидаги Шартномада бошқа ҳол назарда тутилмаган юўлса, Карточка амал қилиш муддатининг охирги ойи мобайнида ёки унинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг Карточкани қайта чиқариш учун Ариза (Ушбу Тартибнинг 4-иловаси) билан мурожаат қилиши керак.

3.6. Карточка Тўлов тизими карточкаларини қабул қилиш тўғрисида реклама кўрсаткичларига эга савдо (хизмат кўрсатиш) Корхоналарида Операция ўтказиш учун мўлажалланган.Карточкадан бирор-бир ноқонуний мақсадларда, шу жумладан, амалдаги қонунчилик билан таъқиқланган товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун фойдаланиш мумкин эмас.

3.7. ПИН-код 3 (уч) маротаба нотўғри терилган тақдирда Карточка автматик равишда блокланади. Карточкани блоклашдан очиш учун Сақловчи Банк Офисига мурожаат қилишиёки техник имкониятлардан келиб чиқиб, Мобил банк ёхуд Интернет банк хизмати орқали блоклашдан мустақил очишилозим.

Операция Банкомат орқали амалга оширилганида ПИН-кдни 3 марта кетма-кет нотўғри териг оқибатида Карточка блокланган бўлса, Мижоз Карточкани олиб қўйган Банкомат тегишли бўлган банк/филиалдан Карточкани олгандан сўнг уни блоқлашдан

очиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда Карточка Мижозларни қўллаб-кувватлаш Хизмати орқали блоклашдан очилади ёки техник имкониятлардан келиб чиқиб, Мобил банк ёхуд Интернет банк хизмати орқали блоклашдан мустақил очилиши мумкин.

3.8. Банкоматдаги Операция тугаганидан кейин дарҳол Карточка ва пулни (нақд пул маблағини олиш бўйича Операция тугаганидан сўнг) олиш керак, акс ҳолда, Банкомат Карточка ва пулни(нақд пул маблағини олиш бўйича Операция тугаганидан сўнг) олиб қўяди. Банкомат Карточкани ушлаб турса, Сақловчи ушбу банкоматга хизмат кўрсатувчи Банкка мурожаат қилиши керак.(алоқа телефони Банкоматнинг экранида ёки Банкоматдаги ахборот материалларида кўрсатилган бўлади).

3.9. Харид амалга оширилганида ёки банк кассасидан нақд пул олинганда Сақловчи ПИН-кодни киритиши ва Карточка бўйича Операциянинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи чекни имзолаши керак. ПИН-кодни киритишда ёки чекни имзолаш чоғида Сақловчи кўрсатилган сумманинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши ва Операция суммаси кўрсатилмаган чекка имзо қўймаслиги керак. Сақловчининг имзоси билан тасдиқланган ёки ПИН-код терилган Операция, Операция суммасини тўлаб бериш мажбурияти ҳисобланади. Хариддан/хизматдан воз кечилганида Операциянинг бекор қилинганлигига ишонч ҳосил қилиш керак, чунки, Операция ўтказилганидаКарта ҳисобварағида Операция суммаси блокланади. Агар Операция бекор қилинмаган бўлса, кейинги барча Операциялар 35 (ўттиз беш) кун давомида блокланган суммани айирган ҳолда Карта ҳисобварағидаги маблағлар чегарасидаамалга оширилади.

3.10.Карточка бўйича Операция амалга оширилганида савдо (хизмат кўрсатиш) Корхонасининг ходими,агар, тўлов тизими Қоидалари ва жойлашган мамлакат қонунчилиги билан бошқа ҳол белгиланган бўлмаса, Сақловчидан ёки Карточканинг бошқа фойдаланувчисидан шахсни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишни сўраш ҳуқуқига эга.Банк кассасидан нақд пул олиш фақатгина шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширилади, амалдаги қонунчилик ва/ёки тўлов тизими Қоидалари билан назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

3.11. Хариддан/хизматдан воз кечилганида товар/хизматнинг қиймати ўнатилган тартибда Мижознинг Карточкасига қайтариб берилади.Сақловчи Карточка бўйича сотиб олинган ҳамда сотувчига қайтарилган товар қийматини нақд пулда қоплаб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

3.12. Интренет орқали 3D Secure технологиясини қўллаб Операция амалга ошириш учун Операция мобил телефон рақамигаSMS-хабар ичида юбориладиган махсус бир марталик код (верификация коди) билан тасдиқланиши керак. Банк Карточка сақловчисига Интернет орқали Операцияни амалга оширишни рад қилиш ҳуқуқига эга.

3.13. Мижоз Карточка бўйича Операциялар билан боғлиқ барча ҳужжатларни Операция амалга оширган вақтдан бошлаб 60 (олтмиш) календар кун мобайнида сақлаши ва ушбу ҳужжатларни Банкнинг талаби билан унга тақдим қилиши шарт.Мижоз Карта ҳисобварағидан ўчирилган пул маблағларининг миқдорига рози бўлмаганда, бу ҳақида Банк Офисига ёзма ариза билан мурожаат қилиб хабар бериши керак., бунда чекларнинг нусхаси амалга оширилган тўловларнинг исботи бўлади.

3.14.Мижоз томонидан Карточка ёрдамида амалга оширилган Трансакциялар суммаси Мижознинг Карта ҳисобварағидан ўчирилади ва Карта ҳисобварағи бўйича кўчирмаларда акс этади.Карточкадан фойдаланилганида ҳар бир Трансакциянинг суммаси Карточка валютасида акс этади.

3.15. Карточка бўйича амалга оширилган Операция суммасининг тўғри ҳисобдан чиқарилганлигини назорат қилиш учун Мижоз Банк Офисига келганида, МБХ воситасида Карта ҳисобварағи/Карточка бўйича кўчирмаларни олиши керак.Кўчирмада кўрсатилган Операциялар (суммалар) ва ҳақиқатда ўтказилган (тўлов амалга оширилган) Операциялар ўртасида тафовут аниқланганида, аниқланган тафовутларнинг моҳияти ҳақида Мижоз Банкни ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда хабардор қилиши керак.

3.16. Карточкадан фойдаланган ҳолда Операция Банк ва/ёки Мижоз томонидан ўрнатилган чегара доирасида амалга оширилади. Карточкадан фойдаланган ҳолда

Операция бажариш Авторизация ўтказиб ҳам Тўлов тизимлари Қоидалари ва/ёки амалдаги Қонунчиликда белгиланган ҳолларда Авторизация ўтказмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

3.17. Банк томонидан Авторизация ўтказишга сўров қабул қилинганидаБанк фойдаланиш мумкин бўлган пул маблағларининг бир қисминиКарточка Сақловчиси томонидан Карточка ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб Операцияларни амалга оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (шу жумладан электрон) Банкка келгунига қадар ёки Авторизация бекор қилингунига қадар Операцияга тўлов қилиш учун зарур бўлган маблағ миқдорида блоқлайди.Мижоз фойдаланиш мумкин бўлган пул маблағларининг Банк томонидан блокланган қисмидан ушбу Операциялар суммаси Карта ҳисобварағидан ечиб олинмагунча ёки бундай Операцияларнинг Авторизацияси бекор қилинмагунича фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Авторизация қилишга сўров бекор қилинганида Банк фойдаланиш мумкин бўлган пул маблағларини тегишли суммага тиклайди.Карточка ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган Операция бўйича Авторизация Операция суммасини Карта ҳисобварағидан ечиб олиш учун асос ҳисобланади.

3.18. Карточка бўйича Операция ўтказилаётганида Карточкадан фойдаланиб Операция ўтказишда киртилган ПИН-коднинг тегишли Карточкага бириктирилган ПИН-кода мослиги, Операция 3D Secure технологиясидан фойдаланиб ўтказилган бўлса, тўғри верификация кодини киритиш, Текширув кодидан, Сақловчининг имзосидан, Карточканинг тўғри реквизитларидан фойдаланиш Банк учун Операция шахсан Карточка Сақловчиси томонидан амалга оширилаётганлигининг сўссиз тасдиғи бўлиб,Карта ҳисобварағидан Операция суммасини ечиб олиш орқали ушбу Операцияни Авторизациядан ўтказиш (Авторизация жараёни Тўлов тизими қоидалари билан назарда тутилган бўлса) учун асос ҳисобланади, ушбу ҳолатда бундай Операция ўтказилаётганлиги учун Мижоз жавобгар бўлади.

3.19. Фойдаланиш мумкин бўлган пул маблағлари Авторизация қилинмаган операциялар, Шартнома ва Тўлов тизими қоидалари билан назарда тутилган воситачилик ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун етарли бўлмаса, шунингдек, валюта курсидаги тафовут натижасида тасдиқланмаган офердрафт келиб чиқиши мумкин. Бунда тасдиқланмаган офердрафт келиб чиққанлиги учун Банк жавобгар бўлмайди.

3.20. Карточка реквизитларидан (Карточка рақами, унинг амал қилиш муддати, CVC2/CVV2коди, Карточканинг магнит чизиғида ва микропроцессорида (чипида) жойлаштирилган маълумотлар (агар у бўлса), улардан фойдаланганда Карточка бўйича Операцияларни бажаришга имкон берувчи бошқа маълумотлар) фойдаланган ҳолда ўтказилган Операциялар Карточкалардан фойдаланиб амалга оширилган Операциялар деб ҳисобланади.Карточкадан фойдаланиб амалга оширилган Операцияларга тааллуқли бўлган Шартномаларнинг барча қоидалари, шу жумладан Банк Тарифлари Карточка реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган Операцияларга нисбатан ҳам қўлланилади.

3.21. Карточкадан ва/ёки МБХдан рухсатсиз фойдаланиш натижасида Карта ҳисобварағидан пул маблағларини йўқолиб қолишининг олдини олиш мақсадида Мижоз мумкин бўлган барча чораларни кўриши керак, хусусан:

- Карточка/карта ҳисобварағи бўйича барча ҳаракатлар тўғрисида SMS-хабар воситасида тезкор маълумот олиш мақсадида Ариза тўлдириб, «SMS-ахборот» хизматига уланиш;
- ПИН-код ва/ ёки Карточкани бошқа шахсларга бермаслик, Карточкадан фақат унинг Сақловчиси фойдаланиш ҳуқуқига эга (агар бу Тўлов тизими Қоидалари билан назарда тутилган бўлса);
- ПИН-кодни Карточкага ёзиб қўймаслик;
- ПИН-кодни Карточка билан бир жойда сақламаслик ва буни бошқа шахсларга айтмаслик;
- Карточкани автомашинада ёки иш жойида қолдирмаслик;

- Карточка маълумотларини (карточканинг тўлиқ рақамини, амал қилиш муддатини) телефон орқали айтмаслик, Карточкага хизмат кўрсатиш бўйича Банкка мурожаат қилиш ҳоллари бундан мустасно;

- МБХда ва 3D Secure технологияларидан фойдаланиб Интернетда Операция ўткашда Аутентификация қилиш учун фойдаланиладиган кириш воситаларини, верификация кодларини бошқа шахсларга айтмаслик;

- Карточка ва унинг реквизитларидан бошқа шахслар фойдалана олмаслигини таъминлаш, Карточкани ўзида ёки бошқалар билмайдиган жойда сақлаш;

- Карточканинг сақлаш жойида мавжудлигини мунтазам текшириш, айниқса, узоқ муддат бўлмасликдан (меҳнат таътили, хизмат сафари) сўнг;

- товарлар (хизматлар) учун тўлов қилганда бир вақтни ўзида нечта Карточкани кўрсатмаслик;

- электрон почта орқали юборилган хабарларга, шахсий ва Карточка ҳақидаги маълумотлар сўралган SMS-хабарларга жавоб бермаслик.Кодли маълумотни, паспорт рақамини, Карточка рақамини ва унинг ПИН-кодини, Карточка бўйича охирги Операциялар ҳақидаги маълумотларни ёки бошқа махфий маълумотларни сўраётган ҳар қандай компания ёки шахсларга шубҳали муносабатда бўлиш;

- шахсий махфий ёки молиявий маълумотларни ахборот тизимлари оқрали юбормаслик;

- Интернет тармоғи орқали Операция ўтказишда фойдаланиладиган компьютер/уяли телефон/бошқа қурилмани тармоқ ҳужумларидан, зарар етказадиган дастурларни ўрнатишдан ва шахсий маълумотларни ўғирлашдан ҳимоя қилувчи дастурий таъминот ўрнатиш ва уни мунтазам янгилаш;

3.22. Тарафлар Банк Мижозни Карточка ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган Операция ҳақида тегишли билдишномани Интернет банк, Мобил банкнинг Шахсий кабинетида жойлаштириш, шунингдек, SMS-ахборот хизмати орқали хабардор қилиши тўғрисида келишдилар.

3.23. Карточка ёки унинг реквизитларидан ва/ёки МБХдан фойдаланиб амалга оширилган Операция ҳақидаги Банк билдиришномасини, Карточка ва Карта ҳисобварағи бўйича кўчирмани олиш учун Мижоз ҳар куни Интернет банк/Мобил банкка мурожаат қилиши керак.Кўчирмада кўрсатилган Операциялар (суммалар) билан амалда бажарилган (тўлов қилинган) Операциялар ўртасида тафовутлар аниқланганида Мижоз мазкур Қоидаларнинг шартларига мувофиқ бу ҳақида дарҳол Банкка билдириши керак.

3.24. Банк Мижозни, агар, SMS-ахборот хизмати уланган бўлса, у орқали Карточка ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган Операция ҳақида қўшимча равишда хабардор қилади.

3.25. Мазкур Шартномага асосан очиган Карта ҳисобварағига Банк томонидан пул маблағлаги хато кирим қилинганида, Мижоз Банкка қўшимча топшириқларсиз Карта ҳисобварағидан хато кирим қилинган пул маблағлари миқдоридаги пулларни ечиб олиш олиш ҳуқуқини беради ва розилигини билдиради (олдиндан берилган акцепт). Ушбу ҳолатларда Карточка ҳисоварағидан пул маблағларини қисман ечиб олишга йўл қўйилмайди.

3.26. Мижоз Карта ҳисобварағидаги пул маблағларини амалдаги қонунчилик, Қоидалар, мазкур Тартиб, Банк Тарифлари ва Банкниг ички ҳужжатлари ҳамда жараёнларига асосан Операция амалга ошириш орқали тасарруф қилади.Слип (чек)/ электрон чек ёки амалдаги қонунчилик талабларига жавоб берадиган бошқа ҳужжат ва/ёки Карта ҳисобварағи бўйича Операциялар ҳақида кўчирма Операция амалга оширилганлигининг тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

3.27. Карточка ёки унинг реквизитларидан фойдаланиш Амалдаги қонунчилик, Қоидалар, мазкур Тартиб ҳамда Карточка мансуб бўлган Тўлов тизими Қоидалари билан тартибга солинади.

3.28. Банк Банк Тарифларига асосан Банкка тўланиши лозим бўлган воситачилик ҳақини тўлаш учун етарли пул маблағлари олдиндан Карточкага жойлаштирилган бўлса

Шартномага мувофиқ хизматларни кўрсатади.Бунда Карта ҳисобварағи очиш ва Карточка чиқариш Банк Тарифларида кўрсатилган миқдордаги воситачилик ҳақи тўлангандан кейин амалга оширилади.

3.29. Карточка бўйича Карта ҳисобварағи валютасидан фарқ қилувчи валютада Операция ўтказилган тақдирда, пул маблағларини конвертация қилиш Карточка бўйича операция амалга оширилган кундаги ва Карта ҳисобварағидан/га маблағларни ўчириш/ кирим қилиш санасидаги Тўлов тизими курси ёки Банк курси бўйича амалга оширилади. Бунда операция ўтказилган сана билан пул маблағлариниКарта ҳисобварағидан/га ўчириш/ кирим қилиш санаси билан тўғри келмаслиги мумкин.Карточка бўйича операция бажарилган санада амалда бўлган Тўлов тизими/Банк курси пул маблағлариниКарта ҳисобварағидан/га ўчириш/ кирим қилиш санасида амалда бўлган Тўлов тизими/Банк курсидан фарқ қилиши мумкин.

Шунинг учун, Карточка бўйича операция бажарилган санада Карточкада блокланган пул маблағлари миқдори Карта ҳисобварағидан ўчирилган пул маблағлари миқдоридан фарқ килиши мумкин, тўлов қилиш учун Карта ҳисобварағидан ўчирилган маблағ миқдори товар қайтарилганда/хизмат рад этилганида Карта ҳисобварағига қайтариб бериладиган маблағ миқдоридан фарқ қилиши мумкин.Бунинг оқибатида келиб чиққан валюта курсидаги фарқ Мижоз томонидан билдириладиган этътироз предмети бўла олмайди.

3.30. Мижоз ўзининг Банк олдидаги мажбуриятларини бажариш мақсадида амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида қўшимча топшириқларсиз Банкка ушбу Шартнома доирасида очилган Карта ҳисобварағидан Карточка ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган Операциялар суммасини ва Банк Тарифларида ўрнатилган воситачилик ҳақини, шунингдек, Мижознинг Банк олдидаги бошқа шартномалар бўйича қарздорлигини қўшган ҳолда ушбу Шартномага асосан Мижознинг Банк олдида мавжуд қарздорлиги миқдоридаги пул маблағларини ечиб олиш ҳуқуқини беради ҳамда розилигини билдиради (олдиндан берилган акцепт), бунда Банкнинг Карта ҳисобварағидан пул маблағларини ечиб олиш ҳақидаги талабини қисман ижро қилишга йўл қўйилади.

Карта ҳисобварағидан пул маблағлари Мижоз мажбуриятлари валютасидан фарқ қиладиган валютада ечиб олинганда, Мижоз Банкдан мажбуриятлар бажарилган санадаги Тўлов тизими/Банк курсида конвертация (конверсия) амалга оширишни сўрайди.

3.31. Мижоз Банкка Карточкани топширганидан кейин 30 (ўттиз) банк куни ичида ёзма Аризага (Ушбу Тартибнинг 5-Иловаси) асосан пул маблағлари қолдиғини Карта ҳисобварағидан ўзининг Банкдаги талаб қилиб олингунча омонат ҳисобварағига қайтариши ёки Карта ҳисобварағи ва Суғурта депозитидаги пул маблағлари қолдиғини Банк кассаси орқали нақд пул шаклида қайтариб олиши мумкин.

3.32. Карта ҳисобварағи нақд пул маблағларини кирим қилиш йўли билан ёки амалдаги қонунчиликка асосан нақд пулсиз шаклда тўлдирилиши мумкин.

3.33. Мижоз Карта ҳисобварағини тўлдириш мақсадида хорижий валюта (АҚШ доллари) сотиб олиш ёки Карта ҳисобварағида мавжуд учун хорижий валютани (АҚШ доллари) сотиш учун МБХ орқали ёки Банк Офисида сотиб олмоқчи/сотмоқи бўлган хорижий валюта миқдорини, шунингдек, хорижий валюта/миллий валюта кирим қилинадиган Карточка/ПКнинг реквизитларини,шунингдек, хорижий валюта/миллий валюта ечиб олинадиган Карточка/ПКнинг реквизитларини кўрсатган ҳолда Банк тасдиқлаган шаклда тўлдирилган Буютрманома (Ушбу Тартибнинг 6,7-Иловалари) беради.

Хорижий валютани сотиб олиш/сотиш бўйича Операциялар Банк Тарифларига асосан ва Банкнинг Интернет тармоғидаги сайтида, Банк офисларида, шунингдек, МБХда жойлаштирилган Мижоз томонидан бевосита Операция бажариш вақтида амалда бўлган сотиб олиш/сотиш курси бўйича амалга оширилади.

Хорижий валютани сотиб олиш/сотиш бўйича Операцияни амалга оширишда Мижоз амалдаги Банк курси ва Банк тарифлари билан танишган деб ҳисобланади.

## 4. МИЖОЗНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. ***Мижознинг мажбуриятлари:***

4.1.1. Карточка чиқариш учун банк воситачилик ҳақини Ариза берилган куни ва Карта ҳисобварағи очиш ҳамда Карточкани чиқаришдан олдин Банк Тарифларига асосан тўлаб бериш.

4.1.2. Карточкани олаётган вақтида унинг орқа томонидаги махсус чизиқда шарикли ручка билан имзо қўйиш. Имзолар намунаси Карточкадан фойдаланиб операция ўтказишда Мижозни идентификация қилиш учун хизмат қилади.

4.1.3. Карточкадан Шартномага асосан фойдаланиш мумкин бўлган пул маблағлари чегарасида, Карточканинг юзида кўрсатилган амал қилиш муддати мобайнида фойдаланиш.

4.1.4. Операция бажарилган пайтда амалда бўлган Банк тарифларига асосан Банк хизматларига ҳақ тўлаш.

4.1.5. Карточкадан товар ва хизматларга тўлов қилиш жойининг амалдаги қонунчилиги билан сотиш таъқиқланган товар ва хизматлар учун тўлов қилишда фойдаланмаслик. Бунда Карточкадан ноқонуний фойдаланганлик учун тўлиқ жавобгарлик Карточка Сақловчисининг зиммасида бўлади.

4.1.6. Қўшимча Карточкаларни ҳам хисобга олган ҳолда Карточкадан фойдаланиб нотўғри бажарилган ваҚоидалар, Тўлов тизими қоидалари ёки ушбу Шартномани бузган ҳолда ҳамда лозим даражада бажармасдан амалга оширилган барча Операциялар бўйича жавобгар бўлиш.

4.1.7. Карта ҳисобварағига бошқа шахс учун қўшимча Карточка чиқарилганида қўшимча Карточка Сақловчиларининг қўшимча Карточкалардан фойдаланиб амалга оширилган барча ҳаракатлар учун жавобгар бўлиш.

4.1.8. Мижоз Карточкани янги муддатга қайта чиқаришни рад қилганида, Карточканинг амал қилиш муддати тугаган куннинг кейинги кунидан кечиктирмасдан Банкка МБХ орқали ёки Бан Офисига Шартномани бекор қилиш тўғрисида Ариза бериш, шунингдек, кейинги кундан кечиктирмасдан Банкка Карточкани қайтариш.

4.1.9. Яшаш жойи, паспорт маълумотлари ёки телефон рақамларининг ўзгарганлиги ҳақида бундан ўзгаришлар содир бўлган кундан бошлаб 5 банк куни ичида Банкка маълум қилиш.

4.1.10. Карточкани сақлашда эҳтиёткор бўлиш, шунингдек, ПИН-кодни сир сақлаш ва учинчи шахларга ошкор қилмаслик.

4.1.11. Номига Карточка чиқарилган Вакилидан, шунингдек, Банк ваколатли ходимларидан ташқари, Карточкани учинчи шахсларга бермаслик;

4.1.12. “Капиталбанк” АТБ Мижозларини қўллаб-қувватлаш хизматининг Карточканинг орқа томонидан кўрсатилган телефон рақамига телефон қилиш орқалиКарточканинг йўқолганлиги ҳақида Банкка дарҳол хабар бериш ва/ёки бу ҳақида (998 71) 232-26-07 факс рақамига ёки cards@kapitalbank.uzE-mail манзилига Карточка рақамингизни, Сақловчининг туғилган санасини, Карточка турини, алоқа телефони ва мурожаанинг сабабини кўрсатган ҳолда хабар юбориш ва Карточканинг йўқолганлиги тўғрисида ариза бериш учун 24 соат мобайнида Банк Офисига келиш.

4.1.13. Ўзининг Карточкаси бўйича операция амалга оширганда Тўлов тизими қоидаларига амал қилиш.

4.1.14.Карточкани Авторизация жараёнисиз тўлов учун қабул қилиш ҳуқуқига эга савдо (хизмат кўрсатиш) корхонасида фойдаланиш натижасида пайдо бўлган Тасдиқланмаган овердрафт миқдоридаги қарздорликни 30 кун мобайнида тўлаш.

4.1.15. Банкнинг биринчи талаби билан Банкка Карточка(лар)ни, Қўшимча карточка(лар)ни тақдим қилиш.

4.1.16. Банк Тарифларига, Шартнома доирасида фойдаланиладиган йўриқнома ва бошқа хужжатларга киритилган ўзгартиришлар ҳақида янги маълумотларни олиш мақсадида Банкнинг Интернет тармоғидаги сайтларини мунтазам равишда кузатиб бориш.

4.2. ***Мижознинг ҳуқуқлари:***

4.2.1. Карта ҳисобварағидаги пул маблағларининг қолдиғи ва Банк томонидан ўрнатилган Харажатлар чегарасида Карточка бўйича Операциялар амалга ошириш.

4.2.2. Карта ҳисобварағидаги қолдиқни Банк кассасига нақд пул топшириш орқали, шунингдек, амалдаги қонунчиликка асосан нақд пулсиз шаклда тўлдириш.

4.2.3. Банк Тарифларига асосан ва Банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда Карта ҳисобварағи бўйича ўз номига/учинчи шахс номига Қўшимча Карточка расмийлаштириш, шу орқали учинчи шахсларга Карта ҳисобварағидаги маблағлардан ўз хохишига асосан фойдаланишга ҳуқуқ бериш.

4.2.4. Ҳақиқийлигига шубҳа бўлган ва ўзи амалга оширмаган Трансакцияларга нисбатан Банкка эътироз йўллаш, Мижоз томонидан товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун Интернет орқали амалга оширилган Трансакциялар бундан мустасно.

Эътироз Банкка Мижоз шубҳаларининг сабабини кўрсатган ҳолда ва уларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қоғоз нусхасини илова қилиб юборилади.

4.2.5. Банк Офисига ШТҲни шахсан кўрсатган ҳолда мурожаат қилиб, Карта ҳисобварағи бўйича кўчирма олиш.

4.2.6. Банкка Карта ҳисобварағи ва Карточкани, Қўшимча Карточкани ёпиш тўғрисида Ариза (Ушбу Тартибнинг 5-иловаси) билан мурожаат қилиш.Маблағларни қайтариш ушбу Тартиб ва Тўлов тизими Қоидалрига асосан амалга оширилади.

4.2.7. Шартнома доирасида чиқарилган Қўшимча карточкаларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш.

4.2.8. Интернет тўловларни ўтказишда ишлатиладиган CVV2 кодни ўчириш ҳақида Ариза бериш.

4.2.9. Амалдаги қонунчилик билан назарда тутилган бошқа хизматларни/операцияларни олиш/амалга ошириш

## 5. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. ***Банкнинг мажбуриятлари:***

5.1.1. Мижоз Аризаси акцептланганда Мижозга Карта ҳисобварағи очиш, амалдаги Қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкинингбанк карточкаларидан фойдаланиб операция ўтказишни тартибга солувчи норматив ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатлари, Комплекс банк хизмати кўрсатиш Шартномаси ва мазкур Тартибга асосан унга хизмат кўрсатиш.

5.1.2. Мижознинг ёзма сўровига асосан унинг Карта ҳисобварағи бўйича кўчирма бериш.

5.1.3. Мижознинг Карта ҳисобварағини Мижознинг савдо (хизмат кўрсатиш) корхоналарида, Банкоматларда, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш Терминалларида, Банк Офисида Карточкадан фойдаланиб амалга оширган Трансакциялар суммасига, шунингдек, Карточканинг реквизитларидан фойдаланиб, Интернет орқали (Карточкасиз) амалга оширган Трансакциялар суммасига дебетлаш.

5.1.4. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ижобий Қарор қабул қилинганида Карточкани етказиб бериш муддатини ҳисобламаганда Ариза берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк иш кунида Мижозга Карточка чиқариш/қайта чиқариш.

5.1.5. Мижоздан Карточка йўқолганлиги ва Қоидаларнинг талабига асосан ундан ноқонуний фодаланганлик тўғрисида хабарнома олинганида дарҳол Карточкани блоклаш.

5.1.6. Тегишли Аризага асосан Мижозга «SMS-ахборот» хизматини кўрсатиш.

5.2. ***Банкнинг ҳуқуқлари:***

5.2.1.Мижоз томонидан ушбу Тартиб ва/ёки Қоидаларнинг шартлари бажарилмаганлиги сабабли, шунингдек, амалдаги қонунчилик талабларининг ҳамда Шартнома ёки КБХШ доирасида Мижоз ва Банк ўртасида тузилган бошқа Шартнома

бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Карточка (лар)нинг, Қўшимча Карточкаларнинг ҳам амал қилишини тўхтатиб туриш.

5.2.2. Фирибгарлик таҳдиди ёки Банк ва Мижоз манфаатлари учун бошқа хавф келиб чиққанда, шунингдек, амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳолларда Карта ҳисобварағи ва/ёки Карточка бўйича Операциялар ўтказишни бир томонлама блоклаш ёки чеклаш.

5.2.3. Карточка чиқарилган/қайта чиқарилган санадан бошлаб 1 (бир) йил мобайнида Мижоз томонидан олинмаган Карточкани воситачилик ҳақини қайтармасдан амал қилиш муддатини тўхтатиш (Карта ҳисобварағини ёпиш билан).Банкнинг Карта ҳисобварағини ва Карточкани ёпишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириши мақсадда Мижоз ушбу банд Мижознинг Карта ҳисобварағини ва Карточкани ёпиш учун берилган Аризаси эканлигини тасдиқлайди.

5.2.4. Аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш ва ушбу маълумотлар нотўғри бўлса, Мижозга сабабини тушунтирмасдан Карточка чиқариш ва Карта ҳисобварағи очишни рад қилиш.

5.2.5. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши куришиш мақсадида Мижоздан уни идентификация қилишга имкон берувчи ва Карта ҳисобварағи бўйича амалга ошириладиган Операцияларнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш.

5.2.6. Мижознинг Банк олдидаги қуйидаги Битимлардан келиб чиқувчи мажбуриятларини бажариши мақсадида Карта ҳисобварағидан, шу жумладан Суғурта депозити ҳисобидан Мижознинг қўшимча топшириғисиз (олдиндан берилган акцепт) акцептсиз тартибда пул маблағларини ўчириш:

- Банк Тарифларида ўрнатилган воситачилик ҳақини қўшиб ҳисоблаганда мазкур Тартибга асосан тузилган шартномалар;
- асосий қарз, фоиз ва кредит шартномаларида назарда тутилган бошқа тўловларни қўшиб ҳисоблаганда Банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартномалари;
- Мижоз кафил сифатида қатнашадиган Банк билан тузилган кафиллик шартномалари;
- Банк ва Мижоз ўртасида тузилган бошқа шартномалар.

5.2.7. Мижоз томонидан Шартнома шартлари бузилганда ва Карточкадан фойдаланиш натижасида Банк асоссиз молиявий хавф остига қўйилганида Банк томонидан тасдиқланган жарима санкцияларини қўллаш ҳамда Карточканинг амал қилишини тўхтатиб туриш.

5.2.8. Карта ҳисобварағида етарли маблағлар бўлмаганда савдо (хизмат кўрсатиш) Корхонасига Авторизация жараёнини ўтказишни рад қилиш.

5.2.9. Мижозга Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ хизматлар кўрсатилганида Банк Тарифларида бўлмаган, бироқ, Тўлов тизимида назарда тутилган , Банк томонидан амалга оширилган воситачилик ҳақи харажатларини Мижознинг ҳисобварағидан ундириш;

5.2.10. Қоидаларда назарда тутилган тартибда Шартномага ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритишни таклиф қилиш.

5.2.11. Операцияларни амалга оширганлик учун Бан Тарифлари бўйича воситачилик ҳақини ушлаб қолиш.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Банк ўзининг назоратидан ташқарида бўлган форс-мажор ҳолатлари учун ҳамда ташқи ҳисоб-китоб тизимларидаги, Тўлов тизимларидаги, маълумотларни қайта ишлаш ва юборишдаги носозликлар учун, шунингдек, Карточка учинчи шахс томонидан тўлов учун қабул қилинмаганида жавобгар бўлмайди.

6.2. Банк Карточкадан фойдаланиб амалга оширилган Операциялар учун бошқа кредит ташкилотлари, молия муассасалари, Тўлов тизимлари ва ҳисоб-китобларнинг бошқа

иштирокчилари томонидан ундириладиган воситачилик ҳақи ва қўшимча тўловлар учун жавобгар бўлмайди.

6.3. Нақд пул маблағлари олиш учун чегара белгилашда хорижий мамлакатнинг қайсидир даражада Мижознинг манфаатларига таъсир қилувчи валюта чеклови бўлса, бу учун банк жавобгар бўлмайди.

6.4. Банк Мижоз уни Карточка бўйича Операцияларни амалга оширишни тўхтатиб туриш (блоклаш) ва Карточканинг йўқолганлиги тўғрисида хабардор қилгунига қадар Карточка бўйича, шу жумладан, Карточка реквизитларидан фойдаланиб амалга оширилган Операциялар учун жавобгар бўлмайди.Банк Тўлов тизими талабларига асосан Карточкадан ёки унинг реквизитларидан фойдаланиб бажарилган тўловларни амалга оширишга мажбур ва Мижознинг Карта ҳисобварағини Мижоз томонидан Карточка бўйича Операцияларни амалга оширишни тўхтатиб туриш (блоклаш) ва Карточканинг йўқолганлиги тўғрисида ариза берилгунга қадар амалга оширилган Операция миқдорига тенг суммани дебетлаш ҳуқуқига эга

6.5. ***Банк қуйидагилар учун жавоб бермайди:***

- Трансакциялар Карточка реквизитларини кўрсатган ҳолда Интернет орқали ўтказилган бўлса, Мижознинг молиявий йўқотишлари учун;
- Банкнинг назоратидан ташқарида бўлган ҳолатлар сабабли ўз мажбуриятларини бажара олмаса;

6.6. ***Мижоз қуйидагилар учун жавоб беради:***

- Шартнома шартларини бузганлик учун;
- Карточканинг бутлиги ва сақланиши учун, нақд пул маблағлари учун ҳам, шунингдек, Мижоз ва Карточкадаги шахсий маълумотлардан ҳамда Карточканинг магнит чизиғига киритилган маълумотлардан хабардор бўлган учинчи шахслар томонидан Карточка ёрдамида амалга оширилган Трансакциялар учун;
- ПИН-код ва Карточка реквизитларини бошқа шахсларга берганлиги учун;
- ПИН-код учинчи шахсларга ошкор бўлганлиги ҳақида Банк ёзма равишда хабардор қилингунга қадар бажарилган ҳар қандай трансакциялар учун. Бундай хабарномадан 24 (йигирма тўрт) соат ўтганидан кейинКарточкани тақдим қилинган ёзма аризадан кечикмасдан қайта кодлаш учун Банкка топшириш шарти билан бирор-бир шахснинг Карточкадан фирибгарлик йўлида фойдаланганлиги учун Мижознинг жавобгарлиги бекор бўлади
- Карточка Мижоз томонидан йўқотилган ҳолларда Банк хабардор қилингунга қадар Карточкадан фойдаланиб ўтказилган барча Трансакциялар бўйича;
- Карточка реквизитларидан фойдаланиб Интернет орқали ўтказилган барча Трансакциялар учун;
- Банкка тақдим қилинадиган барча маълумотларнинг тўғрилиги учун.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур Тартибга асосан Шартнома тузилган санадан кучга киради ва муддатсиз ҳисобланади.

7.2. Шартнома Мижознинг Аризасига кўра муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Бунда Ариза шартномани бекор қилиш режалаштирилаётган санадан камида 45 (қирқ беш) календар кун олдин берилиши керак.Мижоз Шартнома бўйича чиқарилган, амал қилиб турган барча Карточкаларни Ариза берилган кунда қайтариб бериши шарт.Қарта ҳисобварағидан Пул маблағлари қолдиғини қайтариш амалдаги қонунчилик талабларига, Тўлов тизими ва мазкур Тартиб қоидаларига асосан амалга оширилади.

7.3. Шартнома фақатгина қуйидаги шартлар асосида бекор қилишини мумкин:

- Мазкур Тартибга асосан барча Карточкалар Банкка қайтариб берилган бўлиши шарти билан Мижознинг ёзма аризасига асосан;
- Мижоз Шартнома бўйича барча мажбуриятларни бажарганда;
- Мижознинг Банк олдида қарздорлиги бўлмаса.

7.4. Карточка чиқарилган/қайта чиқарилган санадан бошлаб 1 (бир) йил мобайнида Мижоз томонидан олинмаган бўлса ва Шартнома доирасида чиқарилган бошқа амал қилиб турган Карточкалар мавжуд эмаслиги шарти билан Шартноманинг амал қилиш муддати тугаган (бекор қилинган) ҳисобланади. Мижоз ушбу банд Мижознинг Карта ҳисобварағини ва Карточкани ёпиш учун берилган Аризаси эканлигини тасдиқлайди.

7.5. Шартнома бекор қилинганда, Шартнома бекор қилингунга қадар Мижоз томонидан Банк Тарифларига асосан тўланган Карточка ва у бўйича операциялар билан боғлиқ барча воситачилик ҳақлари Мижозга қайтариб берилмайди.

7.6. Шартномани тугатиш (бекор қилиш) Тарафларнинг Шартнома бўйича мажбуриятларининг тугатилишига олиб келади ҳамда Карта ҳисобварағини ёпиш учун асос ҳисобланади.

## 8. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1. Шартномадан келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликлар Қоидаларда назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

8.2. Мазкур Тартибнинг шартлари билан белгиланмаган қолган барча ҳолатлар бўйича Тарафлар амалдаги қонунчилик, Қоидалар ва Банк Тарифларига амал қиладилар.

8.3. Шартномага киритиладиган барча ўзгариш ва қўшимчалар, агар улар Қоидаларнинг талабларига асосан амалга оширилган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

## 9. МАЗКУР ТАРТИБНИНГ ИЛОВАЛАРИ

9.1. Қуйидаги иловалар мазкур Тартибнинг ажралмас қисми ҳисобланади *(мурожаатлар қилиш шакли ва шартларига қараб аризалар ва буюртманомаларнинг шакли иловадагилардан фарқ қилиши мумкин):*

***1-Илова –***“VISAпластик карточкасидан фойдаланиш қоидалари”.

***2-Илова* – “**VISAкарточкаси билан Интернет орқали операциялар ўтказилганда хавфсизликка риоя қилиш қоидалари”.

***3-илова –*** “Visaхалқаро пластик карточкасини чиқаришга Ариза”.

***4-Илова –*** “Visaкарточкасини қайта чиқаришга Ариза”.

***5-Илова-***“Карта ҳисобварағини ва Visaкарточкасини ёпишга Ариза”.

***6-Илова–*** “Хорижий валютани сотиб олишга Буюртманома”.

***7-Илова –*** “Миллий валютани сотиб олишга Буюртманома”.

*Жисмоний шахснинг халқаро пластик карточкасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш тартибига*
1-ИЛОВА

## VISA ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

### I. Умумий қоидалар

1. Сақловчига топшириладиган Карточка “Капиталбанк” АТБнинг мулки ҳисобланади.Карточканинг амал қилиш муддати унинг юза қисмида кўрсатилган ва амал қилиш муддати ўтгандан кейин Карточка ҳақиқий бўлмайди. Муддати ўтган Карточкани топшириш ва янги муддатга чиқарилган Карточкани олиш учун Банкка ўз вақтида мурожаат қилиш керак.
2. Карточканинг юзасида исми ва унинг орқа томонидан имзо намунаси кўрсатилган, VISA халқаро пластик карточкасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги Шартномага асосан Карточкадан фойдаланиш ҳуқуқини Банкдан олган шахс Карточканинг Сақловчиси ҳисобланади.

### II. Карточкани олиш

3. Карточкани ола ётганингизда унинг орқа томонидаги имзо учун жойда албатта ўз имзоингизни қўйинг.
4. Карточка бошқа шахсга берилиши мумкин эмас ва амал қилиш муддати тугаганидан сўнг ёки Банкнинг талаби билан Банкка топширилиши керак.
5. Карточка савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарида товар ҳамда хизматларга тўловлар қилиш ва VISA тўлов тизими эмблемаси жойлаштирилган банк муассасаси ва банкоматлардан накд пул маблағларини олиш учун мўлажлланган.
6. Янги ёки қайта чиқарилган карточкани фаоллаштириш Мижоз томонидан Банкомат воситасида (VISA халқаро пластик карточкалари бўйича) ёки Мижозларни кўллаб-қувватлаш хизмати телефон рақами орқали Банкка мурожаат қилиб ёхуд Бан Офисида мустақил амалга оширилади.

### III. Шахсий идентификацион рақам (ПИН-код)

7. Сиз Карточка билан бирга ичида банкомалар орқали накд пул маблағлари олишда зарур бўлган, шунингдек, банк муассасаларида накд пул маблағлари олишда ёки баъзи ҳолларда терминаллардан фойдаланган ҳолда товар ва хизматларга тўлов қилишда фойдаланиладиган шахсий идентификацион рақам (ПИН-код) бўлган муҳрланган конверт оласиз.
8. Карточкангиздан бошқа шахс фойдаланишининг олдини олиш учун ПИН-кодни Карточкадан алоҳида сақланг, ПИН-кодни Карточканинг устига ёзиб қўйманг, ПИН-кодни бошқа шахсларга айтманг.ПИН-кодни электрон терминалда ёки банкоматда теришда киритаётган рақамларингизни атрофдагиларга кўримайдиган қилиб теринг. Агар Сиз ПИН-кодни эсингиздан чиқарган бўлсангиз, янги рақамли ва янги ПИН-кодли Карточка чиқариш учун “Капиталбанк” АТБга мурожаат қилинг.
9. Карточкангизнинг рақамини ва ПИН-кодини ёзиб қўйинг. Бу рақамни Карточкадан алоҳида сақланг. Уни йўқотганда ёки бирор-бир тушунмовчилик юзага келганда қўнғироқ қилиш лозим бўлган телефон рақамини (Карточканинг орқа томонига қаранг) дарҳол уяли телефонингиз хотирасига ёки қайд дафтарига ёзиб қўйинг. Ушбу қайд Карточкангиз ўғирланганда, Сизга карта ҳисобварағингизни рухсатсиз киришдан ҳимоя қилишга ҳамда бунинг учун зарур чораларни кўриш мақсадида дарҳол Банкка мурожаат қилишингизга ёрдам беради

### IV. Карточка шикастланишининг олдини олиш чоралари

10. Карточкага электро магнит майдонларнинг таъсирини олдини олиш мақсадида уни электр ускуналар (совутгич, телевизор, радио, микротўлқинли печь ва бошқ)

яқинида қолдирманг.Карточкани магнитли ёпқичли хамёнда ёки сумкада сақламанг. Шунингдек, Карточкани уяли алоқа телефони олдида сақламанг.Карточкани металл юзасига қўйманг, уни букламанг ва қирманг. Карточкани ҳамёнингиз ва нақд пуллар билан бир жойда, шунингдек, кийимингизнинг Карточкага тасодифан зарар етказиш эҳтимоли юқори бўлган жойларида (масалан: шимларнинг орқа чўнтаги, калитлар ва бошқа нарсалар билан сақлаш ва бошқ) сақламанг. Карточкани ифлосланишидан,юқори ҳароратнинг, шунингдек, карточканинг пластик қатламини ва/ёки чипини бузадиган тажовузкор муҳитнинг Карточкага таъсир кўрсатишидан сақланинг.

11. Шикастланиш натижасида Карточкадан Операцияларни амалга ошириш учун фойдаланишнинг имконсиз бўлиб қолса, уни топшириш ва янги Карточка олиш учун “Капиталбанк” АТБнинг Сизга Карточка берган бўлимига мурожаат қилинг.

## V. Фирибгарликдан ҳимояланиш учун хафвсизлик чоралари

12. Карточкангизни атрофдагиларнинг қўли етмайдиган жойда сақланг.

13. Карточкангиз билан фирибгарлик қилишларининг олдини олиш учун у билан фақат ўзингизнинг иштирокингизда операция ўтказилишини талаб қилинг, уни кўз олдингиздан олиб кетишларига йўл қўйманг.

14. Карточкангиздан эҳтимолий фирибгарлик йўлида фойдаланишга шубҳа пайдо бўлса, бу ҳақида “Капиталбанк” АТБ Мижозларини қўллаб-қувватлаш хизматининг Карточканинг орқа томонидан кўрсатилган телефон рақамига дарҳол хабар беринг ва/ёки бу ҳақида (998 71) 232-26-07 факс рақамига ёки cards@kapitalbank.uzE-mail манзилига Карточка рақамингизни, Сақловчининг туғилган санасини, Карточка турини, алоқа телефони ва мурожаатнинг сабабини кўрсатган ҳолда хабар юборинг ва 24 соат мобайнида Банк Офисига келинг.

## VI. Карта ҳисобварағини тўлдириш

15. Карта ҳисобварағи нақд пул маблағларини кирим қилиш йўли билан ёки амалдаги қонунчиликка асосан нақд пулсиз шаклда тўлдирилиши мумкин.

## VII. Банкоматдан нақд пул маблағлари олиш

16. Карточка бўйича Банкомат орқали нақд пул маблағларини олиш Операциясини ўтказишдан олдин, Банкоматда Карточкангизга мос келадиган тўлов тизими белгиси, шунигдек, банкоматга хизмат кўрсатувчи банк тўғрисида маълумотлар (номи, манзили, телефон рақами) мавжудлигига ишонч ҳосил қилинг.

17. Банкомат орқали операция ўтказиш бўйича (шу жумладан, операцияси валютаси тўғрисида) Йўриқнома банкоматнинг экранида кетма-кет кўрина бошлайди.

18. ПИН-кодингизни киритшда хатога йўл қўйманг. ПИН-код кетма-кет уч маротаба нотўғри киритилганда Карточкангиз Банкоматда қолади.

19. Операция тугаганидан сўнг пулни, Карточкани ва банкомат чекини (улар ҳар қандай тартибда қайтарилиши мумкин) олишни унутманг. Акс ҳолда тақдим этилган пуллар в Карточка 20-40 секунд ўтганидан кейин Банкоматда қолиши мумкин. Уларни қайтиб олиш учун банкоматда кўрсатилган телефон рақамлари орқали банк билан боғланишингиз керак бўлади.

20. Карточка банкоматда қолиб кетганида, **VISA пластик карточкасидан фойдаланиш Қоидаларининг 14 б.да** кўрсатилган телефон/факсга хабар қилиш уни дарҳол блоклашингиз керак бўлади.Шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида Сизга қайтариб берилиши мумкин бўлган карточкангизни олиш учун банкоматда кўрсатилган телефон ёки манзил бўйича банкомат тегишли бўлган банкка кейинги иш кунидан кечиктирмасдан мурожаат қилишингиз керак.

21. Барча банкоматларнинг чекини 6 ой мобайнида сақланг.

## VIII. Товар ва хизматларга тўлов қилиш

22. Операция электрон терминалдан фойдаланиб амалга оширилаётган бўлса, кассир Сизга ПИН-кодни электрон терминалнинг ташқи клавиатурасида киритишни таклиф қилиши мумкин.

23. Операция тугаганидан сўнг кассир Сизга савдо чекини бериши лозим. Чекни олинг ва унда сумма ҳамда валюта ўтказилган операцияга тўғри келишига ишонч ҳосил қилинг. Сумма, валюта, операция санаси, савдо-хизмат кўрсатиш нуқтасининг номи қўйилмаган (ҳақиқатга тўғри келмайдиган) чекни имзоламанг.

24. Хариддан воз кечганингизда операция тугаши биланоқ операцияни бекор қилишни талаб қилинг ва олдин расмийлаштирилган чек йўқ қилинганига ишонч ҳосил қилинг.

25. Савдо-хизмат кўрсатиш нуқтасида Карточкангиз бўйича олдин олинган харид қайтарилганда ёки хизматдан воз кечилганида Савдо-хизмат кўрсатиш нуқтаси кассири имзолаган чекни (CreditVoucher) мажбурий расмийлаштириш орқали “харидни қайтариш” операцияси ўтказилиши керак. Чекни албатта сақлаб қўйинг. Операция суммаси ҳисобварағингизга 30 кун ичида келиб тушмаса, низоли трансакция ҳақида аризани расмийлаштириш учун Сизга Карточка берган Банк бўлимига мурожаат қилинг.

26. Барча чекларни 6 ой мобайнида сақланг.

## IX. Карточка бўйича операцияларни назорат қилиш

27. Сиз Карточкангиз бўйича маблағлар ҳаракати бўйича ҳисоботни – Карта ҳисобварағингиз бўйича кўчирмани “Капиталбанк” АТБдан олишингиз мумкин.Сиз кўчирмада кўрсатилган бирор-бир Операция билан рози бўлмасангиз, низоли трансакция ҳақида ариза беришга ҳуқуқингиз бўлади.

## X. Карточканинг йўқолиши

28. Карточка йўқолганда (йўқотилганда, ўғирланганда, олиб қўйилганда) ёки ПИН-код ёхуд карточканинг реквизитлари ҳақидаги маълумотлар учинчи шахсларда маълум бўлганида, “Капиталбанк”АТБ билан дарҳол боғланинг ва Карточканинг йўқолганлиги ҳақида оғзаки ёки ёзма шаклда хабар беринг.

29. Сақловчининг ҳар қандай оғзаки мурожаати мурожаат қилинган вақтдан 24 соат ичида “Капиталбанк”ка ёзма ариза билан тасдиқланиши керак.

30. Ёзма ариза Банк Офиси таркибий бўлимига берилиши керак.

31. Карточка савдо-хизмат кўрсатиш нуқтасида ёки нақд пул бериш шаҳобчасида олиб қўйилган ҳолларда сана, олиб қўйиш вақти ва сабаби кўрсатилган тилхатни талаб қилинг, Сиздан олиб қўйилган карточка Сизнинг иштирокингизда қирқилганига ишонч ҳосил қилинг.Карточка олиб қўйилганлиги ҳақида «Капиталбанк» АТБга маълум қилинг.

*Жисмоний шахснинг халқаро пластик карточкасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш тартибига*
2-ИЛОВА

## VISAКАРТОЧКАСИ БИЛАН ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАР ЎТКАЗИЛГАНДА ХАВФСИЗЛИККА РИОЯ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

I. Алоҳида карточка билан тўловни амалга оширинг

Ҳисобида йирик пул маблағи бўлган асосий карточкангиздан Интернет орқали тўлов қилишда фойдаланманг. Бундай мақсадлар учун алоҳида Карточка ва Карта ҳисобварағи очинг ҳамда бу ҳисобварақка заруратга қараб пул маблағлари ўтказинг.

II. Нотаниш сайтларда Карточкангизҳақидаги маълумотларни қолдирманг.

Ўзингиз ва Карточкангиз ҳақидаги маълумотларни Сизга нотаниш бўлган сайтларда қолдирманг. Тўлов амалга оширмоқчи бўлган ташкилотингиз қаерда жойлашганлигига қаранг. Агар унинг манзили бўлмаса ёки у Сизда шубҳа уйғотса,тўловни амалга оширишдан олдин ўйлаб кўринг.

III. Хавфсиз веб сайтлардан фойдаланинг

Ишончли интернет-дўконлар битим амалга ошираётганда шахсий маълумотларингизни химоясини кафолатлайдиган махсус технологиядан фойдаланишади.
Сизнинг маълумотларингиз интернет-дўконга юборилаётганда киберфирибгарлар уларни қўлга киритишга ҳаракат қилишлари мумкин, шунинг учунИшончли интернет-дўконлар Интерент орқали узатиладиган шахсий маълумотларни шифрлаш технологиясидан фойдаланишади.Веб сайтнинг URL-манзилини текшириш унинг ҳимояланганлигини текширишни усулларидан бири ҳисобланади: у **«http»**эмас, балки, **«https»**префикси билан бошланиши керак. Агар Сиз иккилансангиз, интернет-дўконнинг мижозлар билан ишлаш хизматига қўнғироқ қилинг ва улар фойдаланадиган хавфсизлик сиёсати тўғрисида сўранг. Ушбу сайт орқали ҳисоб-китобларнинг хавфсизлигини тасдиқлайдиган турли хилдаги сертификатларга эътибор қилинг.

IV. Компьютерингизнинг хавфсизлик дастурини сотиб олинг

Компьютернинг Интернетда харид амалга оширишда эҳтимолий хавфларни аниқлайдиган ва блоклайдиган комплекс хавфсизлик дастурини сотиб олинг.
Хавфсизлик дастурларининг нархи қиммат эмас, бироқ Сизга зарар етишидан олдин интернет фирибгарликнинг олдини олиб сезиларли маблағингизни тежаши мумкин.
Ишончли хавфсизлик тизими (масалан **McAfee® InternetSecurity**) Сиз қайси веб сайтларга киришингиздан қатъи назар, доимий ҳимояни таъминлайди.**McAfee® InternetSecurity**хавфсизлик тизимларининг шахсий маълумотларни ўғирлашдан, фишингдан ҳимоя қилиш функциялари ва **SiteAdvisor®**маълумотларингизнинг махфий сақланишини таъминлайди.
.

V. Фақат ишончли дўконларга ишонинг

Агар Сиз веб сайтнинг ишончли эканлигига ишнчингиз комил бўлмаса, у ерда харидни амалга оширманг.
Сиз буюртма қилмоқчи бўлган компанияга нисбатан Сизда бирор-бир безовталик бўлса, битимни амалга оширманг. Агар таклиф Сизга “рост бўлиши учун жуда зўр” деб туюлса, балки, бунга рози бўлмаганингиз маъқулдир. Ҳали жуда кўп интернет-дўконлар бора, фақатгина яна бир нечта манзилларгакириб кўриш керак.
Карта ҳисобварағидан маблағни ноқонуний ечиб олиш тўғрисида озгина шубҳа пайдо бўлса, Сизга Карточкани берган Банк Офисига мурожаат қилинг. Сизда рад қилиш ёкиКарта ҳисобварағингиздан маблағ ноқонуний ечилганлиги юзасидан низолашиш учун муддат бор.Мазкур муддатнинг давомийлигини Карточкани олаётганда Банк Офисида аниқлаш керак.

*Жисмоний шахснинг халқаро пластик карточкасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш тартибига*

3-ИЛОВА

*“Карточкани беришга рухсат этаман”*

__________________________

________________________

КАПИТАЛБАНК АТБ ____

Филиали

Дан

________________________________________________

(Ф.И.Ш. Жисмоний шахс учун)

**Visa халқаро пластик карточкасини чиқаришга**

## АРИЗА

Менинг номимга VISA халқаро пластик карточкасини чиқаришингизни сўрайман: ☐Visa Classic ☐Visa Electron ☐Visa Gold ☐Visa Platinum ☐Visa Infinite ☐Visa Travel ☐Visa GM

☐асосий Visaкарточкаси ☐қўшимча Visa карточкаси

Карточкага тушириш учун исм ва фамилиянгизни кўрсатинг (Паспортда кўрсатилганидек бўлса мақсадга мувофиқ бўлади)

| | |
|---|---|
| Карточка учун ИСМ | |
| Карточка учун Фамилия | |

**ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР:**

Туғилган сана: __________________ Фуқаролик: ________________________

кун ой Йил — Фуқаролигингизни кўрсатинг

Рўйхатга олинган жой бўйича манзил: ________________________________

Рўйхатда турган жойингизнинг манзилини Паспортда кўрсатилганидек тўлиқ кўрсатинг

Уй телефони: ________________ e-mail: ________________________

Уй телефонини кўрсатинг — Электрон почта манзилини кўрсатинг

Уяли телефон рақами: ________________

Уяли телефон рақамини префикс билан кўрсатинг

**ПАСПОРТ МАЪЛУМОТЛАРИ**

____________________________________________

**НАЗОРАТ СЎЗИ:**

Карточкангизга хизмат кўрсатиш масалалари бўйича телефон сўзлашувларида Банк ишчилари Сизни идентификация қила оладиган назорат сўзини кўрсатинг: ________________________

**МАЪЛУМОТНИНГ ҲАҚИҚИЙЛИГИ ТЎҒРИСИДА АРИЗА:**

Ушбу Аризада кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайман.

Банк:

- Ушбу Аризада кўрсатилган маълумотларни текширишга ҳуқуқи борлигига
- Сабабини тушунтирмасдан банк пластик карточкасини чиқаришни рад қилиш ҳуқуқи мавжудлигига Розилигимни билдираман

**“Капиталбанк” АТБнинг Тарифлари ва VISA карточкаларидан фойдаланиш Қоидалари билан танишдим ҳамда уларни бажариш мажбуриятини оламан**

| **Карточка Сақловчининг имзоси** | ✓ | **Сана** | |
|---|---|---|---|

**<u>КАРТОЧКАНИ ОЛИШ:</u>**

☐Банкдан

☐Қуйидига манзилга етказиб бериш: __________________ шаҳар __________________________________________ кўча: _______ дом ________квартира Ориентир____________________________________________________________

Тахминий етказиб бериш вақти (сана и вақти): ______/_______/_______ _____:_____

сана вақт

| **Карточка Сақловчининг имзоси** | ✓ |
|---|---|

**<u>Ушбу имзо орқали Карточкани “Карточкани олиш” бўлимида кўрсатилган шартларда беришингизни сўрашимни тасдиқлайман</u>**

**БАНКНИНГ ХИЗМАТ БЕЛГИЛАРИ**

| **Карта ҳисобварағи рақами:** | |
|---|---|

| Хизматҳаракатлари/қарори/белгилари | Ходимнинг Ф.И.Ш. | Имзо |
|---|---|---|
| Аризани қабул қилди | | |
| Келишилди | | |

*Жисмоний шахснинг халқаро пластик карточкасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш тартибига*

4-ИЛОВА

*«Карточкани беришга рухсат этаман»*

________________________

________________________

«Капиталбанка» АТБ

________________________________________________ Дан

(Ф.И.Ш. Жисмоний шахс учун)

**Visa карточкасини қайта чиқаришга**

**АРИЗА**

Менинг номимга халқаро VISA пластик карточкасини қайта чиқаришингизни сўрай ман ☐ **Visa GM** ☐**Visa Classic** ☐**Visa Electron** ☐ **Visa Gold** ☐ **Visa Travel** ☐ **Visa Platinum** ☐ **Visa Infinite**

| Карточка рақами | 4 | 2 | 7 | 8 | | | * | * | * | * | * | * | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

**Қайта чиқаришнинг сабабини кўрсатинг:**

а) ☐карточкаларнинг амал қилиш муддати тугаган
б) ☐сақловчининг паспортидаги исм/фамилиясидаги ўзгариш
в) ☐карточканинг йўқолганлиги/ўғирланганлиги*
г) ☐карточканинг шикастланиши
д) ☐карточканинг техник носозлиги
е) ☐карточка билан фирибгарлик ҳаракатларининг бажарилишига шубҳа
ж) ☐ПИН-кодни алмаштириш

☐**Асосий Visaкарточкаси** ☐**Қўшимча Visaкарточкаси**

Карточкага тушириш учун исм ва фамилиянгизни кўрсатинг (паспортдагидек лотин ҳарфларида)

| | |
|---|---|
| ИСМ | |
| ФАМИЛИЯ | |

ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Туғилган сана: Фуқаролик: Резидент/Норезидент

кун ой йил Фуқаролигингизни кўрсатинг

Рўйхатга олинган жой бўйича манзил

Рўйхатда турган жойингизнинг манзилини Паспортда кўрсатилганидек тўлиқ кўрсатинг

Уй телефони: ________________ e-mail: ________________

Уй телефонинин кўрсатинг Электрон почта манзилини кўрсатинг

Уяли телефон рақами: ________________

Уяли телефон рақамини префикс билан кўрсатинг

**ПАСПОРТ МАЪЛУМОТЛАРИ:** ________________________________________

**НАЗОРАТ СЎЗИ:**

Карточкангизга хизмат кўрсатиш масалалари бўйича телефон сўзлашувларида Банк ишчилари Сизни идентификация қила оладиган назорат сўзини кўрсатинг: ____________________________

МАЪЛУМОТНИНГ ҲАҚИҚИЙЛИГИ ТЎҒРИСИДА АРИЗА:

Ушбу Аризада кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайман.

Банк:

- Ушбу Аризада кўрсатилган маълумотларни текширишга ҳуқуқи борлигига
- Сабабини тушунтирмасдан банк пластик карточкасини чиқаришни рад қилиш ҳуқуқи мавжудлигига

Розилигимни билдираман

**Банк Тарифлари ва “VISA пластик карточкаларидан фойдаланиш Қоидалари” ҳамда “Visaкарточкаси билан интернет орқали операциялар ўтказилганда хавфсизликка риоя қилиш қоидалари” билан танишдим ҳамда уларни бажариш мажбуриятини оламан**

**АРИЗАНИ ИМЗОЛАШ ПАЙТИДА КАРТОЧКАНИНГ ҲОЛАТИ:**

☐**Аризада кўрсатилган рақамли Карточкабанкка топширилди ва менинг иштирокимда йўқ қилинди** ☐**Йўқотилган**

| **Карточка Сақловчисининг имзоси** | | **Сана** | |
|---|---|---|---|

**КАРТОЧКАНИ ОЛИШ:**

☐ Банкдан

☐Қуйидига манзилга етказиб бериш: __________________ шаҳар ____________________________________ кўча: _______ дом ________квартира Ориентир____________________________________

Тахминий етказиб бериш вақти (сана и вақти): ______/_______/_______ _____:_____

сана вақт

**Карточка Сақловчининг имзоси** ✓

**Ушбу имзо орқали Карточкани “Карточкани олиш” бўлимида кўрсатилган шартларда беришингизни сўрашимни тасдиқлайман**

БАНКНИНГ ХИЗМАТ БЕЛГИЛАРИ

Карта ҳисобвараҕи рақами:

| Хизматҳаракати/қарори/белгилари | Ходимнинг Ф.И.Ш. | Имзо |
|---|---|---|
| **Карточка ва аризани (йўқолмаган бўлса) қабул қилдим** | | ✎ |
| **Келишилди** | | ✎ |

*Жисмоний шахснинг халқаро пластик карточкасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш тартибига*
5-ИЛОВА

_______________ _____
**«Капиталбанка» АТБ**

_______________________________________________________________ **дан**

## КАРТА ҲИСОБВАРАҒИНИ ВА VISA КАРТОЧКАСИНИ ЁПИШГА АРИЗА

Сиздан Visa пластик карточкасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги ________йилдаги _________–сонли Шартномани

☐**Visa Classic** ☐**Visa Electron** ☐ **Visa Gold** ☐ **Visa Travel** ☐ **Visa GM**

| | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4 | 2 | 7 | 8 | | | * | * | * | * | * | * | | | | |

-сонли Карточка ҳисобварақларимни ва Visaкарточкамни (карточкаларим) Шунингдек

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2 | 2 | 6 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | |

-сонли Карточка ҳисобварақларимни бекор қилишингизни ва фойдаланилмаган маблағ қолдиғини менинг ________________________________________- сонли талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағимга ўтказиб беришингизни сўрайман.

Мен қуйида тақдим қилинаётган маълумотларнинг ҳақиқийлигини ва тўлиқ эканлигини тасдиқлайман. Авторизация қилинган ва ўзаро ҳисоб-китоб қилинмаган трансакциялар мавжуд бўлса, маблағларни қайтариштрансакцияларни ўтказилишига қараб, ўтказиган трансакциялар суммасини, шунингдек, банк хизматлари учун воситачилик ҳақини айириб 30 кун ичида амалга оширилишименга маълум.

### АРИЗАНИ ИМЗОЛАШ ПАЙТИДА КАРТОЧКАНИНГ ҲОЛАТИ:

☐**Аризада кўрсатилган рақамли Карточка банкка топширилди ва менинг иштирокимда йўқ қилинди** ☐ **Йўқотилган**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Карточка Сақловчисининг имзоси** | ✓ | **Сана** | |

БАНК БЕЛГИСИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Карточкатопширилди:** | | **Вақти** | |
| **Карточкаблокланган: Сана** | | **Вақти** | |

Банкнинг хизмат белгилари

| Хизмат ҳаракати/қарори/белгилари | Ходимнинг Ф.И.Ш. | Имзо |
|---|---|---|
| **Карточкани ва Аризани (агар йўқолмаган бўлса)қабул қилди Заявление и карту (если не утеряна) принял(а)** | | ✎ |
| **Келишилди** | | ✎ |

*Жисмоний шахснинг халқаро пластик карточкасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш тартибига*

6-ИЛОВА

______________________________

"Капиталбанк" АТБ____________

_______________________________________________ манзилида яшовчи

____________________________________________________________ дан

_______________________(Аризачининг Ф.И.Ш.)

Хорижий валютани сотиб олишга

**БУЮРТМАНОМА***

№ 8600 ____XXXXXX________ шахсий банк карточкасида бўлган __________________________________________________________________________ сўм,
(рақам ва сўз билан)
миқдоридаги миллий валютани

_______________________________________________________________ АҚШ доллари миқдоридаги хорижий валютага

☐ VISA халқаро тўлов карточкаси очиб
хорижий валютадаги маблағларни унга кирим қилиш орқали;

☐ № 4278 XXXXXXXX___________________
халқаро карточкага кири қилиш орқали
(Аризачининг номига очилган халқаро тўлов карточка мавжуд бўлса)
айирбошлаб беришингизни сўраймиз.

________________________________________

**Аризачининг имзоси _______________** **Сана: «____»_____________ 201__г.**

_________________________
(банк ходимининг имзоси)

__________________________________

(МУҲР)

*Имзолар текширилган, ҳисобварақ сальдоси йўл қуяди*

*Жисмоний шахснинг халқаро пластик карточкасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш ва бажариш тартибига*
7-ИЛОВА

______________________________

"Капиталбанк" АТБ____________

____________________________________________________________
_______________________________________________ манзилида яшовчи

____________________________________________________________ дан
_______________________(Аризачининг Ф.И.Ш.)

Хорижий валютани миллий валютага айирбошлашга

**БУЮРТМАНОМА***

4278_____XXXXXX - сонли шахсий халқаро банк карточкасидаги______________________________________________________________

(сўз ва рақам билан)

АҚШ доллари миқдоридаги хорижий валютани

☐ 8600 XXXXXXXX-сонли шахсий
банк карточкасига кирим қилиш орқали

_____________________________________________________________________________

(сўз ва рақам билан)

сўм миқдоридаги миллий валютага айирбошлаб беришингизни сўрайман.

________________________________________

**Аризачининг имзоси _______________ Сана: «____»_____________ 201_г.**

_________________________
(банк ходими имзоси)

_________________________

(Конверсион операциялар бўлимининг муҳри)

*Имзолар текширилган, ҳисобварақ сальдоси йўл қуяди..*

**“Капиталбанк” АТБда жисмоний шахсларга комплекс банк хизмати кўрсатиш Қоидаларига**
**3-ИЛОВА**

# ЖИСМОНИЙ ШАХСГА ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА ОМОНАТ (ҲИСОБВАРАҚ) ОЧИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА ТУЗИШ ВА БАЖАРИШ ТАРТИБИ

## 1. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР

1.1. Ушбу Тартибнинг мақсадлари учун қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

***Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномаси (Шартнома)***- Банк ва Мижоз ўртасида тузиладиган жисмоний шахснинг талаб қилиб олингунча ҳисобварағини очиш тартиби.

***Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ*** –келган пул маблағларини қабул қилиш ва кирим қилиш, шунингдек муайян маблағларни Мижознинг биринчи талаби билан ўчириш, ўтказиб бериш ва бериш тўғрисидаги Топшириқларини ижро қилиш ва мазкур Тартиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган тартибда талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни бажариш учун ушбуТартибга асосанБанк томонидан Мижозга очиладиганталаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ.

1.2. Мазкур Тартибда фойдаланиладиган бошқа атама ва таърифлар Комплекс хизмат кўрсатиш Қоидаларидаги мазмун билан бир хил маънога эга.

## 2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур Тартиб Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномасини тузиш ва бажариш тартибини белгилайди.

2.2. Мижоз шартнома тузиш учун Банк тасдиқлаган шаклда тўлдирилган Аризани ва амалдаги қонунчилик ва Банк томонидан ўрнатилган тартига асосан Шартнома тузиш учун керак бўлган ҳужжатларни Банкка беради. Мижознинг Аризаси Банк томонидан акцептлангандан сўнг Шартнома тузилган ҳисобланади.

Мижоз томонидан тўлдирилган ва имзоланган Ариза Банк томонидан акцептланган тақдирда Шартноманинг ажралмас қисмига айланади ва Шартноманинг Қоидаларда, мазкур Тартибда баён этилган умумий шартларига Мижознинг тўлиқ ва сўссиз розилигини тасдиқлайди, шунингдек, Ариза бериш жараёнида Мижознинг Банк Тарифлари билан танишганлигини ва уларга рози эканлигини тасдиқлайди.

Банк белгиси қўйилган Ариза нусхаси Мижозга унинг сўрови бўйича Банк Офисида берилади.

2.3. Банк Мижозга талаб қилиб олингунча ҳисобварақ очади ва топшириқномаларни фақатгина Мижознинг ўзидан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан унинг ишончли вакилидан қабул қилади. Мижоз ёки унинг ишончли вакили топшириғисиз Банк томонидан маблағларни ҳисобдан ўчириш фақатгина Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин.

2.4. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича Операциялар амалдаги қонунчилик, мазкур тартиб ва банк ички норматив ҳужжатлари талабларига асосан амалга оширилади

2.5. Банк Тарифларида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, Мижознинг талаб қилиб олингунча ҳисобварақда мавжуд пул маблағларидан фойдаланганлик учун Банк томонидан фоизларёзилмайди.

2.6. Қуйидагилар Шартномани ташкил қилувчи ҳужжатлар ҳисобланади:

- Комплекс банк хизмати кўрсатиш Қоидалари;
- Ушбу тартиб, шу жумладан, Банкнинг амалда бўлган Тарифлари;

- Мижознинг Банк томонидан акцептланган талаб қилиб олингунча ҳисобварақ очиш тўғрисидаги Аризаси;

2.7. Мижоз КБХШ доирасида Банкда унинг номига очилган барча ҳисобварақаларгажисмоний шахсларга комплекс банк хизмати кўрсатиш Қоидаларининг шартларига асосан Мижознинг ҳисобварақаларидан пул маблағларина кўчириш бўйича Топшириқнома расмийлаштириш имкониятини ҳисобга олган ҳолда Интернет банк ва Мобил банкдаги Шахсий кабинет орқали кириши мумкин.

## 3. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банкнинг мажбуриятлари

3.1.1. Мижоз Банк Офисига мурожаат қилганда Банк унинг талаби билан Мижозга унинг реквизитларини ўз ичига олган талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича кўчирма тақдим қилади.

3.1.2. Мижознинг пул маблағларни сақлаш, талаб қилиб олингунча ҳисобварақќа келадиган маблағларни кирим қилиш, уларни кўчириш ва Банк кассаларида бериш тўғрисидаги Мижоз Топшириқларини бажариш, шунингдек, амалдаги қонунчилик, у асосида ўрнатилган Банк қоидалари ва Шартнома шартлари билан талаб қилиб олингунча ҳисобварақ учун назарда тутилган бошқа операцияларни бажариш, шунингдек, Мижозни Банкка берилган топшириқномаларнинг ижроси тўғрисида керакли маълумотлар билан таъминлаш.Бунда талаб қилиб олингунча ҳисобварақда етарли пул маблағлари бўлмаса, пул маблағларини ўчириш амалга оширилмайди.

3.1.3. Мижознинг биринчи талаби билан унинг Топшириқномасини тегишли Топшириқнома банкка келгандан сўнг кейинги кундан кечиктирмасдан ижро қилиш. Бунда Мижознинг Топшириқномаси Операцион кун тугаганидан сўнг ёки дам олиш ёхуд байрам кунлари (ишланмайдиган кунлар) келган бўлса, Операция дам олиш ёхуд байрам кунлари(ишланмайдиган кунлар)дан кейинги Операцион кунда амалга оширилади.

## 4. БАНКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

4.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

4.1.1. Мижознинг Банк олдидаги қуйидаги Битимлардан келиб чиқувчи мажбуриятларини бажариши мақсадида талаб қилиб олингунча ҳисобварақдан Мижознинг қўшимча топшириғисиз (олдиндан берилган акцепт) акцептсиз тартибда пул маблағларини ўчириш:

- Банк Тарифларида ўрнатилган воситачилик ҳақини қўшиб ҳисоблаганда мазкур Тартибга асосан тузилган шартномалар;
- асосий қарз, фоиз ва кредит шартномаларида назарда тутилган бошқа тўловларни қўшиб ҳисоблаганда Банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартномалари;
- Мижоз кафил сифатида қатнашадиган Банк билан тузилган кафиллик шартномалари;
- Банк ва Мижоз ўртасида тузилган бошқа шартномалар.

4.1.2. Шартномага асосан очилган талаб қилиб олингунча ҳисобварақќа Банк томонидан пул маблағлағи хато кирим қилинганида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ёки унинг бўлимлари томонидан пул маблағлари хато ўтказилганида, шу жумладан, амалдаги қонунчлик ҳужжатлари билан тўловларнинг бекор бўлишига олиб келувчи вазиятлар содир бўлгандан сўнг хато ўтказилганида, Мижоз Банкка қўшимча топшириқларсиз талаб қилиб олингунча ҳисобварағидан хато кирим қилинган пул маблағлари миқдоридаги пулларни, шу жумладан, маблағларни тўлаган Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ёки унинг бўлимлари талаби билан ечиб олиш олиш ҳуқуқини беради ва розилигини билдиради (олдиндан берилган акцепт). Кўрсатилган ҳолатларда талаб қилиб олингунча ҳисобварақдан пул маблағларини қисман ечиб олишга йўл қўйилмайди.

4.1.3. Пул маблағларини Мижозга тегишли ҳисобварақ рақами бўйича талаб қилиб олингунча ҳисобварақққа кирим қилиш.

4.1.4. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари нотўғри расмийлаштирилганида ёки Банкка топшириқ бериладиган операциялар амалдаги қонунчиликка зид бўлганида Ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишни рад қилиш.

4.1.5. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Мижоздан уни идентификация қилишга имкон берувчи ва талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича амалга ошириладиган Операцияларнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш.

4.1.6. Қоидаларда назарда тутилган тартибда талаб қилиб олингунча ҳисобварақ Шартномасига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритишни таклиф қилиш.

## 5. МИЖОЗНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мижознинг мажбуриятлари:

5.1.1. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган Операциялар ўтказиш.

5.1.2. Мижознинг Ф.И.Ш., манзили ва/ёки паспорт маълумотлари ўзгарганда 5 (беш) календар кун ичида ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхасини ва ўзгаришларни тасдиқловчи аризани Банк офисига тақдим қилиш. Ҳужжатлардаги ўзгаришлар улар Банкка тақдим қилинган вақтдан бошлаб  Банк учун амал қилишни бошлайди.

5.1.3. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича Операция амалга оширилганида Банк Тарифларига асосан Банк хизматлари баҳосини тўлаб бериш.

5.1.5. Банк Тарифлари ва Қоидаларига киритиладиган ўзгаришлар ва/ёки қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини текшириш мақсадида ўз мустақил ёки ишончли шахслари орқали Банкнинг www.kapital24.uz сайтига мунтазам (ҳафтасига камида бир маротаба) кириб туриш. Банк Тарифлари ва/ёки Қоидаларига киритиладиган ўзгаришларга рози бўлмаганда, Мижоз мазкур Тартибга асосан тузилган КБХШ ва/ёки Шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

5.1.6. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича операцияларни амалдаги қонунчилик ва Банк ички ҳужжатлариги қатъий риоя қилган ҳолда амалгша ошириш. Мижоз Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ очиш ва у бўйича операциялар амалга ошириш учун тақдим қилинадиган ҳужжатларнинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

5.1.7. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақққа хато кирим қилинган ва/ёки ҳисобдан ўчирилган маблағлар аниқланганда бу ҳақида дарҳол Банкка хабар қилиш.

В случае обнаружения, ошибочно зачисленных на Счёт до востребования и/или списанных с него средств, незамедлительно сообщать об этом Банку.

## 6. МИЖОЗНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

6.1. Мижознинг ҳуқуқлари:

6.1.1. банк офисига мурожаат қилганда омонат дафтарчасини олиш;

6.1.2. Амалдаги қонунчиликда ва талаб қилиб олингунча ҳисобварақ Шартномасида назарда тутилган ҳисоб-китобларни амалга ошириш. Пул маблағлари Мижознинг Топшриқномаси асосида кўчириб берилади.

6.1.3.  Амалдаги қонунчилик талаблари асосида лозим даражада расмийлаштирилган ишончномага асосан Вакилга талаб қилиб олингунча ҳисобварақдаги пул маблағларини тасарруф қилиш ҳуқуқини беради.

6.1.4. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақни тасарруф қилишга Вакилга берилган ишончномани бекор қилиш. Бунда Мижоз ишончнома муддатидан олдин бекор қилинган кунда бу ҳақида Банкка ёзма равишда хабар бериб, хатга олдин берилган ишончномани бекор қилиш тўғрисидаги ариза нусхасини илова қилиши керак. Ишончномани муддатидан олдин бекор қилиш дам олиш ёки байрам кунига (ишланмайдиган кунлар) тўғри келса,

Мижоз ёзма аризани дам олиш ёки байрам кунидан (ишланмайдиган кунлар) кейинги биринчи иш кунида беради. Ишончнома бекор бўлганлиги ҳақида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича Вакил томонидан амалга оширилган операция учун Банк жавобгар бўлмайди.

## 7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Мижоз томонидан тақдим қилинган ҳисоб-китоб ҳужжатларида пулни хато кўчирилишига олиб келувчи маблағ олувчининг реквизитлари нотўғри кўрсатилган бўлса, шунингдек, операцияларни тўхтатишнинг қонунийлиги, суд ва бошқа органларнинг ҳал қилув қарори (қарор ва бошк.) асосида Мижознинг Талаб қилиб олингунча ҳисобварағига таъқиқ солинганлиги ва пул маблағларининг ўчирилганлиги учун ҳамда уларда пул маблағларини ундиришнинг асоси тўғри кўрсатилиши учун Банк жавобгар бўлмайди.

7.2. Мижознинг Талаб қилиб олингунча ҳисобварағига келган пулларни ўз вақтида кирим қилинмаганлиги ёки Банк томонидан талаб қилиб олингунча ҳисобварадан пул маблағлари асоссиз ўчирилганлиги учун Банк амалдаги қонунчиликка асосан жавобгар бўлади.

7.3. Ваколатсиз шахс томонидан топшириқнома берилганлигини Банк томонидан банк қоидаларида ва талаб қилиб олингунча ҳисобварақ Шартномасида назарда тутилган жараёнлардан фойдаланиб аниқлашнинг имкони бўлмаган бўлса, Банк талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича ваколатсиз шахс томонидан берилган топшириқномани ижро қилишнинг оқибати учун жавобгар бўлмайди,

7.4. Мижознинг тошприқномасидаги маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик Мижознинг зиимасига юклатилади. Мижоз тузилган Шартномага асосан маълумот ва ҳужжатларни Банкнинг талаби билан тақдим қилиш мажбуриятини олади

## 8. ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА ҲИСОБВАРАҚ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномасини чегараланмаган муддатга тузилади.

8.2. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномаси Мижознинг аризасига асосан Банк Офисида бекор қилиниши мумкин.

8.3. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 788-моддасига ва амалдаги қонунчиликка асосан Банкнинг талаби билан суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

8.4. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномасининг бекор қилиниши талаб қилиб олингунча ҳисобварақни ёпиш учун асос бўлади.

8.5. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ шартномасига ўзгартириш Тарафларнинг ўзаро келишуви асосида киритилади.

## 9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Шартномадан келиб чиқадиган келишмовчилик ва низолар Қоидаларда назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

9.2. Талаб қилиб олингунча ҳисобвараққа қабул қилинган пул маблағларининг қайтиши Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг омонатларни кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

9.3. Банк Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ ва у бўйича амалга оширилган операцияларнинг, шунингдек Мижоз ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини кафолатлайди. Банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар фақатгина Мижознинг ўзига, унинг вакилига, шунингдек, амалдаги қонунчилик ва Қоидалар билан ўрнатилган тартибда учинчи шахсларга тақдим этилиши мумкин.

9.4. Банк омонатдаги пулларнинг бутлигини ва дахлсизлигини кафолатлайди. Омонатда турган пул маблағларига таъқиқ солиш ёки омонат бўйича операцияларни тўхтатиш амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардагина бўлиши мумкин.

9.5. Талаб қилиб олингунча ҳисобварақ бўйича 1 (бир) йил давомида ҳеч қандай операциялар амалга оширилмаган бўлса, Талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ ҳаракатсиз омонат деб топилади. Ҳаракатсиз омонатни юритиш тартиби Ўзбекистон Республиксининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

**“Капиталбанк” АТБда жисмоний шахсларга комплекс банк хизмати кўрсатиш Қоидаларига**
**4-ИЛОВА**

# ЖИСМОНИЙ ШАХСГА МУДДАТЛИ ОМОНАТ ОЧИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА ТУЗИШ ВА БАЖАРИШ ТАРТИБИ

## 1. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР

